

Маҳалла

№22-24
(2352)2026 йил
22 МАРТ,
ЯҚШАНБА

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

Янги Ўзбекистон Наврўзи — Юксалиш ва тараққиёт даври

“Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, бутун халқимизни қутлади.



Давлатимиз раҳбари ўз табригида бу йилги Наврўз айёми муборак Рамазон ҳайити билан бир паллада нишонланаётганини алоҳида таъкидлаб, табиат уйғониши ва руҳий покланиш рамзи бўлган ушбу қутлуг кунлар барча юртдошларимиз учун эзгулик, бирдамлик ва хайр-барока байрами эканини қайд этди. Шунингдек, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида

меҳнат қилаётган, таҳсил олаётган ватандошларимизга самимий салом ва тилаклар йўлланди.

Президентимиз миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизни рози қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ишлар янги босқичга кўтарилганлигини таъкидлади. Бу йил байрам “Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!” деган ғоя

асосида ўтаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси экани қайд этилди.

Маросимда барча ҳудудларга, қишлоқ ва овуллар, маҳаллаларга янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш бўйича катта ҳаракат бошлангани таъкидланди. Янги йил ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида улкан қа-



дамлар қўйилаётгани, юртимизда замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объекти барпо этилаётгани қайд этилди. Келгусида бундай бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайтириш таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу файзли тонгда миришкор деҳқон ва фермерларимизга юксак хур-

дат ва эҳтиром билдирди. Уларнинг халқимиз дастурхонини тўқин ҳамда фаровон қилишдек шарафли меҳнати эътироф этилиб, бу борада давлат ва жамият томонидан доимий қўллаб-қувватлаш давом эттирилиши айтилди.

Президентимиз янги Ўзбекистон мамлакатимиз ёшлари учун юксак парвозлар ва катта ғалабалар майдонига айланиб бораётганини

алоҳида таъкидлади. Бугун таълим, илм-фан, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялари ва бизнес соҳаларида янги номлар, янги қаҳрамонлар пайдо бўлаётгани, ана шундай билимли, жўшқин ҳамда изланувчан ўғил-қизлар билан бутун халқимиз ҳақи равишда фахрланиши қайд этилди.

Давоми 2-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Бутун дунё нурга, гўзалликка тўлган шу дилбар фаслда жонанжон диёримизга шарқона янги йил — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Бугун бамисоли икки азим дарё ташмоқда — Наврўз байрамини муборак Рамазон ҳайити билан бирга нишонламоқдамиз.

Табиат уйғониши ва руҳий покланиш рамзи бўлган мана шундай қутлуг айёмлар билан сизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатла-

рида ишлаётган, таҳсил олаётган ватандошларимизни ҳам муборакбод этиб, уларга эзгу салом ва тилакларимизни изхор этаман.

Байрам барчамизга муборак бўлсин! Наврўзи олам диёримизга тинчлик ва бахт олиб келсин!

Азиз дўстлар!

Бугун баҳорни соғинган юракларимиз янги кун, янги ҳаёт шуқуҳи билан яшамоқда.

Осмондан обираҳмат ёғилиб, дарё ва кўлларимиз сувга тўлмоқда. Бонларимиз, қир ва адирларимиз ўт-уланлар билан қопланиб, йиллимиз баракали бўлишидан дарак бермоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, водий ва

воҳаларимизда сайил-томошалар бошланмоқда.

Янгилини фасли бўлган Наврўз кунларида халқимизнинг умуммиллий бирдамлиги, бунёдкорлик салоҳияти янада яққол намоён бўлмоқда.

Наврўз қадриятларига содиқ бўлиб, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизни, бутун эл-юртимизни рози қилиш йўлидаги ишларимизни янги босқичга кўтармоқдамиз. Бу йилги байрамга “Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!”, деган даъваткор ғоя асос бўлгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Биз барча ҳудудларимизга, қишлоқ ва овуллар, маҳаллаларимизга Янги Ўз-

бекистон нафасини олиб кириш бўйича катта ҳаракат бошладик.

Янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида ҳам улкан қадамлар қўймоқдамиз. Янги-янги замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объекти барпо этилмоқда.

Келгусида бундай қурилишлар кўламини янада кенгайтираимиз.

Ушбу файзли тонгда миришкор деҳқон ва фермерларимизга барчамиз юксак хурмат ва эҳтиром билдирамиз.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН
БИР ГУРУХ
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, маҳалланинг Янги Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, юртимизда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш орқали инсон кадрини улуглаш, маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш борасидаги катта хизматлари, жамиятимизда ўзаро дўстлик ва ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлаш, азалий эзгу анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Каландарова Муборак Дурдубоевна — Олот туманидаги «Бувижонлар мактаби» жамоатчилиги кенгаши раиси, Бухоро вилояти

Худайбергандон Мадраҳим Худайбергандонвич — Богот туманидаги «Каттабоғ» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раисининг ўринбосари, Хоразм вилояти

Давоми 2-саҳифада.

ОНА ТУПРОҚ ХАРИТАСИДАГИ МУХР: МАҲАЛЛА — ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ БИРЛАШГАН МУҚАДДАС МАСКАН

Баҳор — нафақат табиатнинг уйғониши, балки инсон руҳиятидаги янгилиниш, қалблардаги яшариш фасли ҳамдир. Жорий йилги баҳор нафаси Ўзбекистон халқи учун ўзгача мазмун ва тароват билан келди. Бу йилги мавсумда миллий ўзлимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам, жамиятимиз таянчи ҳисобланган Маҳалла тизими ходимлари кунини ва муқаддас Рамазон ойи фазилатлари бир нуқтада туташди.



Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи.

МАҲАЛЛА ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИДА

Президент Шавкат Мирзиёев 21 март кунини “Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, бутун халқимизни қутлади. Маросимда маҳалла тизимининг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

— Маҳалла деганда, кўз олдимизда, аввало, она юртимизнинг гўзал тимсоли намоён бўлади. Биз “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да яхши ният билан катта дастур ва режаларни амалга оширмоқдамиз. Бу ишларда оила ва жамиятда тинчлик-тотув-

лик, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтириш учун кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, “маҳалла еттилиги”, фаол фуқароларимиз киндан иштирок этадилар, деб ишонаман, — деди Президентимиз. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Маҳалла тизими ходимлари кунини билан жонқуяр маҳалла раислари ва фаолларини, барча юртдошларимизни самимий табриклаб, уларга янги муваффақиятлар тилади.

Давоми 3-саҳифада.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИГА АСОСАН, Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг мақоми белгиланди.



Янги қонун билан ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ва ижарага бериш тартиби соддалаштирилади.



Ўзбекистонда халқро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида СЕРВИС ИНФРАТРАСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ бўйича янги тартиб жорий этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сиз, азизларнинг элимиз дастурхонини янада тўкин ва фаровон қилишдек эзгу ишларингизда зафар ва омадлар тилаймиз. Чунки, сизларнинг олижаноб меҳнатингиз билан халқимизнинг ризқу насибаси бутун бўлади. Бу борада давлатимиз, жамиятимиз сизларни доимо қўллаб-қувватлайди.

Хурматли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон мамлакатимиз ёшлари учун юксак парвозлар, катта-катта ғалабалар майдонига айланиб бормоқда. Яқинда ёшларимиз билан учрашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳар бир йўналишда — таълим, илм-фан, маданият ва санъат, спорт, IT ва бизнес соҳаларида янги номлар, янги қаҳрамонлар пайдо бўлмоқда. Мана шундай билими, жўшқин ва изланувчан ўғил-қизлар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Азиз фарзандларим, бугун Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишдек улкан бахт ва юксак шараф сизларга nasib этмоқда. Қанча-қанча аждодларимиз интилий яшаган шу буюк орзуни рўёбга чиқаришга сизлар албатта қодирсиз.

Бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг, яратилган катта имкониятлар, ота-оналар, устоз-мураббийларингиз меҳнатининг қадрига етиб, тинимсиз ўқиб-ўргансангиз, билим ва маҳоратингизни доимо ошириб борасангиз — келажак албатта сизники бўлади.

Бу йўлда сизларга, бутун Ўзбекистон ёшларига яна қандай шарафат зарур бўлса, барчасини яратиб беришга тайёرمىз.

Ватан учун, миллат учун, халқ учун деб яшасангиз — Ватан ва халқ ҳам сизни эъзозлаб, бошига қўтарди!

Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди бўлиб, унинг зафар байроғини баланд кўтаришдан ҳеч қачон тўхтамангиз, азиз фарзандларим!



Қадрли юртдошлар!

Маҳалла деганда, кўз олдимизда аввало она юртимизнинг гўзал тимсоли намоян бўлади. Биз Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида яхши ният билан катта дастур ва режаларни амалга оширмоқдамиз.

Бу ишларда оила ва жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтириш учун кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, "маҳалла еттилиги", фаол фуқароларимиз яқиндан иштирок этадилар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, 22 март куни нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари кўни билан жонқуяр маҳалла раислари ва фаолларини, барча юртдошларимизни чин қалбимдан табриклай, уларга янги муваффақиятлар тилаймиз.

Мухтарам дўстлар!

Минг йиллар давомида халқлар ўртасида маънавий кўп-рик бўлиб келаётган Наврўзнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик гоғлари бугунги нотинч замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари

бу байрамни бир бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Мана шундай аҳиллик ва тотувлик Янги Ўзбекистонимизни биргаликда барпо этишнинг энг ишончли кафолатидир.

Биз жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бу борада кўшни ва қардош мамлакатлар билан бирга, ягона Марказий Осиё овози бўлиб, минтақамизнинг тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик макони сифатидаги нуфузини оширишга устувор аҳамият қаратамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, давраимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларини, халқро ташкилотлар вакилларини Халқро Наврўз кўни билан самимий қўллаб, уларнинг халқига қизгин табрикларимизни йўллаймиз.

Қадрли дўстлар!

Мана шу тароватли лаҳзаларда барчангизга, бутун эл-юртимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Азизлар, қаранг, қандай гўзал юртимиз, қандай саховатли замонимиз, бетакрор табиатимиз бор.

Бу бебаҳо бойликларни минг йиллар оша асраб-авайлаб келаятган меҳнаткаш, оқ кўнгил ва

олижаноб халқимиз бор.

Худо бизга ато этган ерсувимизни, барча имкониятларимизни қадрлаб, улардан оқилона фойдалансангиз, бир бойлигимизга, албатта, ўн бойлик қўшилиди.

Шу боис азалий анъаналаримизни давом эттириб, кўчат экиб, боғ яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик! Яхши кўшничилик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканлигимизни дунёга намоян этайлик!

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Сиз, қадрдонларимиз, бутун халқимизни Наврўзи олам билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Янги Ўзбекистон Наврўзи — юксалиш ҳамда тараққиёт даври халқимизга равнақ ва фаровонлик ато этсин!

Барча пок ниятларимиз амалга ошсин!

Яратган Парвардигор жонажон Ватанимизни ўз панохида асрасин!

Янги кўн, янги бахт барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КўНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

«Дўстлик» ордени билан

Булокова Дилфуза Хотамовна — Оқдарё туманидаги «Чорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Жанисбоева Алия Мехмонқулловна — Бўка тумани 9-оилавий поликлиникасининг «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинидаги патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти

Инагамов Жовдатхон Султанович — Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раисининг биринчи ўринбосари

Лутфиллаева Салима Боймирзаевна — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг «Чорсу», «Озод» ва «Фишқўприк» маҳалла фуқаролар йиғинларидagi қўламазорлаштирувчи — гул экувчиси, Наманган вилояти

Рахмонов Эркин Холлиевич — Ангор туманидаги «Тўлқин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Хазиратқулов Баходир Мирзаевич — Ўлистон туманидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Юлдашева Мархабо Ўмировна — Фориш туманидаги «Конбанди» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аллаева Зулфия Ҳазратқуловна — Шаҳрисабз туманидаги «Мираки» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳат гуруҳи раҳбари, Қашқадарё вилояти

Саатова Зулайха Очиловна — Тошкент шаҳар бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отиноийси

Тошланова Ходисахон Отажоновна — Пахтаобод туманидаги «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Эназаров Иззатилла Саибович — «Нуроний» жамғармасининг Бувайда тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Айдарова Жулдизай Разаковна — Қонимех тумани 6-оилавий поликлиникасининг «Тўққизтепа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги оилавий шифокори, Навоий вилояти

Ахмедов Санжар Бахтиёрович — Ромитан тумани ички ишлар бўлимининг «Қумработ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилактика катта инспектори, Бухоро вилояти

Мамаджонов Донёрбек Икромжон ўғли — Мингбулоқ тумани ички ишлар бўлимининг «Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилактика катта инспектори, Наманган вилояти

«Жасорат» медали билан

Хайитов Сайитназар Атоқулович — Иштихон туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, темирчи уста, Самарқанд вилояти

Юлдашева Мохидил Шадманбековна — Андижон шаҳридаги «Яхши» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Андижон вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Ёдгоров Улугбек Бахтиёрович — Данғара туманидаги «Фирдавс

Юнусов» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Турабова Лутфия Нормуминовна — Пахтачи туманидаги 4-оилавий болалар уйи раҳбари, Самарқанд вилояти

Юлдашева Муяссар Таировна — Мирзо Улугбек туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдуллаев Йигитали Сайдулло ўғли — Жаққўргон туманидаги «Young Adults» ўқув маркази директори, Сурхондарё вилояти

Аҳмадов Сирожиддин Соҳид ўғли — Ўлистон шаҳридаги «Ибратли» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Сирдарё вилояти

Мухитдинов Низомиддин Нажмиддин ўғли — Зангиота туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент вилояти

Холматов Меҳробжбек Эркин ўғли — Чилонзор туманидаги «Тирскобод» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Тошкент шаҳри

«Шухрат» медали билан

Ахмедов Қиличбек Дадапарпиевич — Олтиариқ тумани «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Байжанова Мақсуда Худайберганаевна — Урганч тумани солиқ инспекциясининг «Чўлобод», «Оёқбоғ» ва «Янги Ўртабоб» маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ катта инспектори, Хоразм вилояти

Икромов Давронбек Илхом ўғли — Пискент тумани «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Қазақбаев Полат Торбебаевич — Қўнғирот туманидаги «Таллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қасимова Хасият Улуковна — Сурхондарё вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отиноийси

Қодиров Аслиддин Бахтиёр ўғли — Фаллаорол туманидаги «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Жиззах вилояти

Қодирова Муфаззал Арслоновна — Андижон вилояти тарғиботчилар гуруҳи раҳбари

Муродов Собур Ғаниевич — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг миллий кадриятларни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўлими бош мутахассиси

Соҳиева Гулшод Жобборовна — Қамаш туманидаги «Фиштли» ва «Бойбўри» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Қашқадарё вилояти

Усмонов Зухридин Мухиддинович — Бухоро тумани «Шехонча» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Бухоро вилояти

Хакимов Даврон Нурмухаммадович — Поп туманидаги «Vody trade center» маҳалла фуқаролар йиғинидаги профилактика катта инспектори, Наманган вилояти

Хасанова Фарида Раҳматуллоевна — Сергели туманидаги «Фароғатли» маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Тошкент шаҳри

Худойқулова Мунира Суннатиллоевна — Нурота туманидаги «Яхши» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Навоий вилояти

Эгамбердиев Фаррух Усманиевич — Янгиобод тумани солиқ инспекциясининг «Шодлик» ва «Дўстлик» маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ бош инспектори, Жиззах вилояти

Янги Ўзбекистон Наврўзи — ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари ёшларга мурожаат қилиб, уларга Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишдек юксак шараф насиб этаётганини таъкидлади. Уларни бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг, кенг имкониятлар, ота-она ва устоз-мураббийлар меҳнатининг қадрига етиб, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, билим ва маҳоратни доимий ошириб боришга чақирди. Шу йўлда мамлакатимиз ёшлари учун барча зарур шароитларни яратиб беришга тайёрили билдирилди.

Маросимда маҳалла тизимининг жамият ҳаётидаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» да катта дастур ва режалар амалга оширилаётгани, бу ишларга оила ва жамиятда тинчлик-тотувликни, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш, эзгулик ва адолатни қарор топтиришда отахон ва онахонлар, «маҳалла еттилиги» ва фаол фуқаролар яқиндан иштирок этишларига ишонч билдирилди.

Шу муносабат билан Президентимиз 22 март куни нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари кўни билан жонқуяр маҳалла раислари ва фаолларини, барча юртдошларимизни самимий табриклай, уларга янги муваффақиятлар тилади.

Таъкидланганидек, минг йиллар давомида халқлар ўртасида маънавий кўп-рик бўлиб келаётган Наврўзнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик гоғлари бугунги нотинч замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ушбу байрамни бир бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Ана шундай аҳиллик ва тотувлик янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этишнинг энг ишончли кафолати экани таъкидланди.

Жамиятимизда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши қай қўй этилди. Шунингдек,

кўшни ва қардош мамлакатлар билан бирга ягона Марказий Осиё овози бўлиб, минтақамизнинг тинчлик, биродарлик ва ҳамкорлик макони сифатидаги нуфузини оширишга устувор аҳамият қаратилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари тадбирда иштирок этаётган хорижий давлатлар элчилари, халқро ташкилотлар вакилларини ҳам Халқро Наврўз кўни билан самимий қўллаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига эзгу тилакларини йўллади.

Президентимиз бутун халқимизга яна бир бор мурожаат қилиб, шундай деди:

«Азалий анъаналаримизни давом эттириб, кўчат экиб, боғ яратайлик, уйимиз, маҳалламизни обод қилиб, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этайлик!»

Яхши кўшничилик, аҳиллигимиз ва эзгу ишларимиз билан юксак марраларга интилаётган халқ эканлигимизни дунёга намоян этайлик!

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт, янги тарих, янги келажак яратайлик!»

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Фольклор-этнографик жамоалар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари, миллий ўйин ва аскиялар барчага завқ-шавқ улашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, турли ҳудудлардан меҳмонлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Миллий маданий марказлар павильонига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келмоқда. 157 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Бу хилма-хиллик кўп асрлик тарихий жараёнлар натижасида шакланган ноёб ижтимоий ҳодиса саналади.

Юртимизда миллий маданиятларни ривожлантириш, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, шу орқали ёш авлодни баргиреклик ва ҳамжиҳатлик

руҳида тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Дўстлик боғи ҳамда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси биносига туташ майдонда барпо этилган, йигирма икки миллатнинг ўзига хос архитектураси акс этган павильон ҳам ушбу эътиборнинг ёрқин тасдиғидир.

Бу ерда қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқирк утовлари, корейс, беларус, украин, грек, олмон, дунган, поляк, яхуди, грузин, арман, татар ва крим-татар, уйғур, турк, тожик, хитой, рус ҳамда озарбайжон халқларининг икки қаватдан иборат дўстлик уйлари жойлашган.

Интерьерлар ўша халқнинг миллий анъаналарига мос ҳолда безатилган. Экспозицияларда эса миллий либослар, чолғу асбоблари, декоратив-амалий санъат намунаси, тарихий макетлар ва маданий меросни акс эттирувчи қўллаб-қувватловчи ўрин олган.

Бугун павильонда Наврўз шўкухи ҳукми сурмоқда, зеро, Наврўз ўзи билан бирдамлик, янгилик ва яхшиликка даъват каби эзгу гоғларни олиб келувчи байрамдир.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир миллий маскан фаолияти билан танишиди. Иштирокчилар билан самимий мулоқот қилди.

Учрашувлар чоғида миллий-маданий марказларнинг умумхалқ байрамларини юксак руҳда ўтказишдаги ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Юксак ватанпарварлиги, фидойи меҳнати билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қўшаётган ҳиссаси учун турли миллатга мансуб юртдошларимизга миннатдорлик билдирилди.

Президентимиз павильон меҳмонлари учун ташкил этилган бадиий дастурни томоша қилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, Уза МУХБОБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 19 март



2 майдан Тошкент — Хива йўналишидаги “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” тезура поезди қатнови йўлга қўйилади.



2026 йил сентябр ойида Тошкент шаҳрида СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЭТИКАСИГА бағишланган халқаро экспертлар форуми ўтказилади.



“АФРОСИЁБ” ПОЕЗДЛАРИ энди “Тошкент — Шаҳрисабз — Тошкент” йўналишида ҳафтасига уч марта: жума, шанба ва якшанба кунлари қатнай бошлайди.

2026 йил 22 МАРТ, ЯКШАНБА

Mahalla №22-23-24 МАХСУС СОН

3

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ОНА ТУПРОҚ ХАРИТАСИДАГИ МУҲР: Маҳалла — давлат ва халқ бирлашган муқаддас маскан



Қахрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Президентимизнинг “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан, 2026 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “Наврўзни улуғлаш — инсонни улуғлашдир!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланмоқда.

Бу йилги баҳорнинг яна бир файзли кунларида яна бир байрам — Маҳалла тизими ходимлари кунини кенг нишонланади. Ушбу санадан кейин 22 март эди белгиланишида ҳам теран маъно бор: Наврўз табиатнинг янгилигини билдириши, маҳалла — жамиятнинг янгилигини, ислохотларнинг энг куйи бугунини ва халқ билан мулоқотнинг бош кўпригидир.

“ЮРТ ОБОДЛИГИ, АВАЛЛО, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ!”

Сайхон ерга ниҳол экилса, йиллар ўтиб бу ер кўркем манзара касб этади. Кўр тўқа бошлаган дарахт соясида одамлар ҳузур топади. Мевасидан тотиб, роҳатланади. Эски иморатлар ўрнига янгилири тикланса, манзиллар янада кўркемлашади. Йўллар кенг ва раван бўлганда эл-юрт тароватига кўрк кўйилади. Аслида, буларнинг барчаси одамзотнинг ободликка интилишидан далолат.

Кишининг ободликка интилиши даставвал унинг яшаётган манзил-мақонидан бошланади. Ҳовлига турфа гуллар экиб, хонадонни саранжом-сариста тутушнинг ўзи ободликдан нишона. Бундай гузал ва тароватли манзара кўнглига кўчса-чи, бу энди инсон интилиши керак бўлган энг асосий аъмолга айланади.

Шу боис мамлакатимиз бўйлаб жорий йилнинг февраль ва март ойларида “Тошаллик ва озодлик” ойлари “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шiori остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Жараёнда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “маҳалла еттилиги” аъзолари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари муржаати эълон қилинди.

Ҳашар кунлари 159 минг 931 та кўча, 57 минг 129 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, 665 та зиёратгоҳ, 25 минг 537 та болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди. 6,8 миллион тупдан зиёд манзарали ва ме-

вали дарахт кўчатлари экилди. Жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 42 минг 124 та камбағал оиланинг уй-жойлари таъмирланди, 58 минг 153 та эҳтиёжманд оила, жумладан, 23 минг 114 нафар ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

Маҳаллаларнинг 199 километр ички йўллари асфальт қилинди, 690 километри шағаллаштирилди, 320 километр қисми таъмирланди. 4 653 та бетон устунлар янгиланди, 7 158 та тунги ёритиш чироқлари, 195 та хонадонга кўёш панеллари ўрнатилди.

Бундан ташқари, 18 та маҳаллам идораси, 19 та маҳалла кутубхонаси ҳамда 568 та ижтимоий ва маиший объектлар ишга туширилиши натижада 1 387 та янги иш ўринлари яратилди.

Умуман олганда, бу йилги умумхалқ ҳашарида 17,1 миллион нафардан зиёд фуқаро, айниқса, 9,2 миллион нафардан ортиқ ёшлар иштирок этгани эътиборга лойиқ воқелиқдир.

ТАРТИБЛИ УЙ — СОҒЛОМ ФИҚР ВА РУҲИЯТ БЕЛГИСИДИР

Ҳашар кунлари, айниқса, миллий кадриятаримиз — қизларимиз ва келинларимизнинг эрта саҳарда туриб, кўча-ҳовлиларни сулуриб-сидириши, ён-атрофга сув селиши, турфа гуллар экиши, бу борада нуроний онахонларнинг маслаҳатлар бериши, йўл-йўриқ кўрсатиши каби азалий одатларимиз бор бўй-басти билан намоеён бўлди.

Дарҳақиқат, ўзбек хонадонларида озодлик — нафақат тозаллик белгиси, балки шу оиланинг маданияти, тарбияси ва маънавияти кўзгуси ҳисобланади. Аждодларимиздан бизгача етиб келадиган бу анъаналар асрлар давомида қизларимизни рўзгор тутушга, саришталликка ва гузалликни кадрлашга ўргатиб келган.

Қадимдан совчиларнинг ҳовли саҳнидаги супурилган изларга, гулларнинг тароватига қараб баҳо бериши бежиз бўлмаган. Чунки тартибли уй — соғлом фикр ва руҳият белгисидир. Қиз боланинг уйни қандай тутуши унинг ўз ҳаётига, келажакдаги оиласига ва масъулиятга бўлган муносабатини ифодалайди.

Момоларимиз айтган “Тоша уйга фаришталар келади”, деган гапнинг таг замирида катта ҳикमत бор. Озода ва ҳузубий хонадонда инсоннинг кайфияти кўтарилади, ўзаро меҳр-оқибат кучаяди. Қалдирғочларнинг ин қуриши эса уша уйдаги осойишталик ва тинчликнинг табиий тасдиғидир.

Замон ўзгарса-да, бу кадриятлар ўз қийматини йўқотмайди. Озода уйда тарбияланган фарзандлар интизомли, масъулиятли бўлиб улғаяди.

Ўзбек хонадонидида қиз боланинг саришталлиги оила одобини белгиласа, йигит кишининг феъл-атвори, меҳнати ва масъулияти шу хонадоннинг мустақамлиги ва фурури ҳисобланган. Эракнинг кадрияти унинг сўзи, кўлининг гуллиги ва жамоатдаги ўрни билан ўлчанган.

“Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз” деган мақол шунчаки айтилмаган. Ўз қўли билан дарахт экиш, ток сўриларини кўтариш ёки уйнинг таъмирталаб жойларини тузатиш, бу — йигитнинг келажакда ўз оиласини боқа олишига қафолат сифатида кўрилган. Унинг айтган сўзи ва қилаётган амали бир бўлиши жамиятдаги хурматини белгилаган.

Юқоридаги фикрларни бежиз таъкидлаб ўтмадим. Ўзим кузатган ва гувоҳи бўлган айрим ҳашар тadbирларида нуронийларимиз ёшларга ана шундай ҳаёт мактабидан сабоқлар берди, қизларимизга оила тутушнинг аҳамиятини ўргатди. Англаганингиздек, бугун бундай қодим анъаналарни, кадриятларни қайта жонлантириш, янада оммалаштиришда “маҳалла еттилиги” ходимлари янада ташаббускор бўлиши, нуронийлар фаоллигидан кўпроқ фойдаланиши зарур.



МАҲАЛЛА РИВОЖЛАНСА, КАМБАҒАЛЛИК ҚИСҚАРАДИ, ИШ ҲАМ РАҲБАРИ ЯРАТИЛАДИ, ЖАМИЯТДА ИШОНЧ ОРТАДИ

22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини! Мазкур байрам яшариш ва янгилини, меҳр-оқибат ойёни — Наврўз тантаналари давом этаётган шуқули кунда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Бугун маҳалла шунчаки ижтимоий тузилма эмас, балки халқ билан давлат ўртасидаги мустақам кўприкка айланади. “Маҳалла еттилиги” тизимининг йўлга қўйилгани ҳар бир хонадон муаммосига индивидуал ёндашиш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиришида янги даврни бошлаб берди.

Биргина 2025 йил давомида 8 992 та маҳаллада 55 мингдан ортиқ “еттилик” ходимлари ва жамоатчилик асосида 997 мингдан ортиқ фаоллар ўзаро ҳамкорликда тизимли ишлаши натижасида:

- 2 090 та (23 фоиз) маҳалла ишсизликдан, 1 435 таси (16 фоиз) камбағалликдан, 4 388 таси (49 фоиз) жиноятчиликдан, 1 670 таси (19 фоиз) оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди;
- маҳаллага келиб тушган 4,8 миллиондан ортиқ аҳоли муаммо ва эҳтиёжларининг 89 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилди;
- ҳар бир маҳалла, хонадон ва кўчалари ободонлаштириш ишлари тизими йўлга қўйилиб, 248 минг 317 та камбағал оиланинг уй-жойлари таъмирланди;
- 140 минг 319 та кўча ободонлаштирилди, ички йўллارнинг 19,9 минг километри асфальт, 2,7 минг километри шағаллаштирилди, 179,3 мингга ёритиш чироқлари ўрнатилди;
- “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 44 миллион 700 минг туп дарахтлар ҳамда 20 миллион тупдан ортиқ атиргул, гултожи ва райхон кўчатлари экилди;
- Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига 505,8 миллиард сўм маблағ туширилиб, “еттилик”нинг коллегиял қарори асосида мақсадли ва манзилли сарфланди.

Бу жараёнларда 5,2 миллион нафар аҳоли даромади меҳнатга жалб қилинди, ижтимоий шартнома асосида 311 мингга оилага кўмак кўрсатилди. Ажралиш ёқасидаги қариб 40 мингга оила яраштирилди.

“Маҳалла еттилиги”га самарали фаолият юритиш имкониятини яратиш мақсадида 284 та маҳалла биноси қурилди, 2 205 таси таъмирланди, 4 233 тасига мебель жиҳозлари етказилди, 2 283 тасига кўёш панели ўрнатилди, 281 та нуронийлар ноҳионаси таъмирланиб, 1 608 та маҳаллада кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

“Рақамли маҳалла” платформасининг амалиётга жорий этилиши натижасида ортиқча қозғобозликнинг олди олинди, маҳалладаги аҳоли ва объектлар тўғрисида аниқ статистика шаклланди.

Қўриб турганингиздек, бугун маҳалла — жамиятни юксалтиришнинг бош пойдевори айланмоқда. Агар маҳалла ривожланса, камбағаллик қисқаради, иш ҲАМ РАҲБАРИ ЯРАТИЛАДИ, жамиятда ишонч ортади. Жорий йилда ҳам олдимида қўлаб вазифалар бор, маррани баланд олганлар бор, шу йўлда бир куч ва имкониятни сафарбар этамиз.

МАҲАЛЛА — СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИ “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили!” Бу ном рамзий шior эмас, балки ислохотларнинг ижтимоий таянч нуқтасини аниқ белгилаб берувчи дастурий ёндашувдир.

Айни гоёнинг моҳияти оддий, аммо жуда муҳим: фуқароларнинг эҳтиёжи, дарди ва муаммоси, биринчи навбатда, маҳалла даражасида кўрилади. Демак, адолатли ва самарали бошқарув ҳам айнан шу ердан — одамлар кундалик ҳаётига энг яқин нуқтадан бошланиши лозим.

Шунга қўра, 2026 йилги Давлат дастури ва турли йўналишдаги ислохотлар дастурлари қабул қилинди. Уларда маҳаллани фақат маъмурий ҳудуд эмас, балки унинг фуқаролик жамиятининг табиий таянчи, жамоатчилик назорати ва ҳамжиҳатлик маданияти қарор топадиган муҳитга айлантиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Маҳаллага энди нафақат аҳолининг яшаш жойи, балки янги ҳаёт бошланадиган, имкониятлар юзга қақнадиган, ташаббуслар қўллаб-қувватланадиган ҳудуд сифатида қаралаётгани бежизга эмас.

Маҳалла раислари 5 йиллик ваколатга эга бўлиб, улар бошчилигидаги “еттилик” — жойлардаги ислохотларнинг етакчи кучига айланади. Энг муҳими, ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириш, унутулган бандлик ва тadbиркорлик учун фойдаланиш тизими яратилди.

Бу борадаги ислохотларнинг бош режиси — маҳаллага Янги Ўзбекистон муҳитини олиб кириш. Шу маънода, давлатимиз

рахбари белгилаб берган муҳим ташаббуслардан бири — оғир аҳволдаги 330 та маҳалла ва 33 та туманга катта молиявий ва ташкилий ёрдам йўналтиришдир. Бу орқали ҳудудларга аниқ режалар, лойиҳалар ва мақсадли маблағлар билан кириб борилади. Фақат ушбу дастурнинг ўзи орқали 8,5 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Бу — ҳар бир маҳаллага, унинг ички имкониятлари ва салоҳиятига ишонч билдириладиганнинг яққол ифодасидир. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими фуқаролар ташаббусларини амалий ислохотларга жалб қилишда муҳим кадам бўлди. “Энг яхши солик тўловчи маҳалла” сифатида тан олинган 100 та маҳаллага бюджетдан қўшимча маблағ ажратилиши жамиятда ҳалоллик ва масъулият ҳиссини оширади.

Эътиборингизни бир жиҳатга қаратмоқчиман, бугун маҳалла фақат “ёрдам тарқатадиган” ёки “муаммо рўйхатлайдиган” бўлиб қолган бўлса, маҳалла бўлиб қолмаслиги лозим. Аксинча, у инсон салоҳиятини ишга соладиган, бандликни кенгайтириб, оила даромадини оширадиган, профилактика ва тарбия орқали ижтимоий муҳитни соғломлаштирадиган тизим сифатида кўриломқда.

Шу боис ҳар бир маҳаллада ихтисослашувни тўғри белгилаш, микролояихаларни шакллантириш, буш турган давлат мулкни аукционга чиқариш ваколатларини кенгайтириш, тушумнинг муайян улушини маҳалланинг ўзида қолдириш каби қарорлар “фаровонликни маҳалладан бошлаш” ғоясини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ҳақиқатан ҳам, маҳаллада тadbиркорлик ривожланса, янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг даромади ошади, бу эса ўз-ўзидан ижтимоий муаммоларнинг камайишига олиб келади. Шу боис Ислохотлар дастурида маҳаллада саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Юқоридагиларга қўра, маҳалларда минглаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш, юз минглаб янги иш ўринларини очиш, камбағалликни қисқартириш — буларнинг барчаси маҳалланинг фақат ижтимоий институт эмас, балки стратегик ривожланиш марказига айланаётганидан далолат беради.

Бу жараёнда маҳалла тизими ходимларининг масъулияти ва билими алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маҳалладаги ҳар бир ташаббус, ҳар бир ислохот, аввало, жойлардаги амалий ижро ва ташкилий салоҳиятга боғлиқ. “Маҳалла еттилиги” аъзолари нафақат ижрочи, балки давлат ва жамоатчилик ўртасида ташкилий куч сифатида намоеён бўлиши лозим. Улардан фақат интизом ва масъулият эмас, балки ташаббускорлик, адолат ва холислик ҳам талаб этилади.

Бу жараёнда маҳалла тизими ходимларининг масъулияти ва билими алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маҳалладаги ҳар бир ташаббус, ҳар бир ислохот, аввало, жойлардаги амалий ижро ва ташкилий салоҳиятга боғлиқ. “Маҳалла еттилиги” аъзолари нафақат ижрочи, балки давлат ва жамоатчилик ўртасида ташкилий куч сифатида намоеён бўлиши лозим. Улардан фақат интизом ва масъулият эмас, балки ташаббускорлик, адолат ва холислик ҳам талаб этилади.

“МАҲАЛЛА РИВОЖЛАНСА, МАМЛАКАТ ЮКСАЛАДИ” Наврўз тантаналарига уйғун ҳолда, “Маҳалла тизими ходимлари кунини” байрами ҳудудларда кўтаринки кайфиятда нишонланади. Аньонага қўра, байрам қароғида соҳанинг бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Маҳалла ривожига муносиб ҳисса қўшиб келадиган жамоатчилик вакиллари “Маҳалла ифтихори” кўркем нишонини билан мукофотланди.

Байрам доирасида “Маҳалла ривожланса, мамлакат юксалади” ғояси остида 22-28 март кунлари ҳудудларда “Маҳалларда миллий кадриятларни мустақамлаш ҳафталиги”ни ўтказиш кўзда тутилган.

Ҳафталик доирасида халқ депутатлари, барча даражадаги раҳбарлар “Янги Ўзбекистон шукроналиги” шiori остида ўз маҳалласида аҳоли билан мулоқот қилиб, амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболдаги режалар билан таништиради.

Миллий кадриятлар, қадимий аньона ва урф-одатларни асраб-авайлаш мақсадида “Сумалак сайллари” ташкил этилади. “Кадриятлар бешигасан, азиз маҳаллам” шiori остида аҳоли ўртасида миллий уйинлар ва “Аския сайллари” ўтказилади. Ёшлар ўртасида “Мен ўқиган китоб” кўрик-танлови, “Маҳаллам — меннинг нигоҳимда” расмлар ва фотосуратлар, “Маҳалламни куйлайман” шiori остида қўшиқлар танловлари ташкил этилади.

Ёшлар ўртасида “Кувноқ спартакиада”, футбол бўйича “Маҳалла кубоги” мусобақаси, кексалар ўртасида шахмат бўйича “Ақл чархи” турнири ўтказилади.

Бугунги кунда маҳалла — Янги Ўзбекистон ислохотларининг нафақат бошланғич нуқтаси, балки уларнинг ҳаётийлигини таъминловчи асосий бўғиндир. Маҳалла, бу — шунчаки манзил эмас, бу — бизнинг уйимиз, тарихимиз ва келажакимиздир. Бугунги ислохотлар замирида ётган энг катта ҳақиқат шундаки, давлат ва халқ ўртасидаги масофа айнан маҳалла остонасида бирлашади. Маҳалла — давлат хизмати инсон қадри билан юзма-юз келадиган муқаддас маскан. “Маҳалла еттилиги” эса шу уйнинг устун-таянчидир. Агар бу устунлар мустақам, фидойи ва масъулиятли бўлса, Янги Ўзбекистоннинг пойдевори ҳам шунчалик бақувват бўлади. Шунга қўра, “еттилик” зиммасидаги масъулият оддий хизмат вазифаси доирасидан анча кенг. Улар — Янги Ўзбекистон ислохотларининг “жонли

ижрочилари”. Агар бу “еттилик”нинг ҳар бир аъзоси ўз ишига юрак амри билан ёндаша, зиммасидаги вазифани шунчаки хизмат бурчи эмас, балки Ватан олдидаги фарзандлик қарзи деб билса, маҳалла нафақат муаммолар ҳал этиладиган жой, балки орзулар рўёбга чиқадиган, истиқбол режалари тузиладиган муҳим марказга айланади.

Бугунги маҳалла фаолидан талаб қилинадиган энг олий фазилат, бу — даҳлдорлик ҳиссидир. Бировнинг дардини ўз дардидек ҳис қилмаган, маҳалладошнинг муаммосига бефарқ қараб турган раҳбар билан тараққиётга эришиб бўлмайди. Зеро, масъулиятни зиммага олиш, бу — фақат имзо чекиш ёки ҳисобот бериш эмас, балки ҳар бир хонадоннинг фаёзу баракиси, ҳар бир ёшнинг келажиги ва ҳар бир нуронийнинг хотиржамлиги учун маънавий жавобгарликни ҳис қилишдир.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла — Янги Ўзбекистоннинг виждон кўзгусидир. Ушбу кўзгуда ислохотларнинг ҳақиқий акси кўринади. Агар маҳалла обод, оилалар тинч ва “еттилик” фидойи бўлса, демак, биз тўғри йўлдамиз. Маҳаллани тараққиёт пойдеворида айлантириш, бу — миллиятнинг эртанги кунига тамал тоши қўйиш демакдир. Бу йўлдаги ҳар бир қадам тарих саҳифаларига халққа хизмат қилишининг олий намунаси сифатида муҳрланади.



Тоғ тизмалари, тоғлар, чўққилар, даралар, доволар ва ёрлар номларини ДАВЛАТ ТИЛИ ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ бўйича янги тартиб белгиланди.



Йўл қоидабузарликларини аниқлашда МОБИЛЬ ҚУРИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ аниқ белгилаб берилди.



Давлат ташкилотларида ҚОҒОЗ, СИЁҲ, ПРИНТЕР ВА НУСХА КУЧИРИШ УСКУНАЛАРИ харажатлари ҳар йили 15 фоизга камайтирилади.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАКИ

“ЮКСАК ИШОНЧ БИЗНИ ЯНАДА ФИДОКОРОНА МЕХНАТ ҚИЛИШГА УНДАЙДИ”



Дилфуза БУЛОКОВА, Оқдарё туманидаги “Чорбоғ” маҳалласи раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Бу юксак мукофотни, аввало, маҳалламиз ахлининг жипслиги ва давлатимизнинг маҳалла институтига қаратаётган юксак эътибори самараси, деб биламан. Бугун маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги мустақам кўприкка айланди. “Маҳалла еттилиги” тизимининг йўлга қўйилгани ислохотларни ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўнгилга кириб боришни таъминлаётди. Ҳозирги кунда маҳалламиз-

даги ҳар қандай муаммо юқори идораларга чиқмасдан, шу ернинг ўзида, халқимиз билан бамаслаҳат ҳал этилмоқда. Илгари йиллаб ечим қутган ички йўллар, ичимлик сув ва электр таъминоти билан боғлиқ масалалар бугун “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” тамойиллари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари доирасида ўз ечимини топапти.

Бир вақтлар қаровсиз қолган ҳудудлар бугун замонавий болалар майдончалари, маънавият масканлари ва яшил хиёбонларга айланди. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида эканатларни ниҳолларимиз маҳалламиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ободлик бор жойда барака бўлади, деган гапнинг исботини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Мақсадимиз — ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, ҳар бир фуқаронинг дардини тинглаб, унга кўмақдош бўлишдир. Биз фақат бугунги кун билан чегараланмаймиз. Маҳалламизни тадбиркорлик ривожланган, ишсизликдан холи ва энг намунали ҳудудга айлантириш йўлида бор куч-гайратимизни сафарбар этамиз. Бу юксак ишонч бизни янада фидоқорона меҳнат қилишга ундайди.

“МУКОФОТ ФИДОЙИ ЖАМОАМИЗГА БЕРИЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМДИР”



Мухассар ЙЎЛДОШЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги “Оқибат” маҳалласи раиси, “Соғлом турмуш” медали соҳиби:

— Президентимиз тақдим этган ушбу давлат мукофотини нафақат ўз меҳнатимга, балки бугун маҳалламиз ахлига ва фидойи жамоамизга берилган юксак эҳтиром, деб биламан. Бу эътироф кўксимга тақилганда, зиммамдаги

масъулият юқини янада чуқурроқ ҳис қилдим.

Бугун маҳалла тизими мутлақо янги қиёфага эга бўлди. Илгари биз фақат маълумотнома берувчи идора бўлган бўлсак, бугун одамларнинг дарди эшитиладиган, муаммолар жойида ҳал қилинадиган халқчил тузилмага айландик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги барча ютуқларимиз — “маҳалла еттилиги”нинг жипслигидандир. Бу мукофотда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторининг бирдек ҳиссаси бор. Биз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилганимиз сабабли маҳалламизда ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралишлар барҳам топиб, ободлик даражаси юксалмоқда.

Келажакдаги мақсадимиз — ушбу ишонччи оқлаб, маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётдан рози бўлган намунали ҳудудга айлантиришдир. Давлатимизнинг эътибори бизга янги куч ва шижоат бағишлайди. Биз халқимизга хизмат қилишдан асло толмаймиз.

ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ СИРИ — “ЕТТИЛИК”НИНГ ҲАМЖИХАТЛИГИДА



Дониёрбек МАМАЖОНОВ, Мингбулоқ туманидаги “Бирлашган” маҳалласи профилактика катта инспектори, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби:

— Давлат мукофотига лойиқ қўрилганидан фахрдаман. Бу эътирофни маҳалламизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тинчликни сақлаш йўлида хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимнинг меҳнатига берилган баҳо, деб биламан. Бугун ички ишлар ходими халқдан узоқда эмас, балки ҳар кўни одамлар орасида,

уларнинг тинчлиги посбони бўлиб хизмат қилмоқда.

Тизимда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, “Хавфсиз маҳалла” тамойили бизга маҳалладаги вазиятни тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Энди биз жиноят содир этилгандан кейин эмас, унинг барвақт олдини олиш устида ишлаяпмиз. “Маҳаллабай” ишлаш тизими профилактика инспектори учун аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатишда катта кўприк бўлди.

Ютуқларимизнинг сирини — “еттилик”нинг ҳамжиҳатлигида. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори билан биргаликда нотинч оилалар ва муаммоли ёшлар билан иш олиб борганимиз сабабли маҳалламизда жиноятчилик сони кескин камайди. Бу ютуқ барчамизники, жамоамизнинг кеч-ю кундуз қилган меҳнатининг самарасидир.

Бизнинг мақсадимиз — маҳалламизни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш ва ҳар бир фуқаро ўз уйида, ўз кўчасида ўзини мутлақо хавфсиз ҳис қилишига эришишдир. Берилган мукофот ушбу олий мақсад йўлида бизга чексиз куч ва ғайрат беради.

БИР ГУРУҲ ФИДОЙИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бир гуруҳ юртдошларимиз мазкур мукофот билан тақдирланди.

Президент қарорига асосан, **“22 март — Маҳалла тизими ходимлари кўни”** байрами арафасида маҳалла тизимини ривожлантириш, унинг мавқеини мустақамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишдаги фаоллиги ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун республикамизнинг бир гуруҳ шижоатли, фидойи, фаол, ташаббускор фуқаролари, жамоатчилик тузилмалари вакиллари **“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини** билан тақдирланади.

Ҳар йилги анъанага кўра, жорий йилда ҳам Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Давлат ва идоравий

мукофотларга саралаб олиш комиссияси тақлифига кўра, **154 нафар** “маҳалла еттилиги” аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, йигин фидойилари ана шундай юксак шарафга лойиқ топилди.

“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини билан тақдирланганларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида пул мукофоти ҳамда “Навбахор сихатгоҳи мажмуаси”да даволанишлари учун бир марталик бепул йулланма берилди. Кўкрак нишонини ва совриндорлик гувоҳномалари ўз эгаларига тантанали равишда топширилади.



“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини билан жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қўйидаги фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдирланди:

АБДИРАУФОВ Аббос Акмал ўғли — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Тошкент вилоят бошқармаси бош мутахассиси;**

АБДРАСУЛИЕВ Ажинияз Арпабаевич — Мўйноқ тумани Дўстлик овул фуқаролар йиғини **ҳоким ёрдамчиси;**

АБДУГАНИЕВ Алишер Мухаммадиевич — Жиззах вилояти **Зомин тумани ҳокими;**

АБДУЛЛАЕВА Мухтарома Саъдуллаевна — Вобкент тумани “Суфидеҳқон” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

АБДУЛЛАЕВА Навбахор Қаюмовна — Оқдарё тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла **ижтимоий ходими;**

АБДУЛЛАЕВА Дилдора Тўйчиевна — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Учтепа тумани бош мутахассиси;**

АБСАТТАРОВ Абдулвахоб — “Термиз қурилиш индустрия саноат” инженеринг компанияси раҳбари;

АДИЗОВА Феруза Анваровна — Хатирчи тумани “Боғчакалон” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

АКБАРОВА Санобархон Солидждоновна — Қувасой шаҳар “Богбон” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

АКИЛОВ Саидамер Саидабидович — Тўлоқ тумани “Таллиота” маҳалласи **фаоли;**

АКРАМОВ Бурхон Ризоевич — Қорақўл тумани “Оқолтин” маҳалласи **раиси;**

АЛИМЖАНОВА Мухаббатхон Эргашевна — Жалақудук тумани “Тошлоқ” маҳалласи **раиси;**

АЛИМОВ Нуриддин Аликулович — Бекобод тумани “Дўстлик” маҳалласи **раиси;**

АЛИМОВ Санжар Пардабоевич — Паркент тумани ИИБ **профилактика инспектори;**

АМЕТОВ Жанабай Кумекбаевич — Тахياتош тумани “Дўстлик” маҳалласи **раиси;**

АМИРКУЛОВА Лобар Бахтиёр қизи — Сирдарё тумани “Матонат” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

АНАРБАЕВ Фарход Қувондиқович — Бахмал тумани Боғишамол қишлоқ фуқаролар йиғини **раиси;**

Арисланбеков Нодирбек Кадирбекович — Тошкент тумани “Заргар”, “Ҳиёбон”, “Нурҳаёт” маҳаллалари **солиқ инспектори;**

АРЗИҚУЛОВ Рухиддин Рашидович — Қарши тумани “Қуйи Бешкент” маҳалласи **раиси;**

АСОБОВЕВ Асомиддин Асрор ўғли — Фозгон шаҳар “Мармаробод” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

АТАНТАЕВА Басидаҳон Тухтасиновна — Янгиқўрғон тумани “Намуна” ва “Соибийи” маҳаллалари **хотин-қизлар фаоли;**

АХМЕДОВА Дилбар Абдиқодировна — Зарафшон шаҳар “Кончилар” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

АХУНОВА Шахло Аминжановна — Боёвут тумани “Ширин” маҳалласи **раиси;**

АЗЗАМҚУЛОВА Мавлуда Азамқуловна — Зомин тумани “Ўзбекистон” маҳалласи **раиси;**

БАРАТОВА Шохиста Нормурод қизи — Китоб тумани “Яккатут” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

БАХОДИРОВА Роза Валижановна — Қуйи Чирчиқ тумани “Мевазор” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

БЕКТУРДИЕВА Қлора Комилловна — Хива шаҳар “Дўстлик” ва “Янги ҳаёт” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

БОЙМУРОВОВА Шалола Ибодиллаевна — Миршикор тумани “Айзабод” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

БУРҲОНОВА Мархабо Исраилходжаевна — Юқори Чирчиқ тумани “Иттифок” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

ДАВЛЕТБАЕВА Бикажон Сатибалдиевна — Яшнобод тумани “Семурғ” маҳалласи **раиси;**

ДЖАПАКОВ Камил Абдуллаевич — Гурлан тумани “Боғистон” маҳалласи **раиси;**

ЭГАМКУЛОВ Шерзод Журакулович — Сайхунбод тумани “Шодлик” маҳалласи **раиси;**

ЭГАМОВ Мавлонберди Соткинбоевич — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Пахтабод тумани бўлими бошлиғи;**

ЭГАМОВА Улбусин Хайдаровна — Фориш тумани “Учқулоч” маҳалласи **кексалар ишлари бўйича маслаҳатчиси;**

ЭРҒАШЕВ Мухаммади Мамараимович — Шахрисабз тумани “Танхоз” маҳалласи **раиси;**

ЭРҒАШЕВ Авазбек Улуғбек ўғли — Ширин шаҳар “Дўстлик” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ҒАЙПОВА Муқаддас Джурабоевна — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Бука тумани бўлими бош мутахассиси;**

ГУЛМАТОВА Юлдузхон Гуломовна — Бўстон тумани “Обод” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

ГУЛЯМОВ Рустам Козимович — Самарқанд шаҳар “Юқори Хўжа Саҳат” маҳалласи **раиси;**

ГУЛЯМОВА Дилноза Иброхимовна — Миробод тумани “Файзиобод” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**



1 апрелдан туроператорларга уч ой давомида жалб қилинган минг нафар хорижий турист учун **5 МИНГ ДОЛЛАРГАЧА СУБСИДИЯ** берилади.



Самарқанд вилоятининг 4 та туманида жамоат яйловлари ташкил этилиб, улар **МАҲАЛЛАЛАРГА 30 ИЙЛГА БЕПУЛ ИЖАРАГА** берилади.



Хитойнинг чўлланишни ТЎХТАТГАН МОДЕЛИ — қумни ушлаб турувчи буталар тажрибаси **Навоийда** синаб кўрилади.

2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

5

ЭЪТИРОФ

“МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

ИБОДОВ Одил Абдусалимович — Бойсун тумани “Авлод” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

ИБРАГИМОВ Уйғун Акрам ўғли — Бахмал тумани “Боғишамол” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

ИБРАГИМОВА Шахноза Икромовна — Олтиариқ тумани “Файзиобод” маҳалласи **раиси;**

ИБРАХИМОВ Фофуржон Ибрахимович — Тўрақўрғон тумани солиқ инспекцияси Маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари шўъбаси давлат **солиқ бош инспектори;**

ИБРОХИМОВ Бахтиёр Тойиржонович — Жиззах вилояти **прокурори;**

ИРГАШЕВ Ақтам Гаппарович — Каттақўрғон тумани “Мадраса” маҳалласи **раиси;**

ИСМАТОВ Садриддин Бекмуродович — Ромитан тумани “Азизон” маҳалласи **раиси;**

ИСРОИЛОВ Жаҳонгир Абдунаби ўғли — Ангрен шаҳри “Хаккарман Янги Жигаристон” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

ЖАББАРОВА Гулсара Холиқовна — Шўрчи тумани “Бахштепа-1” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

ЖАКСИМУРАТОВА Гуззал Муратбаевна — Нукус шаҳри “Жас аўлад” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

ЖАЛАЛОВА Турсунбой Яшнара кизи — Узун тумани “Маландиён” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

ЖАНИБЕКОВА Альтингул Шарипбаевна — Нукус шаҳар “Наврўз” маҳалласи **раиси;**

ЖАХОНГИРОВА Гулноза Валижановна — Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси **Сергели тумани бош мутахассиси;**

ЖАЙНАРОВА Малика Раҳимиддин кизи — Иштихон тумани “Борлос” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

ЖОББОРОВ Азизбек Алижонович — Булоқбоши тумани “Қашқар” маҳалласи **раиси;**

ЖОББОРОВА Нигора Набиевна — Улугнор тумани “Бобур” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

ЖУМАНОВА Дилфуза Баҳодировна — Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси **Тошкент шаҳар бошқармаси бош мутахассиси;**

КАҚҲОРОВА Махфират Раҳматуллаевна — Олот тумани “Бўстон” маҳалласи **раиси;**

КАМАЛОВ Маъсум Маҳмудханович — Наманган шаҳар “Меҳрибонлик” маҳалласи **раиси;**

КАМАЛОВ Бахтиёр Тулаганович — Бўстонлик тумани “Барраж” маҳалласи **раиси;**

КАМАЛОВА Хурзия Расбергеновна — Хўжайли тумани “Бағман” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

КАМОЛОВ Азамат Эркинвич — Ромитан тумани “Қахрамон” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

КАМОЛОВА Дилафруз Абдурашидовна — Қибрай тумани “Кўприқбоши” маҳалласи **раиси;**

КАРАБАЕВА Дилноза Анваржоновна — Хонобод шаҳар “Тейит” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

КАРИМЖОНОВ Абдувоҳид Шукуруллаевич — Янгиобод тумани “Сармиш” маҳалласи **раиси;**

КАРИМОВ Тохир Абдусатторович — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Наманган вилояти бошқармаси бош мутахассиси;**

КАРИМОВА Зулейха Захидовна — Шайхонтоҳур тумани “Кўкча” маҳалласи **раиси;**

КУДРАТОВА Умида Абдухалимовна — Ургут тумани “Истиклол” маҳалласи **раиси;**

КУЛДАШЕВ Фарҳоджон Камилевич — Марғилон шаҳар “Юксалиш” маҳалласи **раиси;**

КУЛДАШЕВА Лола Шарифовна — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Сирдарё тумани бўлими бош ҳисобчиси;**



МАДУМАРОВ Фуломали Мўсаевич — **фаол жамоатчилик вакили, меҳнат фахрийси;**

МАМАЖАНОВ Шавкатжон Абдусатторович — Наманган тумани “Хонобод” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

МАМАРАИМОВ Илҳомжон Ражаббоевич — Чилонзор тумани “Тирсақобод” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

МАСАЛИЕВА Зилола Хуснидиновна — Олмалиқ шаҳар “Бўстон” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

МАШАРИПОВ Шавкат Куранбоевич — Шовот тумани “Идиали қалъа” маҳалласи **раиси;**

МАВЛОНОВ Абусаид Нурсаидович — Навоий шаҳар “Янгиариқ” маҳалласи **раиси;**

МАХКАМОВ Мамур Орифжонович — Данғара тумани “Олтиқуш” маҳалласи **раиси;**

МАЗАНОВА Ирода Улугбековна — Сирдарё тумани “Камолот” маҳалласи **раиси;**

МИРВАЛИЕВА Мастура Бахтиёровна — Уйчи тумани “Аҳси” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

МИРЗААҚБАРОВ Собитхон Маҳмудович — Чортоқ тумани “Кесканёр” маҳалласи **раиси;**

МИРЗАЕВ Жамолдин Умрзоқович — Нурота тумани “Жарма” маҳалласи **раиси;**

МИРЗАЕВ Фарҳод Донобоевич — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти **бош мутахассиси;**

МУСАЕВ Иссақ Курбанович — Кумқўрғон тумани “Хўнармандлар” маҳалласи **раиси;**

НИЕТУЛЛАЕВ Азат Арипович — Нукус шаҳар “Дарбент” маҳалласи **“Кексалар маслаҳати гуруҳи” раҳбари;**

НОРМУМИНОВ Омонкул Эшонқулович — Бойсун тумани “Сайроб” маҳалласи **профилактика инспектори;**

НУРИДДИНОВ Бунёд Ғайридин ўғли — Миришкор тумани “Навбахор” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

НУРИДДИНОВА Мунибахон Орифжўраевна — Косонсой тумани “Дўстлик” маҳалласи **раиси;**

НУРМАТОВ Музаффар Раҳматуллаевич — Чирчиқ шаҳар Мир Алишер номидаги маҳалла **раиси;**

НУРМАТОВА Нафиса Жумабоевна — Марғилон шаҳар “Юксалиш” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

НУРМЕТОВ Сирож Раззақбергенович — Урганч тумани “Бўстон” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

ОКБОВ Нуриддин Эсоналиевич — Чуст тумани “Лайлакуя” маҳалласи **профилактика катта инспектори;**

ОРТИҚБОВ Алисаид — Ширин шаҳар “Фарҳод” маҳалласи **кексалар ишлари бўйича маслаҳатчиси;**

ПАЛВАНОВА Фатима Маратовна — Чимбой тумани “Бердах” маҳалласи **раиси;**

ПАНФИЛОВА Олга Геннадевна — Мирзо Улуғбек тумани “Бўз” маҳалласи **раиси;**

ПАРДАЕВА Дилара Абдифаттаевна — Пастдарғом тумани “Турон” маҳалласи **раиси;**

ПИРНАЗАРОВ Ахрор Болиевич — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Навоий вилояти бошқармаси бош мутахассиси;**

ПОЛВОНОВ Улуғбек Ёдгорович — Амударё тумани “Дурунқи” маҳалласи **раиси;**

ПОЛВОНОВ Абдилазиз Зайлобович — Бувайда тумани “Найман”, “Жов”, “Оққўрғон” маҳаллалари **солиқ инспектори;**

ҚАХХАРОВА Фотима Баҳриддиновна — Зарбдор тумани “Дўстлик” ва “Наврўз” маҳаллалари **хотин-қизлар фаоли;**

ҚИРҒИЗБОВЕВА Зухра Маматқайумовна — Денов тумани “Қайтмас” маҳалласи **раиси;**

ҚОДИРОВ Ғайрат Тоирович — Жиззах вилояти **Ички ишлар бошқармаси бошлиғи;**

ҚОДИРОВА Дилшода Эгамбердиевна — Шахрисабз шаҳар “Гулистон” маҳалласи **раиси;**

ҚОСИМОВА Шахноза Ғанишер кизи — Фурқат тумани “Чиркай” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

ҚОЙИРОВА Дилноза Мумин кизи — Бухоро шаҳар “Шарқ юлдузи” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

ҚУРБОНОВ Ғиёсиддин Зиядиллаевич — Қамаш тумани “Манғит” маҳалласи **профилактика инспектори;**

РАЖАБОВА Наргиза Дониёровна — Қизилтепа тумани “Сўфиён” маҳалласи **ижтимоий ходими;**

РАХИМОВА Гулнора Каримовна — Хива шаҳар “Лоззор” маҳалласи **раиси;**

РАҲМЕТОВ Бахт Умирзакович — Қонимех тумани Баймурат овул фуқаролар йиғини **раиси;**

РАҲМОНОВ Фурқат Насруллаевич — Самарқанд тумани “Қумзор” маҳалласи **раиси;**

РЎЗИМАТОВ Дастан Оллоёрович — Янгиариқ тумани “Савган” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

РЎЗИҚУЛОВ Мирзабек Пардабаевич — Жиззах вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати **Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи;**

РУСТАМОВ Шавкат Шоимқулович — Навбахор тумани “Чорвоқузар” маҳалласи **раиси;**

СААТОВ Зоирбек Раҳманович — Учтепа тумани “Катта Чўпонота” маҳалласи **раиси;**

САФАРОВ Равшан Раҳимович — Тупроққалъа тумани “Нуробод” маҳалласи **раиси;**

САТТОРОВ Дилмурод Абдусалимович — Сарийосиё тумани “Биллур” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

САВРИЕВА Бўрихон Саидовна — Бухоро шаҳар “Саховат” маҳалласи **раиси;**

СЕУЛАЕВА Замирахон Раҳимовна — Урганч шаҳар “Саховат” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

ШАЛЛОЕВА Марғубахон Хужахановна — Поп тумани “Майдон” маҳалласи **раиси;**

ШЕРМАТОВ Фахриддин Хусниддинович — Паркент тумани “Мустақиллик” маҳалласи **раиси;**

ШЕРМЕТОВА Шахноза Аббасовна — Юнусобод тумани Увайсий номидаги маҳалла **ёшлар етакчиси;**

ШИРОВА Райхона Шамоматовна — Қарши шаҳар “Қўрғонча” маҳалласи **раиси;**

СОЛИЕВА Фируза Курбановна — Когон шаҳар “Арабхона” маҳалласи **хотин қизлар фаоли;**

СУЛТОНОВ Баҳодир Миролимович — Шахристон тумани “Абдубий” маҳалласи **раиси;**

СУРМАТОВА Мўътабар Хомидовна — Фарғона тумани “Боймаҳалла” маҳалласи **раиси;**

ТАЖБЕНОВ Есенғали Сарсенғалиевич — Нукус тумани “Тўқтов” маҳалласи **профилактика катта инспектори;**

ТЕШАБОВЕВА Ойистахон Абдуғаппоровна — Қува тумани “Катта қашқар” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

ТЎРАБОВ Миршакар Музаффарович — Когон шаҳар **ҳокими;**

ТОШМАТОВ Акбарали Жамолдинович — Қўштепа тумани “Шакар” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ТУЛИМБЕКОВА Мария Эгамбердиевна — Бектемир тумани “Соҳил” маҳалласи **раиси;**

ТУРДИЕВ Алишер Каримович — Қизилтепа тумани “Роботак” маҳалласи **раиси;**

ТУРДИЕВА Раъно Жавлиевна — Китоб тумани “Бектемир” маҳалласи **хотин-қизлар фаоли;**

ТУРДИЕВА Манзуратхон Эмомалиевна — Сўх тумани “Шарқобод” маҳалласи **раиси;**

УРАКОВ Хамза Очилович — Пахтачи тумани “Гуруғли” маҳалласи **раиси;**

УРАКОВ Акмал Икромович — Жомбой тумани “Назар” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

УСМАНОВ Самандар Хамидович — Ғузор тумани “Нозима Абдуллоҳ Файз” кўп тармоқли **фермер хўжалиги раҳбари;**

УСМАНОВ Сирожиддин Уринович — Нарпай тумани “Мустақиллик” маҳалласи **солиқ инспектори;**

ҲАЙТОВ Валижон Сайидзимович — Гулистон тумани “Ишонч” маҳалласи **раиси;**

ҲАМДАМОВ Жоҳонгирбек Ариб ўғли — Андижон шаҳар “Саховат” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ҲАЙРУДИНОВ Мансур Қазмович — Термиз тумани “Солиқобод” маҳалласи **раиси;**

ХИКМАТОВА Зулфия Раҳмоновна — Мирзобод тумани “Янги Ўзбекистон” маҳалласи **ҳоким ёрдамчиси;**

ХОНИЯЗОВ Баҳрам Базарбаевич — Эллиқалъа тумани Ибн Сино номидаги маҳалла **раиси;**

ХУДОЁРОВ Шуҳрат Абдурахмонович — Каттақўрғон шаҳар “Кўхнадам” маҳалласи **раиси;**

ХУСАНОВА Лобар Тоҳир кизи — Пахтачи тумани “Жаҳонобод” маҳалласи **ёшлар етакчиси;**

ХУШМУРАТОВ Шуҳрат Шерқулович — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси **Гулистон тумани бўлими бошлиғи;**

ЯҚУБЖОНОВ Рашидjon Уринбоевич — Қўрғонтепа тумани “Сохиққирон” маҳалласи **раиси;**

ЙЎЛДОШОВ Умидбек Отабоевич — Қўшқўрғон тумани “Тағалак” маҳалласи **раиси;**

ЮЛДАШЕВ Бобирбек Баҳодирович — Андижон тумани **ҳокими;**

ЮЛДАШЕВ Фаррух Бекназарович — Томди тумани Аяққудуқ овул фуқаролар йиғини **профилактика инспектори;**

ЮЛДАШЕВ Алим Рихсимович — Чирчиқ шаҳар Нуроний жамғармаси **раиси;**

ЮНУСОВ Обиджон Ганжиевич — Олот тумани “Арабхона” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ЮНУСОВ Қобилжон Хусанович — Қува тумани “Қақир” маҳалласи **раиси;**

ЮСУПОВ Баҳром Мадиримович — Хонқа тумани “Ойдин ҳаёт” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ЗИЯВОДИНОВ Достон Муҳитдин ўғли — Нуробод тумани “Халқобод” маҳалласи **профилактика инспектори;**

ЗУБАЙДУЛЛАЕВ Иркин Исломович — Самарқанд шаҳар “Ўзбекистон” маҳалласи **фаоли.**



БУХОРО ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 107,0 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **13 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **516 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



6

2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА

БУХОРО ВИЛОЯТИ:

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Билим ва тажриба “еттилик”ни халққа янада яқинлаштирди

Ҳаётнинг минг бир қирраси бор. Ким нимани кўришни истаса, нигоҳлари шунга тушади. Менинг диққатимни эса ўзгалар ёрдамига муҳтож тарзда кун кечираётган кишилар тортди. Маҳалла тизимида иш бошлаш орқали уларга янада яқинлашдим. Энди “еттилик” ходимлари билан бирга ноғиронлиги бўлган, турли синовларни бошдан кечираётган инсонларга имкон қадар ёрдам бериб келяпмиз.



Шодия ҚИЛИЧОВА,
Вобкент туманидаги “Вобкент” маҳалласи ижтимоий ходими.

Хозирги кунда маҳалламизда 2 835 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 64 нафари ноғиронлиги бўлган шахс ҳисобланади. 44 та оила Ижтимоий реестрга киритилган бўлиб, уларга эҳтиёжидан келиб чиқиб, барча керакли хизматлар кўрсатилляпти.

Файзия Ҳайдарова — ёлғиз яшовчи кексалардан бири. Аёл “Фаол ҳаётга қадам” дастури билан қамраб олинган. “Маҳалла етилиги” кўмагида унинг уй-жойини таъмирлашга ёрдам берилди. Куз-қиш мавсумида моддий ёрдам берилган бўлса, Рамазон ойи муносабати билан ҳам, 1 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

II гуруҳ ноғиронлиги бўлган Қарима Иброҳимова фарзандларини ёлғиз ўзи улғайтиряпти. Аёлниң ҳеч қаерда иш-маслигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, тумандаги 5-мактабга таълим ташкилотига ишга жойлаштиридик. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам берилди. Куз-қиш мавсуми учун бир марталик ёрдам ажратилиб, коммунал тўловлар бўйича енгилликлар белгиланди.

Ҳар кун идора томон йул олар эканман, хаёлан кимнингдир муаммосига ечим излайман. Шу уй билан хонадонлар эшигини қоқаман. Ноғиронлиги бўлган, ёлғиз яшаётган кексалар ва имконияти чекланган фарзанд парваришляётган аёллар ҳолидан хабар олиб, дилдан суҳбатлашаман.

Аслида, фақат ҳужжатбозлик билан ҳеч кимнинг турмуш шароитини ўзгартириб бўлмайдди. Қачонки, одаларга яқинлашсақ, муаммоларини ипидан игнасига қадар ўргансақ, ижобий натижага эришамиз.

Иссиқхоналар иш ўрнини кўпайтириб, даромадни оширяпти

Бугун эрталабдан маҳаллаларда сумалак сайли бошланди. Одамларнинг кайфияти аъло. Иигитлар ўчоққа ўтин қалаган, қизлар барра униб чиққан бугдойларни майдалаяпти. Онахонларимиз қўлини дуога очиб, юртимизга тинчлик, хонадонларимизга қут-баракка сўраяпти. Бу манзара кишини тўлқинлантириб юборади. Зеро, тинч ва осойишта юртга фақатгина шундай тантаналар ярашади.



Жамол НОСИРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи.

Янгиликлар фасли кибриб келиши билан аҳоли хонадонларида ҳам иш анча қизийди. Кимдир томоркасига кўчат қадаса, яна биров иссиқхонада етилган ҳосилларини савдога чиқаришга шошиляди. Охириги йилларда вилоятимизда айна шу — иссиқхона йўналишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, Қоровулбозор туманида йирик замонавий иссиқхона

на мажмуасини ташкил қилиш учун ҳар бири 0,5 гектардан иборат 76 та иссиқхона лойиҳаси амалга оширилмоқда. Худуддаги ташаббускорларга алоҳида ер майдонлари ажратиб берилган.

Пешку тумани “Гулистон” маҳалласидаги аҳоли томорқаларида ҳам иссиқхона хўжаликлари кўпаймоқда. Худудда айна кунда 3,5 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг аксариятида томорқадан унумли фойдаланиш, мавсумда мўл ҳосил етиштириш, қолаверса, чорва молларини боқиб, даромад топиш тажрибаси шаклланган.

Мазкур маҳаллада яшовчи Дилдора Тошева 200 миллион сўмлик тадбиркорлик ташаббусини амалга оширяпти. У томорқасининг 7 сотих ер майдониде иссиқхона ташкил этиб, деҳқончилик фаолиятини йўлга қўйган. Айна вақтда иссиқхонада етиштирилган бодринг ҳосилини йиғиш ишлари давом этмоқда. Оила вакилларининг қиш ойларида иссиқхонадаги сотувдан қўлга киритган даромади

50 миллион сўмдан ошди. Ҳозирда бу ерга совуқ мавсумда иситиш учун замонавий қозонхона ҳамда томчилатиб сўғориш тизими қуриляпти.

Олот туманидаги “Хидрейли” маҳалласида яшовчи аҳолининг катта қисми томорқа хўжалиги билан шуғулланиб, иссиқхоналарда кўчат, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш орқали яхши даромад олмақда.

Маҳалланинг меҳнаткаш аёлларидан бири Гулчеҳра Ниёзова томорқадан унумли фойдаланишда катта тажрибага эга. Жорий йилда у 4 сотихли иссиқхонасида 200 минг тупдан ортиқ кўчат етиштириб, қишлоқдошлари томорқаси учун етказиб беришни мақсад қилган. Ҳозирда миришкор бодринг, помидор, бўлғор қалампир каби экин кўчатларини парва-

риш қилмоқда. Бундан ташқари, оила бекаси икки сотихдан ортиқ майдонда саримсоқлиёз ва пиёз етиштириш билан ҳам шуғулланади.



Ҳар бир ютуқ ва фаровонлик ортида меҳнат ётади. Айна ҳақиқатни аҳоли вакилларининг эришяётган катта ютуқ ва натижаларда яна бир бор қўриб, гувоҳи бўляпмиз. Она замин бағрида униб ўсаётган экинлар эса хонадонларга қут-баракка олиб киряпти.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛЯПТИ

Одамларимиз қаерда бўлмасин, ҳатто, энг чекка худудда ҳам бахтли ва фаровон турмуш кечирюшга ҳақли. Бугун мамлакатимизда олиб бориляётган ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик лойиҳалари ана шу эзгу мақсадга қаратилган.



Ғайбулло НАРЗУЛЛАЕВ,
Олот туманидаги “Опошқ” маҳалласи раиси.

билан жиҳозланган цехда кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада маҳалладаги 30 нафардан ортиқ хотин-қиз учун янги иш ўринлари яратилди.

Қорхонада ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтириляётгани нафақат маҳаллий бандликни ошириш, балки худуднинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, қўшимча қувватларни ишга тушириш ҳамда яна 60 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Мазкур ташаббус хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ХОНАДОНДАН БОШЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНДИ

Гулчеҳра Шаропова турмуш ўртоғининг топганига қараб ўтирадиганлардан эмас. У кундалик юмушлари, фарзандлар таълим-тарбиясидан ортиб, ўз мустақил фаолиятини йўлга қўйган. Аёл хонадонидеги бўш турган бинода кўзиқориннинг “шампиньон” турини етиштириб, мўмай даромадга эга бўлмоқда.



Зилола РЎЗИЕВА,
Ромитан туманидаги “Истиклол” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

минг сўмни ташкил этишини ҳисобга олганда, қанча фойда қилинганини кўриш мумкин.

Қоронғи ва салқин хонада етиштириляётган, полиэтилен қопчаларни ёриб чиқиб, буй кўрсатяётган кўзиқориндан бир йилги мавсумда ўртача 4-5 марта ҳосил етиштириш мумкин. Ярим сотих ерда “шампиньон” етиштиришдан хомаки мўлжалга кўра,

30 миллион сўмга етказиб даромад олиш имконияти аллақачон тажрибада синалган. Ҳозирда ўзгача услубда, қайта ишланган чигит шелухасида етиштириляётган харидорбоп маҳсулот бир ой муддатда сотишга тайёр бўлади.

— Икки йил бурун кўзиқорин етиштиришни ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, қизиқиб, ўз хонадонимизда йўлга қўйдик, — дейди Гулчеҳра Шаропова. — Бу ишда хонадаги ҳароратни 23 даражада сақлаш жуда муҳим. Маҳсулот ичкарида қоронғу ва зах жойда парвариш қилинса, ҳосили яхши бўлади. Чигит пустилогини қопчаларга жойлаб, унга кўзиқорин уругини экканимиздан сўнг 30 кун нари-бериси билан истемолга яроқли хушўр маҳсулот тайёр бўлади. Вазни енгил бўлса-да, жуда баракали ва харидордир.

Бугун меҳнат ва ташаббус самарасини кўриб, даромадга эришяётган аёлниң ўтган йилларда маҳалла эҳтиёжманд оилалари қаторида “Аёллар дафтари”га киритилганига ишониб қийин. Хонадондан бошланган ҳаракат, сабр ва ҳунар билан қўшилиб барқарор даромад манбаига айланди.

100 квадрат метр майдонга экилган кўзиқориндан жорий йилда 500 килограмм маҳсулот олинди. Ҳозир бозорда “шампиньон”нинг ўртача нархи 80-90



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 53,2 минг** киши доимий истиқомат қилади. Худудда **17 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **452 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

7

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Бугунги кунларда юртимизда ҳукм сураётган файзли муҳитни сўз билан тўлиқ ифода-лаш мушкул. Кўнгилларимизда шукроналик, қалбларимизда эзгу ни-ятлар уйғониб, инсонлар бир-бирига янада яқин-лашаётганини ҳар қа-дамда ҳис этамиз.



Софиндик ТУРМАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.

Айниқса, муборак Рамазон оғи инсонни покликка, сабр ва саховатга чорлаб, жамияти-мизда меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаган бўлса, Наврўз байрами ҳар бир хонадонга янгиликни, қувонч ва барака олиб киришди! Яшариш ва янгиликни айёми давом этаётган шукрули кунларда Маҳалла тизими ходимлари кўни байрамнинг нишонлини кўнглимизга улуғлик бахш этади.

Худудларда амалга оширилётган ишлар билан танишар эканман, Қорақалпоғистонда маҳаллаларни ривожлантириш

Обод маҳалла — фаровон ҳаёт ва барқарор тараққиёт гарови

Сўнгги йилларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Жумладан, сўнгги уч йилда худудда 100 та маҳалла янги хизмат бинолари билан таъминланди. Ҳозирги кунда яна 11 та маҳаллада бино қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, 70 та маҳаллада тадбиркорлар иштирокида янги бинолар барпо этиш бўйича амалий ишлар давом этапти.



борасида аниқ натижаларга эришилаётганини ишонч билан айта оламиз. Бугунги кунда бу ерда 452 та маҳалла фаолият юритиб, уларда 2 702 нафар “еттилик” аъзолари аҳоли билан бевосита иш олиб бораётир. Энергия самарадорлигини таъминлаш мақсадида 360 та маҳалла биноларига қуёш панеллари ўрнатилди. Бу нафақат электр таъминоти барқарорли-

гини оширди, балки харажат-ларни камайтириш ва экологик тоза энергиядан фойдаланиш имконини ҳам яратди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида аниқ натижалар кузатиляпти. Жумладан, 90 та маҳаллада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, аҳолини иш билан таъминлаш, даромад манбаларини

яратилган ишлар изчил давом этмоқда. Бунинг натижасида кўплаб оилалар ўз турмуш шароитини яхшилашга эришяпти. Шунингдек, Қорақалпоғистон бўйича 32 та маҳалла намунавий худуд сифатида танлаб олиниб, уларда инфра-тузилма, хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш ишлари янги босқичга олиб чиқилмоқда.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзига ишонган ўзгани ҳам ишонтира олади

Мен фаолиятимда бир муҳим тамойилга қатъий амал қиламан: аёл кишига ёрдам беришда, аввало, психологик ёндашув устувор бўлиши керак. Чунки руҳий жиҳатдан етук ва мустаҳкам аёлнинг қилган иши ҳам баракали, ҳам муваффақиятли бўлади. Ахир меҳнат инсонни чарчатмайди, балки уни чиниқтиради.



Дилафрўз ХОЛБОЕВА, Хўжайли туманидаги “Жузумзар” ва “Парвоз” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Ўтган йилги фаолиятимиз, айниқса, самарали бўлди. “Аёллар дафтари” рўйхатида турган 91 нафар хотин-қизнинг барчаси иш билан таъминланди. Бу мен учун катта ютуқ бўлди. Уларнинг аксарияти маҳалламиз марказида жойлашган савдо нуқталари, тикувчилик устахоналари ва гўзаллик салонларида фаолият юритмоқда. Бу жараёнда уларга моддий, психологик ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди, имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратилди.

Албатта, ҳозирда жиддий муаммолар дегарли кузатиляпти. Бироқ касб-хўнара бўлиб чиққан айрим аёллар субсидия тизимидаги ўзгаришлардан бироз ранжишди. Эндиликда уларга тикув машиналари ва зарур асбоб-ускуналар субсидия эмас, балки сўда асосида берилмоқда. Фоизсиз бўлса-да, маблағни қайтариш мажбурияти базиллар учун оғир туюлди. Шунга қарамай, мен уларга ҳар доим ёнида эканимизни, қўллаб-қувватлаш давом этишини тушунтирдим.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТЛИ: КЎП МЕҲНАТ ВА СЕРҒАЙРАТ БЎЛМАГАНЛАР ЮТҚАЗАДИ

Маҳалламизда бугунги кунда 6 077 нафар фуқаро истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Айниқса, йилнинг баҳор фасли биз учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки айнан шу пайтда экин экилиб, деҳқонларнинг энг серғайрат меҳнат қиладиган палласи бошланади.



Элёр ХУДОЙБЕРГЕНОВ, Беруний туманидаги “Палваш” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” деган эзгу шир асосида ҳашар тадбирлари ташкил этилди. Ҳайит байрами ва Наврўз сайллари кунларида одамларимиз кўтаринки кайфиятда ҳар бир хонадонда

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ҒЎША

ободонлаштириш ишларига киришиб, қаламчалар эқди, манзарали ва мевали дарахт кўчатларини ўтқазди.

Шу ўринда яна бир муҳим ташаббусни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маҳалламиз худудда 1 гектар майдонда “Яшил макон” умумийлий лойиҳаси доирасида кенг қўлмали кўчат экиш ишлари ташкил этилди. Ушбу эзгу ишда туманимиздаги барча корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла раислари фаол иштирок этиб, жами 2 200 тул дарахт кўчатлари экилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар, бир жиҳатдан, маҳалламиз ободлигини оширса, иккинчи томондан, аҳолимиз қалбида бирдамлик, ҳамжихатлик туйғуларини янада мустаҳкамламоқда.



Маҳаллаларда ижтимоий фаолликни ошириш мақсадида бугунги кунга қадар 44 та маҳалла турли грант дастурларида иштирок этиб, жами 805 минг АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилишга эришди. Бу маблағлар маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилмоқда.

Қадрлар салоҳиятини ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири саналади. Шу мақсадда 452 нафар маҳалла раислари учун семинар-тренинглари ташкил этилиб, уларнинг лойиҳа тайёрлаш ва бошқарув кўникмалари оширилди. Бу эса маҳаллаларда иш самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳар бир маҳаллада сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Кўча бошилари, нурониюлар ва фаол фуқаролар иштирокида аҳоли билан ишлаш тизими мустаҳкамланиб, жамиятда ҳамжихатлик ва ўзаро хурмат муҳити қарор топаётир. Ишонаманки, бу каби эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, ҳар бир маҳалла янада обод ва фаровон масканга айланади.

У боис йил бошиданок бу жараённи эътибордан четда қолдирмадик. Маҳалламизда рўйхатга олинган 105 нафар ишсиз фуқарони банд қилиш мақсадида уларга ер майдонлари ажратдик. Бундан ташқари, чорвачилик ва тикувчилик йўналишларида қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилди. Имтиёзли кредитлар асосида жами 50 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат уларнинг бандлигини таъминлашга, балки оилавий даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

210 ТА ХОНАДОНГА ОБИ ҲАЁТ ЕТИБ БОРДИ

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Хўжайли туманидаги Қизил қалъа овул фуқаролар йиғинига оқова сув етказиб берилди.

Нилуфар МУРОДОВА.



Туман марказидан олисда жойлашган овулда беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Томоркаларни суғориш учун етарли сув бормагани боис худуддаги 210 та хонадон беш йил давомида сув муаммоси бўйича “маҳалла еттилиги”га ҳамда худуд масъулларига мурожаат қилиб келган.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Дастур асосида олиб борилган ишлар натижасида ушбу худудда 1,1 километр ариқлар бетонлаштирилди, иккита сув насоси, 1 та трансформатор ўрнатилиб, 210 та хонадоннинг оқова сув тизими яхшиланди. Шу тариқа фуқароларни йиллар давомида қийнаб келган масала ижобий ҳал қилинди. Эндиликда қизилқалъалиқлар томорқада махсулот етиштириши, уни бозорга олиб чиқиб сотиши, бу орқали қўшимча даромад топиши мумкин. Эътиборлиси, бу ишларнинг айнан Наврўз байрами, Рамазон ҳайити кунлари арафасида амалга оширилгани аҳолига кўтаринки руҳ бағишлади.



Масалан, Венера Сафарбоева хунармандчилик фаолиятига жалб этилиб, тикув машиналари билан таъминланди. Бугунги кунда у нафақат ўз ишини йўлга қўйган, балки ёнига шогирдлар олиб, бошқаларга ҳам касб ўргатмоқда. Бу эса аёлнинг нафақат ўз ҳаётини, балки бошқаларнинг тақдирини ҳам ижобий томонга ўзгартира олишини кўрсатади.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 190,8 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **14 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **754 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



8

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“Касб вазифасига доир масъулият ҳар бир оила, уй ва фуқаро тақдирига дахлдор”

Бу йилги касб байраминиз — Маҳалла тизими ходимлари кун қўш айёмларга бой бўлди. Шу кунларда Наврўз байрами, Рамазон ҳайити ҳам кенг нишонланаётгани юртдошларимиз қалбидаги қувонч ва эзгу ниятни янада орттирди.



Аҳаджон МИРЗАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи.



ТАЖРИБА

ИХТИСОСЛАШУВ АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРДИ, ИШСИЗЛИК ҚИСҚАРДИ

Кейинги йилларда маҳалла тизимида “Ўсиш нуқта”, “драйвер” каби атамалар оммалашди. Дарҳақиқат, худудлар имкониятидан келиб чиқиб, соҳалар ривожлантирилса, нафақат ишсизлик, балки камбағаллик қисқаради.



Набижон Қўчқоров, Норин туманидаги “Норинкапа” маҳалласи раиси.

Бу фикр исботини маҳалла-миз мисолида кўряпмиз. Гап шундаки, паррандачилик ортидан аҳоли даромадлари ошди, ишсизлик ва камбағаллик қисқаришига эришдик. Узи азалдан ота-боболаримиз чорваси, паррандаси бор хонадонларни бароқатли, файзли оила, деб таърифлашди. Қолаверса, инсон саломатлиги учун ўта муҳим сут сут маҳсулотлари, гушт ҳамда тухум рўзгорнинг баракаси ҳамдир. Шу сабабли маҳалладошларимиз паррандачиликни “Ўсиш нуқта” сифатида ривожлантирмоқда. Мисол учун, Баҳодир Абдурахмонов хонадонидан 200 донна зотдор товуқ парвартилади. Ойига 4 миллион сўмлик тухум сотиб, яхши даромад қилмоқда. Аксарият хонадонларда паррандачилик йўлга қўйилиб, 200 миллион сўмгача

даромад топаётганлар бор. Шу боис худудда товуқчилик оммалашмоқда. Зотдор товуқларнинг туҳумидан ҳам, наслидан ҳам яхши фойда топиш мумкин. Мавжуд хонадонларнинг қарийиб 40 фоизидан шу йўналиш шаклланди. Бу товуқларнинг энг йирик тури 10 кг.гача вазн олади. Шунингдек, тухум беришда ҳам баракали. Алоҳида эътиборли жиҳат — зотдор товуқлар парвариши билан бирга, насличилик йўлга қўйилган. Бундай туҳумларнинг ҳар бири 25 минг сўмдан сотилмоқда. Шунингдек, аҳоли кўй боқиш ва гул парвариши орқали ҳам даромад олмақда. Бу тажрибалар маҳалладаги ҳар бир томорқабон учун қўллана бўлиб, уй шароитида иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилмоқда. Худудда замонавий эшик ва ромлар ҳамда пардалар тайёрлаб бериш йўли ҳам тажриба яратилган. “Норинкапа Минор” хусусий корхонаси қошида “SARAYA” бренди остида эшик-ромлар ишлаб чиқариш, уларни ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилди.

ИБРАТ

Кам таъминланган, ноғиронлиги бор ҳамда эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамланган махсус совғалар етказиб берилди. Бундан ташқари, Наврўз умумхалқ байрами ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш мақсадида “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида ташкил этилган хайрия хашарида маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар ва турли ташкилот, муассаса вакиллари фаол қатнашди. Узим ҳам шахсий намуна кўрсатиб, туманларга борганида, оддий инсонлар билан суҳбатлашдим. Муаммоларига ечим топишга ёрдамлашдим. Масалан, Давлатобод туманининг “Кули Ровустон” маҳалласида бўлиб, бир қатор хонадон эгалари ҳолидан хабар олдим. Алоҳида эътиборга муҳтож, боқувчисини йўқотган ҳамда ноғиронлиги бўлган фуқароларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишдим. Уларга байрам муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат хайрия жамланмалари топширдик.

Касб байраминиз арафасида 10 та маҳаллага янги бино қуриб берилгани ажойиб совға бўлди. Жумладан, Чуст туманидаги “Гулистон”, Янги Боғишамол”, Мингбулоқ туманидаги “Толлик”, “Кичик Жомашўй”, Учқўрғон туманидаги “Фарғона” маҳаллалари ўз хизмат биносига эга бўлди. Натижада маҳалла фаоллари ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Биламизки, қайси маҳаллада иқтисодий ўсиш барқарор бўлса, инфратузилмани яхшилашга шунчалик кўп маблағ йўналтириш мумкин. Бундай маҳаллалар кўпайиши бандликни таъминлаб, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиляпти. Мисол

учун, Янги Наманган туманидаги “Мустақилликнинг беш йиллиги” маҳалласида яшовчи тадбиркор Маъруфхон Жалилов барпо этган 1 гектарлик замонавий иссиқхона бугун нафақат ҳосилдорлик, балки бандлик масаласида намуна бўлмоқда. Бу ерда 30 та янги иш ўрни яратилди. Наманган туманининг “Наврўз” маҳалласида 52 фоиз хонадон гулчиликка ихтисослашган бўлиб, ҳар бирининг йиллик даромади ўртача 120-130 миллион сўмни ташкил этади. Муҳими, гулчилик кластерининг ўзида 20 киши, кооперация асосида эса 300 нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Норин туманида ҳам яхши ташаббус татбиқ этилди. 54 та маҳалланинг кириш қисмига унинг номини ифодаловчи лавҳалар ўрнатилди. Бу ташаббус — нафақат ободончилик, балки маҳаллаларнинг ўз қиёфаси, ўз шаъни ва ўзлигини намоён этувчи рамзий қадам, дейиш мумкин.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ЙИЛ БЎЙИ ХОНАДОНДАН ХАРИДОРЛАР АРИМАЙДИ

Ўтган йили “Соҳилбод” маҳалласига борганимизда, бир хонадонга кирган эдик. Эътиборимизни бўш ётган томорқа тортиган эди. Кўпчилик томорқасини гуллаб-яшнатиш билан банд бўлган бир пайтда бу оила оёқ остидаги хазинани қадрига етмаётганидан ажабланган эдик. Ўз навбатида, зарур тавсия ва маслаҳатлар берганидик.



Зоҳида КЕНЖАЕВА, Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Ахир бир килограмм картошкани бозордан фалон сўмга сотиб олган яхшими ёки уни томорқада ундириб, истган пайтда рўзгор учун фойдаланган маъқулми? Бу каби саволларимиз маҳалладаги барча хонадон эгаларини “уйғотди”. Хатто, 76 ёшли отахон томорқасида гидропоника усулида кулпнай этиштирмоқда. Маҳаллада яшовчилар асосан, боғдорчилик билан шуғулланади. Балки шу сабабдир ястаниб ётган тоқзор, шафтолизор ва бодомзорлар туфайли аҳоли бандлиги таъминланган, ишсизлар йўқ ҳисоби, камбағал оилалар сони жуда кам. Оминахон Аюпова 10 сотихли томорқасида беш йил аввал иссиқхона ташкил этганди. Аввалига помидор, бодиринг эди. Уч йилдирки, гидропоника усулида кулпнай пишган ва ички бозорда 180-200 минг сўмдан сотилляпти. Йиллик даромад 60-70 миллион сўмга боради. Бундан ташқари, сўрилар тағидида лимон кўчатлари ҳам ҳосилга кирган.

“Ласкидон тажрибаси” вилоятда оммалашган

Шарифжон Ҳожиёв хонадонидagi саранжомликни қуриб ҳавас қиласиз. Ўтган йили унча катта бўлмаган мўъжаз иссиқхона қурилган эди. Йилига 30 миллион сўмгача қўшимча даромадга эга бўлаётган оилада меҳнатга муносабат ҳам ўзгача.

Муяссарчеҳра МИРЗААҲМЕДОВА, Чортоқ туманидаги “Ласкидон” маҳалласи раиси.

Маҳаллада яшовчи барча фуқаролар шу каби меҳнат билан қадр топган. “Ўсиш нуқта” миз — чорвачилик ва деҳқончилик. Ҳеч бир хонадонда бўш ётган ерни ёки бўш қолган инсонни учратмайсиз. Ҳар бир кўчанимиз номига мос ривожланмоқда. Гарчи туманининг чекка худудидида жойлашган бўлсак-да, марказдаги маҳаллалар бизга ҳавас қилади. Биргина Бирдамлик кўчасида олиб борилаётган ишлар “Ласкидон тажрибаси” сифатида вилоятда оммалаштирилмоқда. Дарҳақиқат, авваллари бу кўчаларга кириш азоб бўларди. Қишда лой, ёзда чангдан одам азият чекарди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси муаммага



ечим бўлди. Ҳамжихат, бирдам-лигимиз қўл келди. Бу йўлда фуқаролар бирлашиб, 6 марта таба ғолиб бўлдик. 6 қарра ғолибдик, бу — шунчаки рақам эмас, балки аҳиллик ва фаоллик натижасидир. Бугун асфальт бўлмаган кўча қолмади. Обод

ҳовлилар, намунали томорқалар эса меҳнат ва ҳамжихатлик самарасидир. Бундан ташқари, қўшни “Кескәнёр” маҳалласи билан худудни боғловчи кўприк қурилди. Ҳашар ёрдамида 50 донна кўча чироғи ўрнатилди. “Лангарота” зиёрат-

гоҳи ободонлаштирилди. Унга олиб борувчи йўл хашар орқали бетонланди. Ичимлик сув, табиий газ, оқова сувдан муаммо йўқ. Собиқ қишлоқ врачлик пункти биноси 851 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мукамал таъмирдан чиқарилиб, фаолият кўрсатишга шай ҳолатга келтирилди. Интилганга толе ҳам қулиб боқади, деганларидек, барча муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да ҳам катта марраларни кўзлаганмиз.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





ХОРАЗМ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **2 миллион 69,2 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **13 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **509 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

9

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

“Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз”



Одилбек ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Хоразм вилояти бошқармаси
бошлиғи.

Барчамиз интиқиб кутган баҳор – янгиланиш ва яшариш фасли кириб келди. Бугун юртимиздаги ҳар бир маҳаллада умумхалқ байрами – Наврўзи олам кенг нишонланаяпти. Турли сайиллар, томошалар, байрам тадбирлари ўтказилаяпти. Меҳрибонлик уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар, меҳрга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиниб, байрам билан қўтланади, турли совғалар, хайр-эҳсонлар тақдим этмоқда.

тозаланди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллалар ва йўл бўйларига иқлим шароитига мос гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, 580 та қабристон ва 25 та зиёратгоҳ, 1 896 та хонадоннинг томорқа ерлари тартибга келтирилди, 8 571 та кўча ободонлаштирилиб, 1 629 та болалар майдончаси, 2 166 та оиланинг уй-жойлари таъмирланди. 2 018 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Рамазон ойи муносабати билан барча маҳаллаларда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ўзаро ёрдам анъаналарини мустаҳкамлаш мақсадида кенг қўламли хайр-саховат ишлари амалга оширилди. Жумладан, 9 297 нафар камбағал оиланинг манзилли рўйхатлари шакллантирилиб, 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди. Шунингдек, 509 та маҳаллада кўй сўйилиб, 3 100 та муҳтож оилага тарқатилди. Барча камбағал оила хонадонларида ифторликлар ташкил этилди. 382 та оиланинг фарзандларига 156 миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, 1 325 та камбағал оиланинг 124 гектар томорқа ерларида сабзот, полиз экинлари ва картошка экиш ишлари ташкил этилди.

Айни дамда вилоятдаги барча маҳаллаларда “Миллий қадриятлар ойлғи” доирасида маҳалла ёшлари, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда спорт таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ва халқ сайиллари бўлиб ўтаяпти.



Бу каби хайрли анъаналар нафақат маҳаллаларимизни обод қилади, балки муҳтожлар мушкулени осон қилиш, уларга байрам кайфиятини улашиш, қолаверса, ўзаро аҳиллик ва бирдамликнинг гўзал аломати ҳамдир. Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, “Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз”.

Одатда, Наврўз айёми 21 март кунни нишонланса-да, унга тадбир ишлари эрта баҳордан бошланади. Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар атрофи, хиёбонлар, болалар майдончалари, зиёратгоҳлар ҳамда қабристонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Ариқ ва зовурлар тозаланади, дарахтларга шакл берилиб, оқланади, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.

Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик анъанаси жорий йилда ҳам вилоятдаги 509 та маҳаллада кўтаринки руҳда амалга оширилди. Хусусан, 1 782 гектардан ортиқ ҳудуд ободонлаштирилиб, 1 554 тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари олиб чиқилди. 1 089 километр ариқ ва лотоклар

ТОМОРҚА – КЕЛТИРАР БАРАКА

“Бизда “илик узилди” бўлмайди...”

Юртимизда баҳор. Халқона тилда айтадиган бўлсак, “илик узилди” бошланди. Айни шу паллада кўпчилик инсонларда ҳолсизлик ва руҳий толиқиш кузатилади. Бунинг енгиш учун кўкатли таомлар, сабзавотлар истеъмол қилиш зарур.

Музаффар РЎЗМЕТОВ,
Урганч туманидаги “Туркманлар”
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Буни яхши англаган туркманликлар қиш фаслидаёқ иссиқхоналарида турли хил кўкатлар етиштиради. Баҳор бошланиши билан улар қаторига редиска қўшилади. Ёз ойларида бодринг, помидор, пиёз, булғор ва аччиқ қалампир, саримсоқ пиёз каби маҳсулотлар пишиб етилади. Кўз келиши билан сабзи, шолғом ва турп маҳсулотлари етишиб, элимиз дастурхони учун тайёр бўлади. Қиш фасли эса яна кўкатчиликка уланиб кетади. Шу боис бизда “илик узилди” бўлмайди, маҳалла аҳли ҳар фаслда ўз томорқасида инсон танасига зарур бўлган витаминларга бой маҳсулотлар етиштириб, тўйиб-тўйиб истеъмол қилади.

Бугун маҳалламизга келсангиз, деярли ҳар бир хонадонда ихчам иссиқхоналар барпо этилганига гувоҳ бўласиз. Томорқалар ҳеч қачон бўш турмайди. Ҳаттоки томорқаларнинг чекка жойларига қовоқ, ловия ва мош каби чирмашиб ўсадиган ўсимликларни, уйлар атрофи ва кўча томонларга узум, ичкарига лимон ҳамда иссиқхонадан ташқари боғ жойларга мевали дарахтлар экилган. Нимадир сотиб олишга эҳтиёж йўқ, ҳаммаси ўзимиздан. Шу орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча даромад олиш анъанаси шаклланди. Илғор тажрибалар оммалаштирилиб, мўл ҳосилга эришиляпти.

АЁЛГА ЭЪТИБОР – ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Бўш ўтирган аёл йўқ, ҳаммасида муайян даромад бор

Баҳор – уйғониш билан бирга, имкониятлар фасли ҳамдир. Деҳқонлар ерга уруғ қадаб, эрта баҳорги картошка, пиёз ва кўкатларини йиғишни бошлайди, чорвадорнинг моли кўкка тўйиб, сут-қатиғи кўпаяди, чеварлар Наврўзи оламга янги кийимлар тикиди. Хуллас, ҳамма аста-секин даромадга ўта бошлайди.

Насиба ХЎЖАНАФАСОВА,
Янгиариқ туманидаги “Боёт”
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бизнинг асосий мақсадимиз – ишсиз хотин-қизларнинг имконият ва шароитларидан келиб чиқиб, уларни даромадли қилишдир. Масалан, Ижтимоий реестрда турган Матлуба Раҳимова икки нафар ногирон фарзанди бўлгани учун уйдан чиқолмайди. Шу боис унга фарзандлари тарбияси билан бирга, уйда қўшимча даромад топиши учун тикув машинаси бердик. Яқинда “Хунарманд” уюшмасига аъзо қилдик. Энди уюшма кўмағида қўшимча ёрдамлар кўрсатилади.

Бугун ишсиз аёлларнинг аксарияти тикувчилик билан шуғулланаяпти. “Аёллар дафтари”да турган Гул Хўжаева ҳам имтиёзли кредитга иккита тикув машинаси олиб, уйда тикувчилик фаолиятини бошлади. Қўшимчасига турли хил ширинлик маҳсулотлари тайёрлаб сотаяпти. Ҳозир саккизта шогирди бор. Шунингдек, маҳалладаги ишсиз аёлларга тикувчиликни ўргатапти.

Маҳаллада йирик тадбиркор аёлларимиз ҳам бор. Масалан, Марҳабо Отаева савдо-сотик ишлари билан бирга, маҳалла аҳли учун тўйхона ташкил этган. Тандирхона қуриб, аҳолига турли хил нон ва патирлар пишириб, етказиб берапти. Натижада уч нафар ишсиз қиз даромадли бўлди.

Миграциядан қайтган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, ўтган йили ҳоким ёрдамчиси билан бирга, фарзандларидан узоқда бўлишни истамеган Дилноза Рўзметовага имтиёзли кредит ажратиб, аёллар гузаллик салони очилишига кўмаклашдик. Ҳозир маҳалламиз аёллари бирор тадбир ёки тўй-ҳашам бўлса, туман марказига қатнаб юрмайди, Дилноза қизимиз уларга гузаллик бахш этади.

Бугун бирорта бекор аёл йўқ, аксарияти тикувчилик, деҳқончилик, чорвачилик, тадбиркорлик, ишлари билан банд. Баъзилари қўшни маҳалладаги иссиқхонада, айримлари Урганч туманидаги тўқимачилик корхонасида ишлаяпти.



Маҳалла фаолларидан бири – Шукржон Қилчиева ўз томорқасида ташкил этган иссиқхона орқали ҳар йилга 100 миллион сўмгача соф даромад оляпти. Шу билан бирга, у қўшни аёлларни ҳам мавсумий иш билан таъминлаб, уларнинг бандлигига ҳисса қўшапти.

Яна бир маҳалладошимиз – Хонимжон Ўразметова эса томорқасидан ташқари дала худудидаги 15 та иссиқхонада кўкатчилик фаолиятини йўлга қўйган. Майдон катта, соф фойда ҳам шунга яраша. Ишининг “кўзи”ни билган яна бир томорқачи – Хуршида Давлетова 8 сотихлик иссиқхонасида кўкатчиликдан ташқари, бодринг ва қалампир кўчатларини ҳам етиштиради.

Одамларнинг уй-жойи, турмуш шароитининг яхшиланиши, тўй ва бошқа маросимларнинг тўқинлиги, фарзандларининг таълим олиши – барчаси томорқачи билан мўл ҳосил олиб, мавсумни яқунлар эканмиз, маҳалламизда байрамлар бошланади. Янги иморатлар, қимматбаҳо автомашиналар, тўйлар ва бошқа мақсадлар ушालишни бошлайди. Эндиликда маҳалладошларимиз орасида ҳар мавсум сўнгида саёхатлар ҳам урф бўляпти.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги тинчлик ва ҳалол меҳнатларимиз орқасидан турмушимиз фаровон, яхши яшаяпмиз. Бундай маҳаллаларда байрамлар, Наврўзи олам шодиёналири кенг нишонланади.

ТАШАБУС

Аҳиллик кўчасида яшовчи 32 та хонадон аъзолари ўз ташаббуслари билан шу ердан оқиб ўтган катта ариқ бўйларини ободонлаштириб, бетонлаштирди. Уларнинг олдида турли хил гул ва дарахтлар экиб, файзли кўчага айлантди.

БОЗОРГА БОРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАГАН

Роҳатжон ТОҶИБОЕВА,
Янгибозор туманидаги
“Олтинкўл” маҳалласи раиси.

“Қовун-қовундан ранг олади”, деганларидек, улардан қўриб, бошқа кўча аҳолиси ҳам теварак-атрофларини тартибга келтириб, обод манзилга айлантди. Четдан келган меҳмонларга қўлайлик яратиш учун ҳар бир кўчанинг кириш қисмига номини ёзиб чиқдик.



Бугун олтинкўлликлар юртимизда кечаётган ислоҳотларга бефарқ эмас, маҳалласи учун қўлдан келганча ёрдам бераяпти. Уларнинг ташаббускорлиги, ҳамжиҳатлиги билан кўп-кўп мақсадларимизга эришяпмиз. Хусусан, ҳар йили “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлиб, босқичма-босқич кўчаларни асфальтлашяпмиз. Насиб, бу йилги Наврўз байрамини Куна овул кўчасида нишонлаймиз. Энг муҳими, қишлоқ шифокорлик пунктини қуриб, маҳалланинг ўзида тиббий хизматга эга бўлдик.

Маҳалламиздаги 808 та хонадоннинг бирортаси бозордан картошка, сабзи ёки помидир сотиб олмайди, барча озиқ-овқат маҳсулотлари томорқаларида етиштирилади. Айни пайтда ишсиз, миграциядан қайтган 134 нафар фуқарога берилган ер майдонларида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида тарвуз экиш ишлари кетаяпти. Мақсадимиз – нафақат маҳаллий бозорни тарвуз билан таъминлаш, балки экспорт қилишдир.

Амударё яқин бўлгани учун оқова сув яхши. Бу, ўз навбатида, деҳқончилик билан бирга, чорва моллари озука маҳсулотларини етиштиришда қўл келаяпти. Шу боис иккинчи “драйвери”миз – чорвачилик. Ҳозирда олти юздан ортиқ хонадонда чорва моллари боқилаяпти. Бу эса ҳар бир оилада гушт, сут, қатиқ, қаймоқ, сариёғ маҳсулотлари бор дегани. Қувонарлиси, ҳар бир хонадон озиқ-овқат захирасига эга.



**Саифани
“Mahalla” муҳбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.**



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига 1 миллион 566,9 минг киши доимий истиқомат қилади. Худудда 13 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 304 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



10

Mahalla

**№22-23-24
МАХСУС СОН**

**2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Имконият ва салоҳиятнинг юқорилиги камбағалликни қисқартиришда қўл келяпти

ИБРАТ

Жиззах вилоятида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни фойдали меҳнат ва тадбиркорликка жалб этиш борасида белгиланган вазифалар изчил ижро этилиб, муҳим натижаларга эришиляпти.

Ечимсиз муаммо, жавобсиз савол йўқ

Норбуви ШАМСИЕВА,
Жиззах шаҳридаги “Олмазор” маҳалласи раиси.

Маҳалла кечагина фақат оила, яшаш жойи ҳақида маълумотлар бериш, юқоридан келган топшириқларни бажариш билан чекланган бўлса, бугун одамлар ҳаётини фаровонлаштириш, худудни обод қилиш, тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратиш учун жон куйдирадиган кўмакчига айланди. Инфратузилма яшилди. Биргина “Обод маҳалла” дастури асосида кўчалар асфальтлашиб, раванлашди.

Айниқса, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгач, катта имкониятлар эшиги очилди. Илгари идорада одам гавжум бўларди. Кимдир моддий ёрдам сўраб, бошқаси кўшниси билан ер, сув талашиб келарди. Лекин муаммони ҳал этиш ваколатимиз бўлмаган. Бугун ҳар бир мурожаат жойида ҳал этилади.



Томорқани ҳақиқий даромад манбаига айлантириш борасида қилинаётган ишлар ҳам мақтанарли. Айни пайтда 26 гектар томорқа ерларнинг 21 гектарига полиз ва сабзавот экинлари экилган. Қолаверса, оилавий тадбиркорлар сафи ортиб бормоқда. “Еттилик” кўмагида 100 оила танлаб олинди, 10 тадан жайдари товук, уларга тайёр катаклар етказиб берилди. 7 та оилага чорва, асалари боқиш ва иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит тақдим қилинди. Бу кўшимча иш ўринларини яратиш имконини берди.

Бундай хайрли ишлардан маҳалла тадбиркорлари ҳам четда тургани йўқ. Уч нафар етакчи тадбиркор оилаларга бириктирилган. Масалан, Дилафруз Икромова 30 та оиладаги хотин-қизларни касаначилик асосида бандлигини таъминлаган. Умид Турсунматов мебелсозлик, Сувонқул Икромов иссиқхоналар қуриш ва уларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш сирларини ўргатмоқда.

Кейинги йилларда маҳалла худуди улкан қурилиш майдонига айланди. “Олмазор сити” номи билан машҳур турар-жой мавзеси барпо этилди. 16 қаватли осмонўпар бино маҳалла чиройига кўрк бағишлаб турибди. Тадбиркорлик қилишни истаган фуқароларга кўп қаватли уйларнинг еруласидан-жой ажратилди. Айни пайтда бу ерда олти нафар тадбиркор фаолият олиб бормоқда.

Муҳими, маҳалла аҳолиси аҳил. Ҳар қандай иш, юмуш биргалликда ҳал этилади. Бизда ечилмас муаммо, жавобсиз савол йўқ.

Маҳалла аҳолиси томорқа ерларидан самарали фойдаланиш орқали барқарор даромад манбаини яратиш борасида яхши тажрибага эга. Кафтдек ер нафақат рўзғор эҳтиёжини қоплаш, балки кўшимча даромад олишнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Абдували БЕГАЛИЕВ,
Зомин туманидаги
“Пешагор” маҳалласи раиси.

Хусусан, маҳалла худудида саримсоқлиёз етиштириш кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда 80 дан ортиқ хонадонда шу экин парвариш қилинмоқда. Меҳнат ва изланиш асосида етиштирилаётган ҳосил оилаларга барқарор даромад олиб келиб, уларнинг турмуш фаровонлигини оширмоқда.



Бахтиёр СОАТОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Жиззах вилояти бошқармаси
бошлиғи.

Баҳорнинг илк ойи байрамлар байрамларга уланиб кетди. Хали 8 март санаси тадбирлари тугар-тугамас, Наврўз ва Рамазон ҳайити кенг нишонланди.

**ТОМОРҚА —
ДАРОМАД МАНБАИ**

Меҳнатсеварлик, интизом ва ердан оқилна фойдаланиш ҳар қандай оилани фаровон ҳаётга етаклайди. Бу фикр исботини Мирзачўл туманидаги “Богбон” маҳалласида яшовчи Наргиза Қобилова мисолида кўриш мумкин.

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАН АЁЛЛАР

Чиндан ҳам, яхшилаб разм солсангиз, аёл учун томорқа, бу — шунчаки ер майдони эмас, балки меҳнат орқали барака топадиган, оила ривожига хизмат қиладиган муҳим манба ҳисобланади.

Қолаверса, меҳнатдан кадр топган аёл оиласи билан биргаликда гулчилик ва беданачилик йўналишида ҳам фаолият юритмоқда. Хонадонда турли хил манзарали гул турларини етиштириш билан бирга, бедана боқиш орқали даромадини оширмоқда.

Маҳаллада яшовчи Зарбуву Ботирова ҳам томорқадан унумли фойдаланиб, лимон қўчатлари, саримсоқлиёз ҳамда турли манзарали гулларни парваришламоқда.

Мамлакатимизда ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамisha харидоригир бўлиб келган. Шу боис богбонлик хотин-қизлар тикувчилик, каштачилик, гиламдўзлик, кўрпа тикиш йўналишларида ўзини ўзи банд қилган. Қувонарлиси, кечагина камбағаллик даражасига тушиб қолган қишлоқ аёллари бугун даромад топишмоқда.



Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида амалга оширишга доир давлат дастури ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шiori остида ўтказилган ҳашар Жиззах вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Эрта тонгдан маҳаллалар, аҳоли турар-жойлари, боғ ва хиёбонлар, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди, дарахт ва гул қўчатлари экилди. Шунингдек, маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз яшовчилар ва ёши улуг инсонларнинг хонадонлари тартибга келтирилиб, томорқага ишлов берилди. Маҳалла тизими ходимлари қуни байрами айрим маҳаллаларга қўш қувонч олиб келди. Улар янги бинога эга бўлди.

Айтиш керакки, “2026–2027 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори худудни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги имкониятимиз, салоҳиятимизни қаррасига ошириди. Одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди.

Унга мувофиқ 2026 йилда Жиззах вилоятида 10 минг 500 та оилани камбағалликдан чиқариш ҳамда жами 45 минг 800 нафар фуқаронинг барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш режалаштирилган.

Бу борада самарадорликка эришиш учун хитойлик мутахассислар ёрдам бермоқда. Фудан ва Пекин педагогика университетига профессорларидан иборат делегация Шароф Рашидов ҳамда Зарбдор туманларидаги маҳаллаларга бориб, аҳоли хонадонларида бўлишди. Томорқачилик ва иссиқхона йўналишида ҳосилдорликни ошириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромад манбаларини кенгайтириш масалаларида кўлаклашишмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

ТАШАБУС

Рақамлар шунчаки кўрсаткич эмас, фаровон ҳаётга муҳим ишора



Худудда ҳатто куз ва қиш ойларида ҳам бирор қарич ер бўш турмайди. Хонадон эгалари кўкат ва бошқа тўқсонбости экинлар етиштириш билан шуғулланади. 50 га яқин хонадон — бир маҳалла — тамойили асосида маҳсулот етиштиради.

Ўзига хос янгилик сифатида ташкил этилган “Зомин ёш деҳқонлари” қишлоқ ҳужалиги кооперативиди 100 нафар аъзо бўлиб, аксарияти Ижтимоий реестрда туради. Улар ихтиёрида 50 сотихдан жами 50 гектар ер мавжуд бўлиб, бу майдонни ўзлаштириш учун 270 миллион сўм кредит берилди. Экинларни суғориш мақсадида махсус мажмуа ҳам бунёд этилди.

“Ушиш нукта” миз — ҳунармандчилик. Айниқса, миллий тўн тикиш орқали хотин-қизлар хонадонда ўзини ўзи банд қилган. Фаолиятини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида 36 нафарига кредит олишда кўмаклашди.

Айниқса, аҳоли бандлигига алоҳида эътибор бераймиз. Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар шунчаки рақам кетидан қувиш эмас, бу — жамият барқарорлиги, оилалар фаровонлиги ва мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги”, фаоллар — барчамиз бирлашиб, меҳнат қилаймиз. Ўзгаришлар сабабли одамларнинг яшаш тарзи яхшиланяпти. Ҳар бир маҳалладошимиз ташаббусдан куч олиб, имкониятдан руҳланиб, оилавий даромадини оширишга интиляпти.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига 1 миллион 111,9 минг киши доимий истиқомат қилади. Худудда 11 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 310 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

11

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Чекка худудларда ҳам бозорбоп маҳсулотдан бойишган хонадон кўч

Эрталаб ишга кетаётиб, кўзим осмону фалакда хилпираб учаётган варракка тушди. Бехос болалик хотираларига берилдим. Тенгқурлар бир кўча бўлиб, варрак учириб бўйича мусобақалашардик. Ҳозир қувончидан ичига сиғмай югуриб юрган гўдакларга қараб, ўзимни кўргандек бўлдим.



Лочин ОБЛОҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.

Биргина шу ҳолат орқали юртимизда кезиб юрган байрам кайфиятини хис қилиш мумкин. Йул четларида қийос гуллаган дарахтлар, ариқ бўйларига эндигина ўтказилган гул кучатларидан баҳор нафаси уфуриб турибди.

Табиат узоқ киш уйқусидан уйғонди. Маҳаллаларимизда ўзгача шукӯҳ ва тароват ҳукмрон. Шундай хуш кайфият билан бошланган хайрли ишларимизни давом эттиришга киришамиз.

Сўнги йилларда худудларда олиб борилаётган ислохотлар кўлами анча кенгайди. Узоқ йиллардан буён аҳолини қийнаб келётган муаммолар аста-секин ўз ечимини топапти. Ҳеч қайси давлатда андозаси ёки намунаси бўлмаган маҳалла институтининг тулақонли фаолият юртиши чекка-чекка қишлоқларга ҳам янгилик ва ўзгаришларни олиб кирди. Инфратузилмадан тортиб, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағаллик кўрсаткичини камайтириш, ишсизликни бартароф этиш, томорқадан самарали фойдаланиш, жинотчиликнинг олдини олиш каби масалаларга ижобий ечим топаётгани эътиборга молик.



Маҳаллаларда камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилиб, яратиб берилган тизим асосида вилоят ва туман даражасидаги 550 нафардан ортиқ раҳбарга 9 791 та камбағал оила бириктирилиб, аниқланган 53 мингта муаммо ижобий ҳал этилди. Натижада камбағаллик даражаси 5,7 фоиздан 3,2 фоизга туширилди.

Кармана туманидаги “Шибзон” маҳалласида истиқомат қиладиган 397 нафар фуқарога деҳқон ҳўжалиги учун 100 гектар ижара ер ажратилган бўлиб, миришкорлар “Бир контур — бир маҳсулот” та-

мойили асосида брокколи етиштиришни йўлга қўйди. Деҳқонлар ўтган йили ҳар гектардан 20 тоннадан ҳосил йиғиб, жами 400 миллион сўм даромад олишга эришди.

Маҳалла аҳолисининг умумий 57 гектар томорқаси бўлиб, ҳар бир оила ўрта ҳисобда томорқадан 70-90 миллион сўм қўшимча фойда қилишга эришапти. Мисол учун, Аваз Очилов 4 сотихли томорқасида томчилатиб суғориш орқали кабачки, аччиқ қалампир, исма-лоқ каби бозорбоп маҳсулотлар етиштириб, оиланинг бир йиллик даромадини 140 миллион сўмга етказди.

Қизилтепа туманидаги “Таворис” маҳалласининг ихтисослашув асаричилик ҳисобланиб, худуддаги 168 та хонадон ушбу фаолият билан шуғулланади. Ҳар бир оила ўрта ҳисобда 3 тонна асал етиштириб, аҳоли дастурхонига 500 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб беради. Биргина мисол, Шоди Саидов 100 та асалари қутисидан, 240 миллион сўмдан ошириб даромад қилди.

Фуқароларнинг эришаётган ютуқларидан фақат хурсанд бўламиз. Улар қанча кўп ҳаракат қилса, интилса, маҳаллаларимиз шунча раванқ топади.

ЛАВҲА

Бизга ишонч билдиришди, биз уларга таяндик

Маҳалла тизимида иш бошлаганимга яқинда ўн йил бўлади. Баъзан ҳозирги яратиб берилаётган имконият ва шароитларни ўтган даврники билан таққослайман. Авваллари одамлар идорага фақат маълумотнома сўраб келишарди. Айрим вақтлар келиша олмаётган эрхотинларни яраштирардик. Бўлди, қолган масалалар бўйича йиғин ходимлари бирор ўзгариш қилиш ҳуқуқига эга эмасди.



Зарина РАЖАБОВА,
Навоий шаҳридаги “Тараққиёт” маҳалласи раиси.

Охири йилларда олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, вазият бутунлай ўзгарди. Энди “еттилик” вакиллари фуқароларни уйлантираётган барча муаммоларга ечим топиб бера олади. Ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам ажратиш, ногиронлиги бўлган кишиларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш каби йўналишлар кундалик вазирамизга айланган.

Қувонарлиси, халқимиз бизга ишонч билдирапти. Шу орқали ўз ҳаётини ҳам ўзгартиришга эришапти. Айниқса, қийналиб, бирор тайинли ишга жойлаша олмаётганлар тавсиямизга кўра, касб-ҳунар эгаллаяпти. Қисқа фурсатда имтиёзли кредит олиб, ўзини ўзи банд қиляпти.

Азамат Жўраев болагидан заргарликка жуда қизиқарди. Шу боис мактабни тамомлагач, моҳир усталар қўлида ҳунар ўрганди. Аста-секин уйда ўзи мустақил ишлай бошлади. Атрофига тенгдошларини йиғиб, биланларини ўргатди. Кичик узук ва зирақлар ясашдан бошланган ҳаракат камрови бугун анча кенгайган. Айни вақтда тадбиркор республикамизнинг олти вилоятида устахонасининг бўлимларини очган.

Бугун худудимизда қандай янги ташаббусга қўл урмайлик, барчасидан қўзланган мақсад — халқимиз учун қулайлик яратишдан иборат. Тез орада ўз фаолиятини бошлайдиган Маҳалла сервис компанияси ҳам шу жиҳати билан эътиборга молик. Бу ерда аҳоли вакиллари учун 48 турдаги хизмат турлари тақдим этилади. Умид қиламизки, мазкур лойиҳа тез фурсатларда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА
тайёрлади.

Вилоятдаги 310 та маҳалланинг 98 таси камбағалликдан ҳали, 172 тасида жинот содир этилмаган, 96 тасида ажрашиш ва алиментдан муаммо умуман йўқ. 26 та худуд “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” сифатида танлаб олинди, улар белгиланган йўналишлар асосида ривожлантириляпти.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

“ЮТУҚЛАРНИ КўРГАНДА, ЧАРЧОҚНИ УНУТАМИЗ”

Маҳалла тизимида иш бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Аҳоли вакиллари билан ишлаш жараёнида ўзим ҳам анча нарсаларни ўрганимман. Янгидан-янги лойиҳалар устида ишляпмиз.



Санжар Хўжақулов,
Зарафшон шаҳридаги “Истиқлол” маҳалласи ҳокими ёрдамчиси.

Худудимиз шаҳар марказида жойлашгани боис, асосан савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари ривожланган. Шунга кўра, фуқаролар орасида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагини билдираётганлар ҳам жуда кўп. Жорий йилнинг шу даврига қадар 6 нафар фуқарога умумий қиймати 150 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ҳар бири ўз режа ва мақсадларига эга. Хусусан, Ҳилола Умарова шу кунгача уйда яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқараётган эди. Лекин маблағ етишмаётгани учун фаолиятини кенгайтира олмаётганди. Кредитни қўлга киритгач, советчи ҳамда керакли маҳсулотларни харид қилди. Энди буюртмачилар талабини бекаму кўст етказиб берапти.

Зафар Тўрабоев ҳам шундай ҳаракатчан тадбиркорларимиздан. У анча вақт савдо-сотик билан шуғулланди. Энди фаолият турини янада кенгайтириб, хусусий клиника очишни режалаштиряпти. Бу ерда замонавий ускуна ва қурилмалар ёрдамида қўллаб қасалликларга ташхис қўйиш имконияти яратилади. Қолаверса, турли таҳлил ва текширувлар тезкорлик билан амалга оширилади.

Йил якунига қадар маҳалламизда шу каби ўнга яқин йирик лойиҳаларни йўлга қўймоқчимиз. Бу аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бирга, янгидан-янги иш ўринларининг очилишига ҳам замин яратилади.

Йил бошида ўтказилган хатлов натижасига кўра, 48 нафар фуқарони ишсизлар рўйхатига киритган эдик. Уларнинг 36 нафарини қизиқиши ва имкониятига қараб, доимий банд қилдик. 12 нафари эса касбга ўқитиляпти.

Тўғри, маҳалланинг юмуши жуда кўп. Лекин берилаётган кўмак сабаб одамларнинг турмуш шароити яхшилаётганини кўриш кишига бошқача завқ бағишлайди. Шу иштиёқ билан чарчоқни ҳам ёддан чиқариб юборамиз.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Шижоат ва фаоллиги эътирофсиз қолмади

Навбахор туманидаги “Бешрабат” маҳалласида фаолият олиб бораётган ижтимоий ходим Зарнигор Азимова шижоатли ходимлардан биридир.



Сўнги икки йил давомида унинг ташаббуси натижасида 54 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга, 50 нафарга ақин ногиронлиги бор шахслар реабилитация жараёнига жалб қилинди. Улар адаптив спорт турлари ва бошқа ижтимоий фаолиятларда иштирок этиш имконига эга бўлди. Бандлик ва таълимга жалб қилиш орқали маҳалла аҳолиси ижтимоий фаолликка кенг жалб этилди. Бу эса бугунги ислохотларнинг амалий самарасидир.

Зарнигор нафақат иш жараёнида, балки турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. У 2025 йилда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўтказилган “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловининг вилоят босқичида гўлиб бўлиб, республика босқичида 2-ўринни қўлга киритди. Июнь ойида Грузиядаги малака ошириш курсларида қатнашиб, халқаро тажриба орттириб қайтди. Бу тажриба маҳалладаги фаолиятни янада самарали ташкил этишга хизмат қиляпти. Шунингдек, у Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Энг яхши кейс менежери” мукофотига сазовор бўлган.

Ижтимоий ғамхўрлик фақат давлат сиёсати эмас, балки ҳар бир инсоннинг амалий фаолияти орқали ҳам рўёбга чиқади. Маҳалладаги ҳар бир фаоллик, муваффақиятда Зарнигор Азимова каби ходимларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Яқинда ижтимоий ходим Ўзбекистон Республикаси Президентининг “8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, “Шухрат” медали билан мукофотланди. Бу баҳо эса ижтимоий ходим меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

А.БҮРИЕВ, журналист.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **946,3 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **11 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **221 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗДА САНОАТ, СЕРВИС ВА ТУРИЗМ ТОБОРА РИВОЖ ТОПМОҚДА



Уйғун ҲОТАМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

Халқимизда ҳар йили тўйга тўёна билан келиш одатга айланган. Маҳалла тизими ходимлари кунни арафасида ҳам ана шу одат барчанинг хурсандчилигига сабаб бўлди. 8 та маҳалла учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 113 та маҳалла биноси таъмирланди.

Сирдарё деганда, аксарият одамлар кўз ўнгида чўл худуд, унда етиштирилган тарвуз-қовун, катта магистраль йўл гавдаланарди. Аслида эса, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий имконияти анча катта. Сўнгги 2-3 йилда Президентимиз таклиф ва ташаббуслари билан ана шу имкониятлар ишга солинди.

Қолаверса, Наврўз байрами, Рамазон ҳайити муносабати билан Республикаимизнинг барча худудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам "Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Эрта тонгдан барча маҳаллаларда аҳоли ҳамда "маҳалла еттилиги" ҳамжихатликда ташаббус кўрсатди. Катта йўл бўйлари, кўчалар ҳамда қабристонлардаги тозалик тадбирларида фаол иштирок этди. Бундан ташқари, муборак Рамазон ойи муносабати билан барча маҳаллаларда ифторлик дастурхони ёзилди. Эҳтиёжманд ва камбағал оилаларга Рамазон тўғралари етказилди.

Умуман, бугунги Сирдарё кечагидан фарқ қиладиган худудга айланди. Илгари, асосан, кишлоқ ҳўжалигига боғланиб қолган бу заминда сўнгги йилларда саноат, сервис, туризм йўқдан бор бўлди. Бизнес мухити бутунлай ўзгарди, илғор тадбиркорлар қатлами шаклланди.

Кейинги пайтда аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий барқарорлик, инфратузилма ва ижтимоий хизматлар ривожини таълаб этмоқда. Шу мақсадда вилоятдаги маҳаллаларнинг янги "драйвер"ларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Жумладан, балиқчилик, боғдорчилик ва узумчиликда илғор технологияларнинг жорий этилиши аҳоли даромадининг ўсишига хизмат қилляпти.

Сайхунобод тумани тажрибаси бутун вилоят бўйлаб амалга оширилиб, умумий қиймати 229 млрд. сўм бўлган 7,5 минг микролойиха ҳаётга таъбиқ этилди. Ғиждувон ва Зарбдор туманлари тажрибалари доирасида 5 мингга яқин иш ўрни яратилди. Жумладан, Сайхунобод туманидаги "Турон" маҳалласида 2 гектар майдонни эгаллаган табиий қўл худудида замонавий дам олиш маскани ва балиқ овлаш инфратузилмаси барпо этилди.

Жорий йил зиммамиздаги масъулият икки ҳисса ошди. 2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилинишида чуқур маъно бор.

Утган йил сарҳисобига кўра, маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш мақсадида 17 минг нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. 2025 йил бошида 20 минг 200 та оила рўйхатга олинган бўлса, утган вақт давомида уларнинг ярми камбағалликдан чиқарилди. Шунингдек, 55 та маҳалла камбағалликдан холи худудга айланди.

ТАЖРИБА

Президентимиз вилоятга ташрифлари чоғида маҳалламизга келиб, фаоллар, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот ўтказган эди.

Аҳиллик, ҳамфикрлик барча ютуқларга асос бўляпти



Баҳодир АБДУЛЛАЕВ, Гулистон шаҳридаги "Бўстон" маҳалласи раиси.

Бир қатор вазифаларни белгилаб бериш асносида, мамлакатдаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўз ифодасини топиши алоҳида таъкидланганди. Дарҳақиқат, "еттилик" тизими ишга тушгач, илгари жиддий, деб ҳисобланган кўплаб масалаларга айнан маҳалланинг ўзида ечим топяпмиз.

Кувончли жихати — фуқаролар йиғинимиз 2025 йил обод маҳаллага айланди. Худуддаги барча кўп қаватли уйлар таъмирланди, ободонлаштирилди. Маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Худуддаги 48 та кўп қаватли уй жорий таъмирланди, ташқи қисми базальт билан қопланди. Иссиқлик таъминоти яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўм ҳисобига замонавий қозонхона ва 3,3 километр иссиқлик тармоқлари қурилди.

Кўп қаватли уйларда 23 та индивидуал иссиқлик пунктлари урнатилиб, "ёпиқ" тизим ташкил этилди. Аҳоли жуда аҳил. Ҳар ишда ҳамфикр. Мисол учун, шу кунларда ободончилик ишлари бирга олиб борилмоқда.

“Юртимизда улғ айёмлар муносабати билан ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланади. Бу эзгу анъана орқали нафақат худудлар ободонлаштирилади, балки одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик янада мустаҳкамланади.

“Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида ана шундай тадбирни кўтаринки руҳда ташкил этдик. Эрта тонгданок аҳоли, маҳалла фаоллари, ёшлар ва нурунийлар биргаликда худудларни тартибга келтириш ишларини амалга оширдик. Кўча ва хиёбонлар, аҳоли яшаш худудлари, ижтимоий муассасалар атрофи, зиёратгоҳлар ҳамда қабристонлар тозаланиб, маҳалламиз янада файзли қиёфа касб этди.

Таъкидлаш жоиз, Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами арафасида ўтказилган бундай умумхалқ ҳашарлари нафақат маҳаллаларни обод қилиш, балки аҳоли ўртасида ҳамжихатлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Президентимизнинг 2025 йилги ташрифларидан кейин ўзгаришлар янги босқичга чиқди. Ҳар бир хонадонда томорқачилик муҳим даромад манбаига айланди. Аҳоли бир йилда 3 мартагача ҳосил етиштириш тажрибасига эга бўлди. Мисол учун, Боёвут туманидаги "Пахтакор" маҳалласида 51 та иссиқхона ташкил этилган, ички йўллар таъмирланган, оқова сувдан муаммо йўқ. Чорвачилик ва асаларчилик билан шуғулланувчилар сони ортиб борапти.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири **Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ** тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“Бир жойда тўхтаб қолмадик, хомашё сотувчидан экспортёрга айландик”

Йўлдошхўжа Турсунов томорқасидаги 8 сотих иссиқхонада кўчатчилик билан шуғулланади. Булғор қалампери, помидор, бодринг каби полиз экинларининг турли навларини етиштиради. Шунингдек, 2 гектарга яқин ижара ер майдонидаги иссиқхонасида деҳқончилик қилиб, йилга 300 миллион сўм даромад топяпти. Яна бир вақилимиз — Эркин Нишонов ҳам иссиқхонада буюртма асосида кўчат етиштиришни йўлга қўйган. Қўшимчасига помидор, бодринг парваришлайди.

Бобомурод ЭРНАЗАРОВ, Сирдарё туманидаги "Кўёшли" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

ТАЖРИБА

Ишсиз қатлам ер билан тиллашиб, бандлик бўлди

Мастура Ўринова хонадонидagi 12 сотих майдонга иссиқхона қурган. Йилига 2 марта ҳосил олиб, 100 миллион сўм даромад топади. Бунинг учун унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Англаганингиздек, "ўсиш нуқта"миз — деҳқончилик. Аҳоли, асосан, шу йўналишда даромад топади. Авваллари 3 минг нафар аҳолининг 30 фоизи ишсиз эди. Аксарияти боқиманда кайфиятда бўлган. Ваҳоланки, ҳар бирининг хонадонида мана шу каби томорқа мавжуд эди.

Тоҳиржон ОТАЎЎЗИЕВ, Сайхунобод туманидаги "Нурли йўл" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Сардоба тумани тажрибаси барчани ҳаракатга ундади. Ҳозир бир қарич бўш ер топа олмайсиз. Муҳими, юқорида қайд этилган ишсиз қатлам ер билан тиллашиб, ўзини ўзи банд қилди.

Одатда барча соҳалар тенг ривожлансагина, ўсиш кузатилади. Бугун маҳалламизда ана шундай тенг тараққиёт рўй берапти. Узоқ йиллар давомида ҳал этилмаган инфратузилма муаммоларига амалий ечим топиляпти. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида кенг қўламли бўёдорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Яқингача оқова сув етишмаслиги энг долзарб муаммо сифатида қаралар эди. Бу ҳолат аҳолининг томорқада деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятини чеклаб қўйганди. Муаммо бартараф этилиб, суғориш тик кудуги қазилди. Натижада томорқа эгаларига катта қулайлик яратилди. Шунингдек, 3,1 км. узунликда оптик толали линия тортилиб, 16 та сплиттер қурилмаси янгиланади. Бу алоқа сифатини яхшилаб, замонавий интернет хизматларини таъминлаш имконини беради. Эндиликда "Нурли йўл" маҳалласи номига мос худудга айланиб бормоқда.

Гувоҳ бўлганингиздек, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда, асосан, "ўсиш нуқта" — иссиқхоначилик, кўчатчилик, лимончиликдан самарали фойдаланимиз. Кўпчилик хонадонидagi томорқада банд бўлса, яна кўплар Германия билан ҳамкорликда ташкил этилган ойна ишлаб чиқарувчи қўшма корхонада ишлайди.

Бир жойда тўхтаб қолмасдан янгиликлар устида ишладик. "Драйвер"имизни ривожлантириш йўлларини изладик. Бунинг натижасида хомашё сотувчидан экспортёрга айландик. "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида Исроил ва Голландиядан ҳосилдор уруғ олиб келиб, деҳқонлар билан бир турдаги маҳсулот(помидор, бодринг ва булғор қалампери)лар етиштиришни йўлга қўйдик. Кейинги босқичда марказлашган ҳолда хорижга сота бошладик. Шунингдек, "Томорқа хизмати" корхонаси иш бошлади. Натижа ёмон эмас.

Келгусида маҳаллани иқтисодий жиҳатдан янада тараққий топтириш мақсадида маҳаллага туташ фермер ҳўжалигининг 30 гектар ерини захирага олиб, аукцион орқали тарқатиш ҳақида таклиф киритганмиз. Бунда ерлар биринчи навбатда кам таъминланган оилаларга берилиши кўзда тутилмоқда. 2026 йил якунига бориб, маҳалла экспорти ҳажмини 60 млрд. сўмдан оширишни кўзлаб турибмиз.



“Яна бир эътиборли жиҳат — маҳаллада етиштирилган сабзавотлар шу ернинг ўзида қўтиларга солиниб, қадоқланади. Маҳалла хонадонларидан бирида шундай хизмат ташкил этганмиз. Бу орқали маҳаллада яшовчи хотин-қизлар кунлик иш билан таъминланяпти. Қолаверса, лимончилик оммалашяпти.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 160,7 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **22 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **883 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

13

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУС МАҲАЛЛА ҲАЁТИГА ЯНГИ ҲАЁТ БАҲШ ЭТЯПТИ

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ ГЎША

Раислик сайловида кўрсатилган тўрт номзод ичидан халқ мени танлагани елкамга ҳар доимгидан-да катта масъулият юклади ва ишларимни самарали ташкил қилишга туртки бўлди.

Миришкор деҳқонлар билан маррани катта олганмиз

Эмина АБДУЛЛАЕВА,
Чиноз туманидаги
“Тонг юлдузи” маҳалласи
раиси.

олди. Шу билан бирга, деҳқонларимиз йил давомида икки марта экин экиб, даромад олишади. Масалан, бир мавсумда икки сотих иссиқхонадан икки тонна маҳсулот олинади ва 15 миллион сум даромад кўришади. Экинларни алмаштириб экиш ер унумдорлигини сақлаб қолади. Масалан, биринчи марта булғор қалампирни экилса, ёзгача сотиб булғач, июлда помидор ёки бодринг экилади.

Бугунги кунда маҳалламизда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Деҳқончилик ва чорвачилик — маҳалла-



Ҳозир мавсумда бўлгани каби кўчат экиш ва маҳаллани ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Баҳорий кайфият билан маҳалламиз кўчаларига 5 500 туп кўчат экишни режалаштирдик.

миздаги аёллар шуғулланадиган асосий йўналишлардан биридир. Кўпчилик ўз томорқасида сабзавот экади. 25 та хонадонда эса иссиқхона мавжуд бўлиб, уларда помидор, бодринг ва турли кўчатлар етиштирилади. Ер ҳайдалиб, деҳқонлар февраль ойида аллақачон экин-тикин ишларини бошлашган.

Йил бошида хатлов бўйича 96 нафар фуқарони ишсиз сифатида рўйхатга олдик. Уларга субсидия ва кредитлар орқали тадбиркорликни йўлга қўйишда кумак беряпмиз. Чорвачилик, тикувчилик ва бошқа йўналишларда 12 нафар фуқаро аллақачон ёрдам

Деҳқончиликда аҳоли жуда миришқору, бироқ асосий муаммо — сугориш тизими қониқарсизлигидадир. Шу сабабли маҳалламиз “огир” тоифадаги худудга кириштирилиб, 3 миллиард сум маблағ ажратилди. Бўзсув каналидан на-сос орқали сув тортиб, экинларни сугориш режалаштирилган. 2027 йилда эса ичимлик сув муаммосини ҳал қилишни кўзлаяпмиз.

Ҳар бир ишимизни халққа хизмат қилиш ниятида қиламиз. Маҳалла аҳли билан бирга меҳнат қилиб, ободонлик қилаётганимиз, деҳқончилик ва тадбиркорликни ривожлантираётганимиз — бу менга катта қувонч беради.

Юртимизда баҳор нафаси уфуриб, табиат янгиликларига фақлига кирган шу кунларда юрагимизда алоҳида шукроналик туйғулари жўш уради.



Фуркат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

Айниқса, Наврўз байрами — азалий қадриятларимиз, бирлик ва бағрикенглик тимсоли сифатида ҳар бир хонадонга қувонч ва файз олиб кирмоқда. **Муборак Рамазон ойи** қалбларимизни янада поклади, **Рамазон ҳайити** инсонларни эзгуликка, сабр-тоқат ва саховатга чорлади. **Маҳалла тизими ходимлари кўни** эса халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибати, ҳамжихатлиги ва ҳамкорлигини яна бир бор намоён этмоқда.

Ана шундай файзли ва шуққули кунларда маҳаллалар ҳаётидаги ислохотлар, унинг ривожини ва ободлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳар биримиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши биз учун айни муддао бўлди. Шу мақсад асосида ҳар бир “еттилик” вакиллари билан бирга маҳаллалар қиёфасини янада чиройли қилиш, аҳоли ҳаёт сифатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Биринчи ўринда, **маҳаллани ривожлантиришнинг асосий вазифаси — иш билан таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва ажралишларни бартараф эттидир.** Йил бошида 67 минг 455 нафар ишсиз ва меҳнат бозорига кириб келаётган фуқарони банд қилиш бўйича аниқ режа тузилди ва бугунги кунда уларнинг 32,5 фоизи иш билан таъминланди. Февраль ойининг якунига кўра, 883 та маҳалладан 36 таси “яшил”, 847 таси “сарик” тоифага ажратилди, бирорта “кизи” тоифадаги маҳалла йўқ. Шу билан бирга, йил бошидан буён 48 минг 251 та камбағал оила билан манзилли ишлаш орқали 3 255 тасини камбағалликдан чиқаришга эришдик.



Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Эрта баҳордан бошлаб таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди, ички йўллар равланлашди, трансформатор ва бетон устунлар ўрнатилди, туну кун ёритиш чироқлари ёқилди, ичимлик сув тармоғи тортилди. “Маҳалла бюджети” ҳисобидан пиёдалар йўлакларини қурилди, болалар майдончалари барпо этилди.

“Яшил макон” лойиҳаси бўйича баҳор мавсумида 955 минг туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилган бўлиб, яшариш фақлининг янги нафаси кириши билан 332 мингта дарахт кўчати экилди ва “Яшил макон” электрон платформасига киритилди.

Шу билан бирга, йиғинларда “**Рақамли маҳалла**” платформаси тўлиқ жорий этилди. Платформадан фойдаланиш учун “еттилик” ходимлари планшетлар билан таъминланди. Эндиликда аҳоли ўз муаммоларини “еттилик” аъзолари ва вазирлик ҳамда идораларга юбориши мумкин, платформанинг мобил иловаси орқали муаммоларни кузатиб бориш имконияти яратилди.

Шунингдек, “Маҳаллам – лойиҳам” дастури орқали аҳоли иштирокида муаммо ва ташаббуслар ҳал этилмоқда. Қоммунал тармоқлар, кўча ёритилиши, болалар майдончаси қуриш, боғлар яратиш, ёшлар ва тадбиркорлар марказини ишга тушириш каби масалалар “Рақамли маҳалла” платформасида овоз бериш орқали ҳал қилинади. Ҳар бир маҳаллада “Бир қадам” тамойили асосида 500 га яқин давлат ва банк хизматлари кўрсатилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади

Умуман олганда, маҳаллаларимиз бугунги кунда аҳоли учун ўсиш, ривожланиш ва фаровонлик манбаи сифатида жонланмоқда. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир ташаббус маҳалла ҳаётига янги нафас олиб қияпти, келажак авлодлар учун ёрқин ҳаёт паллаворини яратмоқда.

**ТОМОРҚА —
ХОНАДОН ХАЗИНАСИ**

Умид билан қадалган гиёҳ, бир кун берар меваю япроқ

Оҳангарон туманидаги “Қизилой” маҳалласида яшовчи 15 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 15 тадан мевали дарахт кўчатлари тарқатилди.

Сожида ЭШМАТОВА.

Ушбу кўчатлар орасида олма, ноқ, шафтоли ва гилос дарахтлари бор эди. Ҳар бир дарахтнинг ўзига хос парвариш талаблари мавжуд: олма дарахти мунтазам сугориш ва тупроқни бойитишни талаб қилса, шафтоли дарахти иссиқ жой ва қўшимча ўғит билан тез ривожланади. Гилос эса совуққа нисбатан сезгир бўлиб, қор ва совуқ шамолдан ҳимоялаш зарур.

Кўчатларни экиш жараёни ҳам ўзига хос сирга бой бўлди: ҳар бир тупроқ чуқурлиги, дарахтнинг илдиз тизими тўғри жойлаштирилиши ва сугориш тартиби алоҳида эътибор билан амалга оширилди. Мутахассислар дарахтларни 2-3 йил ичида ҳосил бера бошлаши мумкинлигини айтишди. Мисол учун, Ойсана Нурматовага берилган олма кўчатлари икки йил ичида мева бера бошлайди ва оиланинг кундалик эҳтиёжига қўшимча даромад манбаи бўлади.

Маҳалла фуқароларига кўчатларни парвариш қилиш, меваларни ҳосилга киритиш ва келгусида нундан самарали фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Таъкидланишича, бу каби хайрли ишлар оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ҲАЁТДА ҚОҚИЛМАСЛИК УЧУН, АЛБАТТА, ЎҚИШ КЕРАК. АЙНИҚСА, ҚИЗЛАР!

Асл касбим педагог бўлса-да, турли йўналишларда ишлаган ходим сифатида айта оламанки, сабр ҳар касбда энг муҳими саналади. Ширин муомала ва очикқўнгиллик эса ҳар бир инсон қалбида йўл топишга ёрдам беради. Шу сабабли мен фаолият юритаётган иккита маҳаллада хотин-қизларнинг бир-бирига бўлган муносабати жуда илиқ ва аҳил.



Солиятимнинг асосий қисми кўпроқ низоли оилалар билан ишлашни ташкил қилади. Уларнинг муаммоларини ҳал қилиш жараёнида мен ҳар қандай ҳаётий ечимни хотин-қизларни ўқитишда, деб биламан. Шунинг учун уларга доимо айтаман: “Ўқинглар, олийгоҳларга тайёрланинглар. Қизларни ёш узатманглар, уларнинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкам бўлсин. Шунда улар ҳаётда қоқилмайди ва мақсадларини тўғри англайди”. Мен ўзим ва фарзандларим ҳаётдан мисоллар келтираман, улар орқали хотин-қизларга сабоқ ва илҳом беришга ҳаракат қиламан.

Соодат НАЗАРАЛИЕВА,
Янгийўл туманидаги “Шўрелисой” ва “Иттифоқ” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Шу каби мисоллар маҳалламизда жуда кўп. Хотин-қизлар фаоли сифатида шунга айтишим мумкинки, қизларнинг билим олиш истагини рағбатлантириш энг муҳим ишдир. Чунки бу нафақат уларнинг келажги учун, балки бутун жамиятимиз ривожини учун ҳам жуда муҳим.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига 4 миллион 223,0 минг киши доимий истиқомат қилади. Худудда 19 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 1 017 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



14

Mahalla

**№22-23-24
МАХСУС СОН**

**2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Мақсад битта: одамлар эртага эмас, бугун бахтли ва фаровон турмуш куриши керак!

ТАЖРИБА

Маҳалла — азалдан халқимиз учун меҳр-мурувват, хайр-саховат маркази бўлиб келгани сир эмас. Бугун унинг сифатлари сафига яна бир таърифни қўшсак арзийди. Ҳар бир йиғин тadbиркорлик, бизнес ғоя ва лойиҳалар марказига айланиб борапти.

БИЗНЕС ҒОЯ ВА ЛОЙИҲАЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНИБ БОРЯПМИЗ



Хусниддин ҲОЖИМАТОВ,
Қўштепа туманидаги
“Қамиштепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Б — шунчаки баландпарвоз гап эмас. Аслида ҳам, тadbиркорлик қилиш имконияти йилдан-йилга кенгайяпти. Хусусан, худудга хос мебелсозлик соҳаси жадал ривожланыпти. Янги иш ўринлари яратилгани ва маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланяпти.

Худудимизда 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 150 нафардан ортиги тadbиркорлик билан шуғулланиб, мебел, ёғоч ва ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд. Устахоналарда бир ишчи кунига ўртача 200–300 дона бутлов қисмлар ишлаб чиқариб, ойига 4,5–6 миллион сўм аτροφиди даромад топади. “Устоз-шогирд” аънанаси асосида ёшлар маҳаллада касб-хунарга ўргатилади ва тайёр маҳсулот нафақат маҳаллий, балки қўшни худудларга ҳам етказилади.

Дилшод Холбоев раҳбарлигидаги оилавий корхонада ойна қайта ишланиб, ётоқхона мебеллари учун турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хитойдан келтирилган 6 та замонавий дастгоҳда 20 нафар фуқаро доимий ишлаб бўлган.

Шу билан бирга, “Оқшом матраслари” оилавий корхонаси ҳам замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариб, 10 нафар фуқарони банд қилган. Айни пайтда онлайн савдо хизматини йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Маҳаллада тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда “еттилик” фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишда. Масалан, Умиджон Адхамовга 33 миллион сўм кредит ажратилиши натижасида у иш изловчидан иш берувчига айланди. 4 та иш ўрни яратилди.

Бу ҳаммаси эмас. Маҳаллада боғдорчилик ҳам “ўсиш нуқта” сифатида ривожлантирилмоқда. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 15 нафар фуқарога узумчилик учун ер майдони ажратилди.

Халқимиз азалдан саховат, меҳр-оқибат ва атрофдагиларга яхшилик қилиш каби эзгу фазилатларни қадрлайди. Рамазон ойи бу хайрли амалларни янада жонлантирди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан эҳтиёжманд, камбағал оилаларга рамазон тухфалари тарқатилиши кўп оилаларга қувонч олиб кирди. Хонадон эгаларининг кичик эътибордан қалби тоғдек кўтарилди.



Адҳам ЗИБИДДИНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси
бошлиғи.

Мухаммаджон Аскарлов кўп йиллар аввал содир бўлган автохалокат туфайли бир оёғидан айрилган. Ҳозир у қизи ва икки нафар набираси билан маҳалладаги кўп қаватли уйлardan бирида яшайди. 76 ёшли нуроний давлат ва маҳалла эътиборидан мамнун. Рамазон хайити ва Наврўз байрами муносабати билан масъуллар ушбу хонадонга бориб, тухфаларни бериб келдик. Ҳа, бу каби хайрли ишлар қўш байрам арафасида анъана тусини олди.

Биламизки, байрамлар арафасида ён-атрофни тозалаш, ободлик ва тозалikka эътибор қаратиш минг йиллик кадрият. Шу боис Наврўз байрами, Ҳайит айёми муносабати билан ўтказилган “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остидаги ҳашарда барча фаол иштирок этди. Маҳаллалар ободонлаштирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катлами қўллаб-қувватланди. Тадбирда 4 743 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилиб, 8 847 километрга яқин узунлик-



даги ариқ ва зовурлар тозаланди, 947 та қабристон, 78 та зиёратгоҳ ва қадамжол, 10 минг 508 та кўча ва йўлаклар, шунингдек, 1 246 та болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди. Иккита маҳаллага янги бино, 30 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 3 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Аксарият йиғинлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида мевасаб-завот етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асалариччилик, қуёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштирилди. 590 та маҳаллада етиштирилаётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда сотилмоқда, балки хорижда экспорт қилинмоқда.

Жорий йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланишида ҳам рамзий маъно бор. Мақсад — одамларни рози қилиш, улар эртага эмас, бугун бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун зарур шароит яратиб бериш. Вилоятимизда йил номига ҳамоҳанг тарзда инфратузилмани яхшилаш, камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш, жиноятчилик ҳамда оилавий ажралишларни камайтириш янада долзарб бўлди.

Шу талабдан келиб чиқиб, бир эзгу ташаббус бошланди. “Еттилик” кўмагида ҳар кун камидан бир нафар фуқарони иш билан таъминлашга эришишимиз. Вилоятдаги яна бир янгилик — 80 дан ортиқ маҳалладаги 100 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик сув кириб борди. Бундан ташқари, 99 та “огир” тоифадаги маҳалладаги 28 520 хонадонга томорқаларни сугориш имконияти яратилди. Ишсизлик даражаси 6,1 фоиздан 5 фоизга тушди. Қарийб 230 минг эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 326 та маҳалла камбағалликдан холи худудга айланди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида қўллаб-қувватланганнинг қиёфаси буткул ўзгарди. Ёзёвон, Қува, Қўштепа, Риштон ва Фурқат туманларидаги 5 та маҳаллада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисол.

ИБРАТ

Қўшни йиғиндан сув ташиб, ичган кунлар ортда қолди

Маррани забт этиш ҳаракат, ташаббускорликка боғлиқ. Вилоятнинг энг олис худудида жойлашган маҳалламиз аҳолиси мана шу мезонга амал қилиб, кам бўлмаёпти. Ҳар бир иш катталар маслаҳати, ёшлар ташаббуси билан амалга оширилади.



Абдусалом ЙЎЛДОШЕВ,
Риштон туманидаги “Боғистон” маҳалласи раиси.


Бир вақтлар “огир” тоифадаги худуд бўлганмиз. Асфальтсиз йўллар, тез-тез узиладиган электр таъминоти, ичимлик сув муаммоси одамларни жуда қийнади. Сўнгги 3 йил ичида йиғин мутлақо ўзгарди. Энди бир неча километр йўл босиб, қўшни маҳалладан сув ташиб, ичган кунлар ортда қолди. 7,5 км. ички йўл асфальтланди. 1,5 км. узунликдаги электр тармоғи янгиланди. Қарийб 100 дона симёғоч замонавийсига алмаштирилди. Умумий ҳисобда 6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Унинг 1 миллиард сўми хомийлик ҳисобига топишган бўлса, қолгани “Ташаббусли бюджет”дан келди. Бунинг эвазига оилавий поликлиника, умумтаълим мактаби таъмирланди. Спорт мажмуаси барпо этилди.

Аҳолининг асосий даромади — томорқадан. Иссиқхоначилик ҳам ривожланган. Аммо сугоришдаги қийинчиликлар ишимизга тўсиқ бўларди. Бугун шу муаммо ҳам ечимини топди. Субсидия қўлдан 2 та сугориш кудуги қазилиб, оқова сув таъминоти яхшиланди. Ҳозир жами 8 та кудук ишляпти. “Драйвер” — боғдорчилик бўлгани учун ҳар йили 60 тонна гипс, 30 тонна лимон, 25 тонна ўрик етиштириб берамиз. Шунинг ортидан аҳоли йилига 2 миллиард сўм даромад қилади.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Кичик ташаббус қандай қилиб катта натижага айланди?

Бугунги ислохотлар одамлар онги ва дунёқарашини ҳам ўзгартирди. Мисол учун, аёллар энди жамиятнинг барча бўғинида фаол иштирокчи. Айниқса, тadbиркор хотин-қизлар, фақат ишбилармон эмас, янги иш ўринлари яратаётган, маҳаллага барқарор даромад олиб кираётган, фарзандлари келажакка ишонч билан қараётган фидойига айланди.



арғона туманидаги “Қурилиш” маҳалласида истиқомат қилувчи Гулноза Абдурахимова ана шундай ташаббускорлардан. У оила аъзолари билан биргаликда, хонадонда тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, кам бўлмади.

Ҳоким ёрдамчиси кўмагида имтиёзли кредит олиб, дастлабки ишни бошлади. Изланган инсон, албатта, имконият топади. Оила тadbиркорлик қилиш учун катта бино ёки шинам шароит кўтмади. Яшаш хонадонининг бир қисмида фаолият юрди. Ҳозир шу кичик ташаббус кенгайиб, 6 нафар маҳалла аҳолисининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда хонадонда турли шакл ва ҳажмдаги кузгулар тайёрланиб, маҳсулотлар республиканинг турли худудларига етказиб берилмоқда. Келгусида маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича ҳаракат давом этмоқда. “Еттилик” тавсияси билан берилган молиявий кўмак орқали янги дастгоҳлар келтирилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошди. Мухими, оилада ҳаловат бор. Ҳар бир иш маслаҳат билан, ҳамжиҳатликда амалга оширилади.

Олис қишлоқда барпо этилган бу меҳнат маскани — оддий бир хонадоннинг эмас, балки меҳнатга ишонган инсон иродасининг тимсолидир. Чунки ҳақиқий бахт тайёр ҳолда берилмайди — у меҳнат, сабр ва ҳамжиҳатлик билан курилади.



Биламизки, мевалар қанча эрта бозорга олиб чиқилса, шунча даромад ортади. Шунинг учун гилосни иссиқхонада етиштириш ташаббусини амалга оширяпмиз. Худудда алоҳида савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаси ишга тушгач, биринчидан, етиштирилган маҳсулотни сотиш осонлашди, иккинчидан янги иш ўринлари яратилди.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 011,0 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **15 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **723 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

15

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Кенту гузарларимиз “Янги Ўзбекистон” қиёфасини касб этяпти

Юртимизга баҳор нафаси кириб келиши билан байрамлар бир-бирига уланиб кетди. Бу маҳаллаларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Онаҳонларимиз сумалак тайёрлаш тадоригида. Болакайлар берилиб варрак учирапти. Қайси кўчага қараманг, бунёдкорлик ва янгиликларга гувоҳ бўласиз. Айниқса, нуроний отахонларимизнинг умид билан ерга ниҳол қадаётгани ободонлаштириш ишларига яққол мисол бўлади. Мазкур жараён вилоятимизда ҳам жадал суръатларда давом этмоқда.



Сайдулла АБДУРАИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.



Қизириқ туманида дастур доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш режалаштирилган. Аҳоли уй-жойлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини “яшил тамойиллар” асосида қуриш, ва таъмирлаш, ичимлик сув ҳамда иссиқлик таъминотида ресурс тежовчи инфратузилмани жадал ривожлантириш, ички йўллар, пиедалар ва велоуйлақлар барпо этиш, худудни ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали худудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ худудлар рўйхати тасдиқланган.

Мазкур қарорга асосан, Сурхондарё вилоятида Музработ, Қизириқ ва Денов туманлари “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман”га айлантириш учун танлаб олинди, бу борада манзилли ишлар бошланган. Жумладан, Музробод тумани марказига олиб борувчи йўл бўйлаб чуқурликларни тупроқ билан тўлдириш, дарахт кўчатлари экиш, яшил худудлар ташкил этиш ҳамда ёмғирлаштирилган сувни сифоли технологияларни жорий этиш ишлари давом этяпти.

Шу билан бирга, туман бўйича 350 та ижтимоий химояга муҳтож оилага асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари — гўшт, усимлик ёғи, ун, макарон ва гуруч каби маҳсулотларни етказиб бериш ишлари давом этмоқда.

Туманнинг “Оқжар” маҳалласида 5 гектар майдонда 3 мингга яқин иш ўрни яратиш имкониятига эга “Mall” савдо комплекси қурилиши бошланган. Мазкур лойиҳа шу вақтгача қаровсиз қолган ва фойдаланилмаган худудини замонавий дренаж усуллари асосида қайта ташкил этиш орқали шакллантирилган майдонда амалга оширилмоқда.

“Такия” маҳалласини “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”га айлантириш мақсадида Такия ота зиёратгоҳи атрофини ободонлаштириш, худудда тadbиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда мазкур масканни аҳоли ва зиёратчилар учун гавжум худудга айлантириш ишлари жадал олиб бориляпти.



Бунёдкорлик — ҳақиқий инсоний фазилятлардан бири. Кўчамиз, маҳалламиз ва юртимизни кўркем масканга айлантириш эса бунинг амалдаги намунаси дир. Бугун худудларда олиб борилаётган ҳар бир ободонлаштириш тadbiri келажак авлоднинг ёрқин истиқболи учун хизмат қилишига ишонамиз.

ИСЛОҲОТ

АВВАЛИГА ИККИ ҚАЙТА ЭККАНЛАР ҲОЗИР УЧИНЧИСИНИ СЎРАБ ТУРИБДИ

Иссиқхона — яхшигина даромад манбаи. Буни амалда кўриб, гувоҳи бўляпмиз. Маҳалламиздаги 615 та хонадоннинг 600 таси айнан шу йўналишда фаолият юритади, рўзгорига барака киритяпти.



Дилбар МУҲАММАДОВА, Термиз туманидаги “Намуна” маҳалласи раиси.

Худудимизда мазкур йўналиш 2022 йилдан буён ривожланиб келяпти. Уч-тўрт йил ичида бу борада сезиларли ўзгаришларга эришдик. Миришкорларнинг малака ва тажрибаси анча ортди. Маҳсулдорлик кўрсаткичлари ошди. Аввалига бир-икки қайта экин экаётганлар эндиликда ердан уч марта унумли фойдаланяпти.

Шу кунларда помидорлар пишиб етилиш арафасида. Яна 15-20 кун ичида ҳамма йиғим-терим ишларига киришади. Июнь ойига қадар савдолар авжига чиқади. Шундан кейин иссиқхонага икки қайта бодрингни “Орзу” ва “Пиколона” навлари экилади. Октябр охирига қадар, рукола уруғлари сепилади. Шу зайдда ҳар қарич ердан унумли фойдаланяпти.

Хайрулло Абдиев ўттиз йилдан буён иссиқхонада деҳқончилик қилади. Ўн беш сотихли томорқасида оила аъзолари билан биргаликда меҳнат қилиб, шу орқали ҳаёт завқини ҳис қилиб яшайпти. Хонадон вакилларининг йиллик фойдаси 60-70 миллион сўмни ташкил этади. Ўтган йили Хайрулло акага вилоят ҳокимлигининг “Энг намунали томорқачи” кўкрак нишони топширилди.

Шокарим Шоҳезов ҳам иссиқхона бўйича катта тажрибага эга. У кимга қандай ёрдам бўлса, қўлидан келганча кўмаклашади. Бундан ташқари, фуқаро 60 қўти асалари парваришлаб, аҳоли истеъмоли учун фойдали маҳсулот етказиб беришти. Хонадонда чорвачилик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бир неча қорамол боқилапти. Шу каби кенг қамровли фаолият турларининг ортиб бораётганидан фақат хурсанд бўламиз.


Жорий йилда олдимизга катта режаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Биринчи навбатда, хонадонларда музлатгичлар қурдирмоқчимиз. Бунинг учун 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача маблағ талаб этилади. Масалани имтиёзли кредитлар орқали ҳал қилишни уйлапмиз. Агар шу ташаббусни амалга оширадиган бўлсак, аҳоли даромадларини янада кўпайтиришга, маҳсулотларни сифатли тарзда савдога чиқаришга эришган бўламиз.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МЕЗОН

ҚАРОВИ КАМ, ДАРОМАДИ МЎЛ МАҲСУЛОТ

Охириги уч йил ичида маҳалламизда катта ўзгаришлар рўй берди. Биринчи навбатда, аҳолини томорқадан унумли фойдаланишга ўргатдик. Айни вақтда худудимизда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида уч турдаги маҳсулот етиштириш йўлга қўйилган.



Сухроб САЪДИЕВ, Денов туманидаги “Чўнтош” маҳалла раиси.

Қисқа вақт ичида хонадон вакиллари томорқаларда гулқарам, брокколи ва малинадан мўл ҳосил олиш тажрибасига эга бўлишди.

Бундан ташқари, 100 нафар ишсиз фуқарога 1 гектардан ҳамда 60 нафар ёшга 20 сотихдан узоқ йиллик ижарага берилган ерларда ҳам шу экинлар улуши катта. Миришкорларимиз йиғиб олаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорга, шу билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Шу орқали ўтган йили 3 миллион 760 минг доллар, 2026 йилнинг шу даврига қадар 360 минг доллар фойда кўришга эришдик. Бу жараёнда тadbиркорларимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Чўнтош Агро экспорт” корхонаси — асосий кўмақчимиз. Улар деҳқонларга экин уруғи ва кўчатларини етказиб беради. Ўғитлар билан ўз вақтида таъминлайди. Қолаверса, агрономларни жалб қилиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб туради.

Бу ёндашув аҳолининг ердан мақсадли фойдаланиши, қутлганидан кўра кўпроқ даромад олишига замин яратяпти. Биргина малиначиликни оладиган бўлсак, ерга қадалган ниҳол узоқ йиллар давомида ҳосил беради. Қолаверса, касалликка жуда чидамли. Ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Бизда етиштирилаётган маҳаллий навдан йилига икки марта ҳосил йиғиб олинади. 1 сотих малинадан 5-10 миллион сўмгача даромад топиш имкони мавжуд.

Абдурахим Очилов — маҳалламизда малина етиштиришга асос солган миришкорлардан. У ўн беш йилдан буён мазкур йўналишни ривожлантириб келяпти. Ҳозир нафақа ёшида бўлишига қарамай, 40 сотих майдонда мароқ билан меҳнат қилапти. Шу билан бирга, энди иш бошлаётган аҳоли вакилларига имкон қадар кўмаклашапти. Бир йиллик даромади 350-400 миллион сўмни ташкил этади.

ОБОДЛИК

Бунёдкорлик пойдевори — бирдамликдир

Шўрчи туманининг “Какан” маҳалласида ҳашар йўли билан таъмирланган йиғин идораси фойдаланишга топширилди.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Ҳашар давомида маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва фидоий фуқаролар бир ёқадан бош чиқариб, таъмирлаш ишларида фаол иштирок этди. Қисқа муддат ичида бино тартибга келтирилиб, хоналар обод қилинди, иш фаолияти учун зарур жиҳозлар жойлаштирилди.

— Янги таъмирланган идора маҳалламиздаги “еттилик” фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади, — дейди маҳалла раиси Нурмухаммад Назаров. — Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини тинглаш, ёшлар ва хотин-қизлар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда турли тadbirlарни ташкил этиш учун қўлай имкониятлар яратилди. Муҳими, бу ишлар маҳалла аҳлининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги натижасида амалга оширилди.





САМАРҚАНД ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига 4 миллион 379,8 минг киши доимий истиқомат қилади. Худудда 16 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 1 063 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



16

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

**2026 ЙИЛ
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Қадим анъана ва қадриятлар қадрланди, инсон шаъни улуғланди



Исроил ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

Бу йилги Наврўз байрами юртимизнинг барча худудлари сингари Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларда ҳам “Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашди!” деган эзгу ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланяпти. Унда халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналари, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғулари тараннум этилган куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар халқимиз кўнглига самимият, хушнудлик улашмоқда. Ёшларни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришга хизмат қилаяпти.

Наврўз – эзгу анъаналар, қадриятлар байрами, янгилиниш, яшариш фаслининг дебосчаси. Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб келаётган бу ажойиб, хосиятли байрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.



Эътиборлиси, бу йилги Наврўз — муборақ Рамазон ҳайити байрами билан ҳамоҳанг тарзда нишонланяпти. Ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватланяпти. “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, хаста кишилар истиқомат қилаётган хонадонларга борилиб, уларга совға-саломлар улашмоқда.

Президентимизнинг тегишли қарори асосида Рамазон ойида эътибордан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида вилоят миқёсида 83 минг 285 та оилага жами 55,7 миллиард сўмлик пул маблағлари етказилди. Яна “маҳалла еттичилиги” томонидан қўшимча шакллантирилган 4 927 та оилага 500 минг сўмдан моддий ёрдам ажратилди. 12 минг 271 та оилага 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти берилиб, 5 768 та камбағал хонадонда ифторлик ташкил этилди. “Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан 622 та камбағал оиланинг уй-жойи таъмирланди.

Сўнгги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини бошқаруви такомиллаштирилиб, иқтисодий, ижтимоий масалалар, хотин-қизлар, ёшлар ва нурунийлар ҳаёти, оилаларни муштахкамлаш, худуд инфратузилмаси билан боғлиқ вазифалар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Шу йилнинг ўзида 187 километр пиёдалар йўлаги, 389 та маҳаллада болалар майдончаси барпо этилди. 1 майга қадар 55 та маҳалла биноси янгидан қурилиб,

“Халқимизда яхши бир анъана шаклланди. Ҳар йили Наврўз айёмини муносиб нишонлаш учун эрта баҳорда умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Бу йил ҳам ушбу қадрият “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида ўтказилиб, маҳалла ва қишлоқларда аҳоли турар жойлари, боғ ва хиёбонлар, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

240 таси таъмирланади. Шунингдек, 28 та маҳаллага Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб келади. “Оғир” тоифага киритилган 103 та маҳалла ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишдан холи худудга айлантирилади.

Байрам байрамларга улашмоқда. Бу йил ҳам 22 март – Маҳалла тизими ходимлари кўни алоҳида байрам сифатида нишонланяпти. Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари маҳалла тизими ходимларига табрик йўллаб, бир гуруҳ ҳамкасбларимизни давлат мукофоти билан тақдирлади. Бу юртимиз тараққиёти, жамият фаровонлигига ҳисса қўшаётган ҳар бир фуқароннинг меҳнати рағбатсиз қолмаслигидан далolatдир.

ЗИЁРАТ МАСКАНИ

Президентимиз ташаббуси билан муҳаддислар султони – Имом Бухорий бобомизнинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилган мажмуанинг очилиши халқимизга муносиб Рамазон тухфаси бўлди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзлари келиши нафақат маҳалладошлар, самарқандликларни, балки барча мўмин-мусулмонларни беҳад қувонтирди. Ҳайит намозини 10 минг кишилик янги қурилган муҳташам масжидда адо этдик.

БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА БУЊЁДҚОРЛИК ТИМСОЛИ

Жамол НАРЗИЕВ,
Пайариқ туманидаги Ҳўжа Исмоил номидаги маҳалла раиси.



Мажмуа атрофида уч ва тўрт юлдузли замонавий меҳмонхоналар, миллий ва дунё халқлари таомларини тайёрловчи ресторан ва ошхоналар, транспорт воситасини сақлашга мўлжалланган 4 та автотурагоҳ, 40 га яқин электромобилларни қувватлаш нуқталари, 100 га яқин савдо ва сервис шохобчалари ташкил этилди.

Бугун нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари бу зот мангу ором топган масканни зиёрат қилишни орзу қилади, буни юксак шараф деб билади. Шу боис бу ерда давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборлари билан дастлаб Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Сўнгра мажмуа худуди кенгайтирилган ҳолда зиёратчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратилиши ҳисобга



олиниб, улкан мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси, инновацион музей, кириш ва чиқиш айвонлари қурилди. Зиёратгоҳнинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаб турибди.

Мажмуа аввал бир қунда кўпи билан 12 минг зиёратчини қабул қилиш имкониятига эга булган бўлса, эндиликда кўнига 65 минг нафаргача меҳмонга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсата олади. Бу, айниқса, ҳайит байрамларида юртдошларимиз ва хориздан келадиган зиёратчилар учун жуда катта имконият яратди.

Маҳалламиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Худуддаги беш қишлоқда коммуникация тизими тўлиқ янгиланди. Янги йўл ва кўприклар қурилди. Барча хонадонлар марказлашган ичимлик суви ва оқова тизимига уланди, табиий газ, интернет тармоғи кириб бормаган хонадон қолмади ҳисоб. Умуман, ҳаммаси замон талабларига мос, шаҳардагидек шароит яратилди.

Шу вақтга қадар маҳалламизда 150 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатиб тургани, эндиликда уларнинг сафи яна кенгаймоқда. Биргина меҳмонхона хўжалигини оладиган бўлса, ҳозир 22 нафар маҳалладошимиз ўз хонадонда меҳмон уйи ташкил этган. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш орқали зиёратчиларга хизмат кўрсатиш ва шу фаолият ортидан даромад қилишни режалаштирган кишилар ҳам анчагина. Мажмуага хизмат кўрсатувчи дирекциянинг ўзида 100 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Меҳмонхоналар ишга тушиши билан яна 400 кишининг бандлиги таъминланади. Албатта, бу иш уринларига биринчи навбатда маҳалладошларимиз қабул қилиниши кўзда тутилган. Ана шу омилар ҳисобида бу йил маҳалламиз ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айланади.

“Бу тоифадаги инсонларнинг муаммолари кейс-менежмент асосида ўрганилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилаётгани натижасида қўллаб-қўллаб эътибор ва ногиронлиги бор маҳалладошларимизнинг турмуши ўнлашмоқда. Улар нафақат оилалари, балки маҳалладошларига ҳам бир олам қувонч улашяпти. Қувонарлиси, бундай оилалар юртимизда ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликлардан четда эмаслигини ҳис этиб яшамоқда.



Сақифани
“Mahalla” мухбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

Илгари уйда рўзғор ишларидан ортгач, бўш қолардим. Ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаолининг тавсияси ва қўллаб-қувватлаши билан ўзим қизиққан – гулчилик соҳаси билан шуғулланишни бошладим. Дастлаб 20 сотих ер майдонда замонавий иссиқхона ташкил этдик.

“ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛДИМ”

Салима БАҲРОНОВА,
Тойлоқ тумани
“Бунёдкор” маҳалласи.

Кичик ҳажмда бошланган иш бугун тобора кенгайиб, сердаромад фаолиятга айланди. Бугунги кунда 10 дан ортиқ турдаги хона гулларини етиштириб, уларни бозорга сотаялман. Айни пайтда иссиқхонада 60 минг донга геран хона ўсимлиги парвариш қилиниб, бозорга чиқаришга тайёр ҳолатга келтирилди. Бу гул ўзининг чиройли кўриниши, ранг-баранглиги ва хона шароитига мослиги билан харидорлар орасида талабгир ҳисобланади.

“Иссиқхонада фақат ўзим эмас, балки яқинларим – укам, отам ҳамда келиним ҳам ёрдам бериб, биргаликда меҳнат қилляпти. Бу эса нафақат оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, балки оила даромадини оширишга ҳам хизмат қилляпти.

Эндиликда иссиқхона фаолиятини янада кенгайтириб, гул турларини кўпайтириш, янги навларни етиштиришни режалаштирялман. Шунингдек, маҳаллада гулчиликни ривожлантириш орқали яна бир қанча фуқароларни иш билан таъминлаш ниятидаман.

Саховат ва хайр-эҳсон қалбларни қувонтиради

Нуронийлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга амалий кўмак бериш халқимизнинг эзгу қадриятларидан бири. Айниқса, бу амаллар Рамазон – саховат ойида янада яққол намоён бўлди. Чунки бу ойда қилинган хайру эҳсонларга Аллоҳ таоло улкан ажр-савобларни беради.



Лайло ОРИПОВА,
Қўшработ туманидаги
“Булоқбоши” маҳалласи ижтимоий ходими.

Жорий йилда ҳам Президентимизнинг тегишли қарори билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, “маҳалла еттичилиги” шакллантирилган қўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилаларга 500 минг сўмдан ёрдам ажратилди. Шунингдек, маҳаллардаги ҳомий ва саховатпеша инсонлар ҳам ўз эҳсонларини етказди.

Бу саховат ва хайр-эҳсонлардан юртимиздаги минглаб кўнгли ўксик оилаларга қувонч кирди. Биргина “Булоқбоши” маҳалласида 79 нафар оила ана шундай меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлди. Айниқса, II гуруҳ ногирони, боқувчиси йўқ Раъно Минарова учун айни муддао бўлди. Чунки у киши бош мия касаллиги сабаб, маълум муддатда даволаниб турарди. Буни қарангки, айнан шу кунлари навбатдаги даволаниш вақти бўлган экан. Унинг қувончини, севинч кўз ёшларини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Уч фарзанднинг онаси, оиланинг ягона боқувчиси Клара Сафарова ҳам Президентимизнинг эътиборидан миннатдор. Бу киши турмуш ўртоғи вафот этгач, моддий жиҳатдан анча қийналди. Шу боис Ижтимоий реестрга киритиб, пазандачилик, тикувчилик қобилиятини инобатга олган ҳолда унга махсус печь ва тикув машинаси олиб бердик. Ҳозир уйда турли хил ширинликлар тайёрлаб, доимий даромадга эга бўлди. Қўшимчасига тикувчилик ҳам қилляпти.





ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 717,0 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **16 та** шаҳар-туман мавжуд бўлиб, **776 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

17

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ЯРИМ ГЕКТАРЛИК КИЧИК ТАЖРИБА ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЧДИ

Аҳоли орасида лимончилик тобора кенг тарқалмоқда. Катта фермерлар ўз кўчатлари билан одамларни таъминлайди, шу орқали маҳаллада барқарор боғдорчилик йўлга қўйилган. Жумладан, худудда ташкил этилган “Баҳромбек Ихтиёр ўғли” фермер хўжалиги ўз фаолияти билан алоҳида ажралиб туради.



Алишер ЭШОНҚУЛОВ,
Китоб туманидаги
“Яккатут” маҳалласи
раиси.

Энг қувонарлиси, хўжалик GLOBALG.A.P. сертификатига эга бўлди. Бу сертификат маҳсулотнинг экологик тоза, органик ва экспортбўл эканини тасдиқлайди. Эндиликда Қашқадарёда етиштирилган лимонлар Европа бозорларига ҳам бемалол йўл олади.

Бир пайтлар ярим гектар билан бошланган кичик тажриба — бугун бутун вилоят учун намунали лойиҳа сифатида намоён бўлмоқда. Бу факат бир фермернинг муваффақияти эмас, балки юртимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва энг муҳими, деҳқон меҳнатига бўлган эътиборнинг амалий натижасидир.

Фермер хўжалиги 10 миллиард сўмлик имтиёзли кредит эвазига 8 гектар майдонда ташкил этилди. Ҳозирги кунда 5 гектар майдонда лимон, мандарин, апельсин ва ҳатто банан каби цитрус мевалар етиштирилмоқда. Қатор орасидаги ерлардан унумли фойдаланиб, полиз экинларидан қўшимча ҳосил олинган. Шу йўл билан ҳар бир қарчи ер самарали ишлатилади, қўшимча даромад келтирилади.

Иссиқхонада замонавий технологиялар жорий этилган: пурковчи ва томчилатиб сугориш ускуналари ҳосилдорликни ошириш билан бирга, сув ва ўғит ресурсларини тежашга ёрдам беради. Иссиқхоналар ер сатҳидан 1-1,5 метр пастрок жойлаштирилган, ўз иссиқлигидан фойдаланиш орқали энергия тежаш таъминланган. Бу усул нафақат иқтисодий фойда беради, балки экологик тоза ишлаб чиқариш тамойилларига ҳам мос келади.

Бугунги кунда “Баҳромбек Ихтиёр ўғли” хўжалиги ҳар гектардан ўртача 50 тонна лимон ҳосил олишга эришган. Шу орада лимонлар 3 йилда ҳосил бера бошлаганига қадар буш қолган ер майдонларига помидор ва бодиринг экиб, қўшимча даромад олинади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Бугун аёллар нафақат уй бекаси, балки ўз даромадига эга, хунарли ва жамиятда ўз ўрнини топаётган инсонларга айланыпти. Уларнинг кўпчилиги қадимий ва нафис санъатимиз — Шаҳрисабз ироқи каштачилиги билан шуғулланмоқда.

Барно ТОШТУРДИЕВА,
Қамаши туманидаги “Навоий”
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бугун ҳар бир аёлнинг ўрнини топаётган инсонларга айланыпти. Уларнинг кўпчилиги қадимий ва нафис санъатимиз — Шаҳрисабз ироқи каштачилиги билан шуғулланмоқда.

Юртимизда муборак ва қутлуғ айёмлар бир-бирига уланиб, халқимиз ҳаётига ўзгача файз ва барака олиб кирапти.



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Қашқадарё
вилояти бошқармаси
бошлиғи.

Ишон қадри улуғланган, эзгулик ва бағрикенглик устувор бўлган шу даврда муборак Рамазон ойи ҳар биримизни сабр, шукроналик ва саховатга чорлади. Наврўз байрами эса юртимизда янгилашни, бунёдкорлик ва эзгу ниятларнинг тинимсиз сифатида барчамизни руҳлантирмоқда. Шунингдек, **Маҳалла тизими ходимлари кун**и муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда маҳалланинг жамиятимиздаги ўрни ва



аҳамияти янада кенгроқ маъно эҳтипти.

Худудларда амалга оширилаётган ишларни кузатар эканман, бу жараёнлар изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган ва энг муҳими, аҳоли манфаатларига хизмат қилаётганига амин бўлман. Хусусан, Қасби туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар эътиборга моликдир.



Туманининг “Денов” маҳалласида 20 гектар ер майдонини интенсификация қилишга қаратилган лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида Испания нави бўлган 10 минг туп олхўри кўчатлари экилгани нафақат замонавий агро-

технологиялар жорий этилаётганидан, балки экспортбўл маҳсулот етиштиришга ҳам катта эътибор қаратилаётганидан далolat беради. Энг муҳими, мазкур боғ барпо этилиши натижасида 40 нафар эҳтиёжманд ва ишсиз фуқаронинг доимий иш билан таъминланиши аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Бу каби амалий ишлар Деҳқонobod туманида ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, олис тоғли худудлар ўрганилиб, тупроқ-иқлим шароитига мос мевали кўчат навлари танлаб олинди. Натижада “Бошқорбоғ”, “Чашмаи-рон”, “Чилгаз” ва “Сарчашма” маҳаллаларига жами 1 650 туп сертификатланган олма кўчатлари етказиб берилди.

Худудларда олиб борилаётган ишлар фақат қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолмайпти. Қамаши туманида “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида муҳим қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан,

“Бунёдкор” маҳалласидаги 94-сонли мактаб худудда 150 уринли қўшимча бино, 50 уринли замонавий ошхона ҳамда спорт зали қурилиши бошланган. Бу эса келажак авлод учун муносиб таълим шароитларини яратишга қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳашар жараёнларида ариқлар тозаланиб, кўчалар тартибга келтирилди. Энг қувонарлиси, бундай тадбирлар нафақат меҳнат жараёни, балки чинакам байрамона кайфиятда ўтди.

Маҳаллаларда сумалак сайллари ташкил этилиб, бир қозон атрофида жам бўлган инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, бирдамлик ва ҳамжихатлик туйғулари янада мустаҳкамланди.

“Бунёдкор” маҳалласидаги 94-сонли мактаб худудда 150 уринли қўшимча бино, 50 уринли замонавий ошхона ҳамда спорт зали қурилиши бошланган. Бу эса келажак авлод учун муносиб таълим шароитларини яратишга қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳашар жараёнларида ариқлар тозаланиб, кўчалар тартибга келтирилди. Энг қувонарлиси, бундай тадбирлар нафақат меҳнат жараёни, балки чинакам байрамона кайфиятда ўтди.

Маҳаллаларда сумалак сайллари ташкил этилиб, бир қозон атрофида жам бўлган инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, бирдамлик ва ҳамжихатлик туйғулари янада мустаҳкамланди.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шиори остида ўтказилган умумхалқ хашари худудлар ободлигида муҳим ўрин тутди. Ушбу эзгу ташаббусларда маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар ва турли ташкилот вакиллари бирлашиб, ўз худудларини янада чиройли ва обод қилиш йўлида фидойилик кўрсатишди.

Обод ва фаровон маҳалла — тараққий этган юртининг мустаҳкам пойдеворидир. Шу боис биз бундан буён ҳам ушбу эзгу ишларни изчил давом эттириб, ҳар бир худудни янада обод, гўзал масканга айлантириш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙТИМИ?

Ҳақиқий ҳаловат хорижда эмас, хонадонда бўларкан...

Фузур туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи Дилдора Холмуродова ўз оиласи билан янги ҳаёт бошлашга қарор қилди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Турмуш ўртоғи билан бир неча йил хорижда ишлаб келган бўлса-да, улар ҳақиқий барака ва хотиржамликни ўз юртида топишни истади. Шу ният билан Дилдора ола ва унинг турмуш ўртоғи “маҳалла етилиги”га мурожаат қилиб, уйда кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирди.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва банк ходимларининг кўмаги билан уларга йўл-йўриқ кўрсатилди. Натижада оилага 20 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу маблағ ҳисобига улар хонадонда беданчилик ва чорвачиликни бошлади. Бугун бу кичик ташаббус бутун оила учун даромад манбаига айланган. Оиладаги 4 нафар аъзо доимий иш билан банд бўлиб, ўз меҳнати билан ҳалол ризқ топмоқда.



— Турмуш ўртоғим билан мусофирчиликда ишлардик. Лекин ҳақиқий бахт оила бағрида, ўз юртингда меҳнат қилиб топилган ризқда эканини энди янада чуқур ҳис қиляпмиз. Бугун ҳаётимиз ўнганлиб, ҳаловатни ҳам, барақани ҳам ўз маҳалламиздан топяпмиз, — дейди **Дилдора Холмуродова.**

Бу каби ташаббуслар нафақат бир оиланинг ҳаётини ўзгартиради, балки бутун маҳаллага ўрнак бўлади. Айниқса, хориждан қайтган фуқаролар учун ўз юртида иш бошлаш, даромад топиш имконияти яратилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, одамлар ўз уйда, ўз маҳалласида меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт сари дадил қадам қўймоқда.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Ҳар бир либосда миллийлик акс этади

Бугун аёллар нафақат уй бекаси, балки ўз даромадига эга, хунарли ва жамиятда ўз ўрнини топаётган инсонларга айланыпти. Уларнинг кўпчилиги қадимий ва нафис санъатимиз — Шаҳрисабз ироқи каштачилиги билан шуғулланмоқда.

Барно ТОШТУРДИЕВА,
Қамаши туманидаги “Навоий”
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бугун ҳар бир аёлнинг ўрнини топаётган инсонларга айланыпти. Уларнинг кўпчилиги қадимий ва нафис санъатимиз — Шаҳрисабз ироқи каштачилиги билан шуғулланмоқда.



Маҳалламизда бу иш аллақачон яхши анъанага айланган. **Дилфуза Холмирова, Хадича Очилова** каби аёлларимиз бугун ҳақиқий устоз даражасига етиб улгурган. Улар бошқаларга ўрнак бўляпти. Қайноналар келинларини қўлидан етаклаб, хунар ўрганишга олиб келаётгани эса алоҳида қувонарли ҳолат.

бу ишни улар уйда, бўш вақтида ҳам бемалол давом эттира олади. Ироқи каштанинги ўзига хос жошибаси бор. У тоза ипақдан тикилади, ранглари ўчмайди, сувга солсангиз ҳам ўз ҳолатини сақлаб қолади. Тайёр маҳсулотни кўрагинингизда эса чарчок эмас, аксинча, қувонч ҳис қиласиз. Бекорга кексаларимиз бу хунарни қадрламаган экан.

Энг муҳими, бу иш орқали аёлларимиз банд бўляпти, даромад топяпти, ўзига бўлган ишончи ортапти. Маҳалла ичиде меҳр-оқибат, ҳамжихатлик кучаймоқда. Хунар бор жойда барака бор, дейди халқимиз. Биз эса бунга ҳар кун гувоҳ бўляпмиз.





АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА 2026 йил 1 январь ҳолатига 3 миллион 521,8 минг киши доимий истиқомат қилади. Худудда 16 та шаҳар-туман мавжуд бўлиб, 879 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



18

Maḥalla

№22-23-24
МАХСУС СОН

2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Юксалиш йўлида интилиш ва ташаббуслар тўхтамайди

ТАЖРИБА

Инсоннинг ҳаётда ўз йўлини топиши жуда муҳим. Бирор касб ёки ҳунар эгаллаш билан у орзу-мақсадлари сари дадил одимлайди. Шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда ишсиз аҳоли вакиллари билан манзилли тадбир олиб боряпмиз.

Ҳунардан ҳам ҳикмат, ҳам ҳаётини сабоқ олади

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Шаҳрихон туманидаги "Тараққиёт" маҳалласи раиси.

Асли маҳалламизнинг "драйвери" ҳунармандчилик бўлгани боис бу мақсадга эришиш қийин кечмаяпти. Пичоқчи ва косибларимиз кўмаги билан ёшларга иш ўргатяпмиз. Мустиқил фаолият бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит ажратиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватляпмиз. Жорий йил бошидан буён 3 нафар фуқарога 100 миллион сўмдан кредит берилди. Шулардан бири Анваржон Омонов бўлиб, у йигирма йилдан буён пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Айни вақтда 15 кишининг бандлигини таъминлаган тадбиркор эндиликда яна 35 та иш ўрни яратишни мақсад қилган.



Бундан ташқари, 15 нафар фуқарога 10 миллион сўмдан маблағ тақдим этилиб, уларнинг тикувчилик ҳамда чорвачилик йўналишларида фаолият бошлашига кўмак кўрсатилди. Ҳар бирининг орзу ва мақсадлари катта.

Маҳалламизда истиқомат қиладиган Раҳматхўжа Алихўжаев XVII аср охири XVIII аср бошларида Шаҳрихон пичоқчилиги санъатига асос солган уста Исмоилхўжа сулоласининг еттинчи авлод вакилидир. Ҳунарманд аждоқларидан ўтиб келаётган маҳоратни замонавий усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда давом эттириб келмоқда. Унинг ижод намуналари бўлиши — қилич, пичоқ, ханжар ва уларнинг дастларига безак бериш санъат даражасига кўтарилган.

Раҳматхўжа Алихўжаев бугунги ўзбек миллий пичоқсозлик санъатининг энг йирик ва нуфузли марказларидан бири, 200 йиллик тарихий анъанага эга бўлган Шаҳрихон миллий пичоқсозлик мактабининг етук вакили ва амалий сардоридир. Устанинг анъанавий тарзда бетақдор сайқал берилган "Кумуш сарбаста", "Барг сарбаста", "Сикма", "Чилмиха" дастали "Қайқи", "Қозоқча" буюмлари миллий санъат намунаси сифатида эътироф этилган. "Толбарги" ва бошқа турдаги пичоқлари Ўзбекистондан ташқари қўшни республикаларга, шунингдек, Япония, Саудия Арабистони, Туркия, Германия, Ҳиндистон, АҚШ каби хорижий давлатларга қадар етиб борган. Ҳунарманд яратган буюмлар бугунги ёш устала орасида юксак дид, бекиёс маҳорат, касбга муҳаббат ҳамда буюк қадриятлар рамзи сифатида қадрланади.

Шу каби ўз устида ишлаётган, меҳнати билан юрт доврғини бутун дунёга тараётган кишиларни доим ёшларга намуна қилиб кўрсатаман. Уларни усталарга шогирд сифатида бириктириб, ҳам ҳунар ўргатамиш, ҳам ҳаётини сабоқ олишига замин яратамиз.



Бу йилги баҳор қўшалок байрамлар билан бошланди. Рамазон ҳайити қалбларда меҳр ва оқибат ришталарини мустаҳкамласа, Наврўзи айём дилларга табииётнинг ўзгача сурурини олиб кирди. Қолаверса, Маҳалла тизими ходимлари кунини нишонлаш асосида амалга ошираётган ишларимизга яна бир қур назар ташляпмиз.

Харакат билан ҳаётда қўлаб муаммоларга ечим топиш мумкин. Энг муҳими, тўхтаб қолмаслик ва доим олға интилиш керак. Шундагина турмуш фаровонлиги ҳамда жамият раванкига эришиш мумкин. Биз ҳам айни шу мақсад йўлида тиним билмаяпмиз. Маҳаллаларда фуқароларнинг тўкин-сочин ва тинч-хотиржам яшашини учун янгидан-янги ташаббусларни амалга татбиқ этяпмиз. Булоқбоши туманидаги "Юксалиш" маҳалласида 3 гектар майдонда гидропоника усулида помидор қўчалари парвариш қилинмоқда. Иссиқхонада доимий равишда 12 нафар ходим иш билан таъминланган. Шу билан бирга, 15 нафар кам таъминланган оила вакили ва 15 нафар ёш ҳам меҳнатга жалб қилинган. Маҳсулотлар нафақат ички бозор, балки хорижга ҳам экспорт қилинапти. Ҳар ойда 30-40 тонна помидор чет элдоғи харидорларга етказиб бериляпти.

Шунингдек, бир гектар майдонда гидропоника усулида бодринг етиштириш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, иссиқхонада йил давомида маҳсулот узлуксиз етиштирилади. Ушбу лойиҳа нафақат маҳаллий аҳолига барқарор иш ўринлари яратмоқда, балки экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий қишлоқ ҳўжалиги технологияларини жорий этишда муҳим қадам ҳисобланади.

Туманининг "Ширмонбулоқ" маҳалласида туризм салоҳиятини ошириш, худуднинг табиий имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган "Buloq Hills" дастури изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур доирасида умумий қиймати 32 миллиард сўм бўлган 14 та инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган. Жумладан, замонавий талабларга жавоб берадиган уйлар, капсула типидидаги дам олиш масканлари, сунъий қўл, меҳмон уйлари, кўприк, шунингдек, турли хил дам олиш ва кўнгилочар инфратузилма объеклари барпо этилмоқда.



Маҳаммаджон НИШОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи.

Лойиҳаларни амалга ошириш орқали худудда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизматлар соҳасини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Балиқчи туманидаги аҳоли томорқаларида йўлга қўйлаётган лойиҳалар ҳам эътиборга молик. Хусусан, "Чароғон" маҳалласида яшовчи Адҳамжон Исоқов илғор ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ўз ҳовлисига қўлпўнай етиштиришни йўлга қўйди. Айни кунда унинг иссиқхонасида 1,5 минг туп "Кабрилла" навли қўлпўнай парваришланмоқда. Келгусида у мазкур йўналишда гидропоника усулини қўллаш орқали йил давомида барқарор ҳосил олиш, сувни тежаш ва ҳосилдорликни оширишни мақсад қилган.

Қуриб турганингиздек, янгилаш жараёнида худудларни бирдек қамраб олган. Қувонарлиси, фақат маҳсуллар эмас, халқ ҳам жамиятнинг юксалтириш, турмуш фаровонлигини ошириш учун елкама-елка ҳаракат қиляпти.

БИР НАЗАР

БИРДАМЛИКДА ТАЖРИБА ОРТДИ, БАРАКА КЎПАЙДИ

Бугун маҳалламизда бошланган Наврўз сайлига ҳамоҳанг қалбларимизда шодлик ҳукмрон, кайфият кўтаринки. "Янги кун"нинг бундай тароват билан бошланиши эртамазининг кўт-баракасидан далолат.



Барноҳон КОМИЛОВА,
Булоқбоши туманидаги "Тошкечиқ" маҳалласи раиси.

Шундай байрам ва тантаналарни биргаликда ўтказишни доимий анъанага айлантирганмиш. Қўни-қўшиларни бир жойга йиғилиб, дастурхон тузайди. Тансиқ таомлар тайёрлаб, муҳтож ва ногиронлиги бўлган фуқароларга улашади. Дилдан суҳбат қуриб, ўзаро фикр алмашади.

Худудимизда боғдорчилик ва чорвачилик йўналишлари яхши ривожланган. 80 фоиз хонадонларда узумнинг "Кетмон соли", "Аватар", "Кишимш", "Келинбармоқ" каби навлари етиштирилади. Уста боғбонларимиз тоқларга ўз вақтида ишлов беришни мўл-қўл ҳосил гарови, деб билишади. Улар ҳар бир тўп тағига маҳаллий ўғитлардан солиб, кўмиб чиқишади. Қишда чилла суви беришни қанда қилишмайди. Новдаларни кесиб жараёни эса алоҳида ёндашув ва маҳорат талаб қиляди. Қўзда совуқ урмаслиги учун ҳар бир тоқ пояси шох-шаббалар билан мустаҳкам тарзда ўраб чиқилади.

Йил сайин аҳолининг ердан унумли фойдаланиш тажрибаси ортиб борапти. Авваллари тоқ туллариининг тагини ўт босиб ётарди. Энди ўша жойларга ҳам ишлов берилиб, помидор ва саримсоқийё экиляпти.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ГУЛДАСТАЛАР БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

Авваллари фақатгина қизиқиш сифатида бошлаган бу иш бугун Мухаббатхон опа учун яхшигина даромад манбаига айланди. У зарур маҳсулотлар, безак буюмлари ва кераклик жиҳозлар билан таъминланган, уй шароитида ўзини ўзи банд қилди.

Бугунги кунда хунардан қўл меҳнати билан тайёрланган нафис гул композицияларини маҳалла аҳолиси турли тадбир ва маросимлар учун буюртма қилишмоқда. Ранг-баранг ва дид билан ишланган гулдасталар барчага бирдек манзур бўляпти.

Этиборлиси, аёл "Устоз-шогирд" анъанаси асосида 5 нафар хотин-қизнинг касб эгаси бўлишида муносиб ҳисса қўшяпти. Шунингдек, у "маҳалла еттилиги" тавсиясига кўра, Ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлди. Фаолиятини кенгайтириши учун 4 миллион 200 минг сўм миқдорда субсидия ажратилди. Шу тариқа битта минни лойиҳа нафақат бир инсоннинг бандлигини таъминлади, балки бошқа ёшлар учун ҳам ҳунар мактабига айланди.

Ижтимоий реестрда турувчи, ногиронлиги бўлган фуқаро Мухаббатхон Холбоева эътибор ва ғамхўрликни ўз ҳаётида ҳис этаётган инсонлардан бири. У маҳаллада ишлаб чиқилган минни лойиҳа асосида ўзининг севимли машғулотини — сунъий гул ва гулдасталар тайёрлаш фаолиятини йўлга қўйди.

Мархабо ТОШМАТОВА,
Пахтабод туманидаги "Чорсу" маҳалласи ижтимоий ходими.

Жўрабой Раимов қирқ йиллик малакага эга деҳқон. У томорқасидан 5 сотих ерга экилган узумдан мўл-қўл ҳосил олади. Қачон хонадонига борсак, нимадир иш қиляётган бўлади. Тоқ парвариши бўйича унинг олдига тушадигани йўқ.

Охириги вақтда худудимизда иссиқхона йўналиши анча оммалашяпти. Жумладан, Сарвиноз Кўзиева гулчилик билан шуғулланапти. Шу орқали қўни-қўшиларининг ҳам кунлик даромад топишига ҳисса қўшяпти.

Айни вақтда худудимизда катта бунёдкорлик тадбирлари олиб бориляпти. 540 ўринли мактаб қурилиб, унинг эски биноси хусусий мактаб очиш истагидаги тадбиркорга берилди. Бундан ташқари, 250 ўринли боғча барпо этиляпти. Шу орқали маҳалламиздаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиш.

Яқинда ташкил этилган Ҳунармандлар маркази маҳалламиздаги меҳнат усталарини бир жойга жамлади. Энди улар қўл меҳнати билан ясаган маҳсулотларини шинам ва қўлай шароитда сотиш имконига эга бўлишди.

Бу каби кенг қамровли тадбирларни ташкил этишда "еттилик" вакиллари билан бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қиляпмиз. Ҳамкорлик ва бирдамлик эса доим ўзининг ижобий натижасини кўрсатишига ишонамиз.



Сахифани
"Maḥalla" мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.



ТОШКЕНТ ШАҲРИда 2026 йил 1 январь ҳолатига **3 миллион 178,1 минг киши** доимий истиқомат қилади. Худудда **12 та** туман мавжуд бўлиб, **585 та** маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади.



**2026 йил
22 МАРТ,
ЯКШАНБА**

Mahalla №22-23-24
МАХСУС СОН

19

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

**БАТАН ВА ХАЛҚ
МАНФААТИ УСТУВОР**

Хавфсиз ва маънавий мустаҳкам жамоамиз

Баҳор фасли маҳалламизга янги ҳаёт шукуҳини бахш этмоқда. Ҳар бир хонадон эгаси ўз уйини, ҳовлисини обод қилди, кўчаларда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, дарахтлар парваришланиб, янги гуллар экилди.



Мастура САРИКОВА,
Миробод туманидаги
“Янги замон” маҳалласи раиси.

Худудимиз хавфсиз ва тинч, бу борада барча чоралар кўрилган. “Бир болага етти кўшни масъул” тамойили асосида ҳеч ким бир-бирига берафқ эмас. Нурунийларимиз кўчабошилар билан бирга бу жараёнда бизга фаол ёрдам кўрсатади. Шунингдек, Ижтимоий реестрда турган оилалар билан мунтазам шуғулланмоқдамиз. Айниқса, еш оилаларда кўп зиддиятлар, асосан, моддий етишмовчилик сабаб келиб чиқади. Нурунийлар шундай оилаларда маънан ва психологик тушунтиришлар олиб боришади. Еш аёлларга уй шароитида тикувчилик билан шуғулланиш, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш каби амалий тақлифлар беришади. Кенсаларнинг маънавий қўллаб-қувватлови ва маслаҳатлари ёрдамида қисқа вақт ичида туртта оилани камбағалликдан чиқаришга муваффақ бўлдик.



Масалан, Олима Алиева ҳозир уйда тикиш-бичиш ишларини олиб бормоқда. Турт фарзанди парвариши билан банд бўлганига қарамай, унга субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди.

Натижада у нафақат ўзини банд қилди, балки маҳалламиздаги бошқа аёлларга ҳам иш ўринлари яратиш имкониятига эга бўлди.

Ҳар куни фуқаролар турли масалалар билан мурожаат қилади. Мен эса уларни тинглаб, мурожаатларни самимийлик билан ҳал этишга ҳаракат қиламан. Шу усул билан иккита ажралиш ёқасида турган оилани сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Ажралиш олдидидаги оилаларни яраштириш, шикоятлар билан ишлаш ва оилавий низоларни бартараф этиш — маҳалла фаолиятининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, бизнинг маҳалла нафақат обод ва хавфсиз, балки бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, маънавий жиҳатдан мустаҳкам жамоа сифатида ўсиб бормоқда.

Наврўз барчамизни бирлаштириб, янги мақсадлар сари руҳлантиряпти



Юртимизда файзли ва баракали кунлар давом этаётир. Қалбларимиз шукроналикка тўлиб, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик туйғулари янада мустаҳкамланмоқда.



Орифжон АЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
юшмаси Тошкент шаҳар
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари.

Айниқса, Наврўз байрами — янгиликлар ва эзгулик рамзи сифатида барчамизни бирлаштириб, янги мақсадлар сари руҳлантиряпти. Муборак Рамазон ойи эса инсон қалбини поклаб, савобли амалларга ундаб, жамиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкам-

лади. Ана шундай маънавий юксалиш ва бирдамлик муҳитида Маҳалла тизими ходимлари куни ҳам кўтаринки руҳда нишонланаяпти.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган ҳар биримизни маҳаллалар ҳаётини янада обод қилиш, фуқароларнинг яшаш муҳитини яхшилашга чорлайди.

Пойтахтда жами 585 та маҳалла мавжуд. Ушбу ҳудудларда яшаётган аҳоли ҳаётини яхшилаш ва маҳалла ободлигини таъминлаш учун бошқарув ва мутахассис кадрлар касбий маҳоратини оширишга қаратилган семинар ва тренинглар ташкил этилди. Шу билан бирга, кадрларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрланди ва истиқболли ходимлар рўйхати шакллантирилди.

Маҳаллаларда аҳоли бандлигини ошириш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2025 йил январь ойдан 2026 йил фев-

ралигача “Омбор дафтари”га 16 минг 804 нафар ишсиз фуқаро киритилиб, улардан 9 373 нафарининг бандлиги таъминланди. Фуқароларга бўш иш ўринлари, имтиёзли кредитлар берилди, ер ажратилди ва касаначиликка жалб қилинди.

Шунингдек, маҳаллаларда оилавий низоларни бартараф этиш ва аёллар ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Никохдан ажралиш сабаблари таҳлил қилиниб, энг кўп учрайдиган омиллари сифатида фарзандсизлик, оилага тайёр бўлмаслик, учинчи шахс аралашуви ва узок вақт бирга яшамаслик экани маълум бўлди. Шу сабабли “Оила ҳаётига тайёрлаш” бўйича махсус ўқувларда 12 минг нафар никоҳланувчини ўқитдик.

Нотинч оилалар билан имом-хатиб ва отинийлар иштирокида маънавий-маърифий суҳбатлар ташкил қилиниб, ажралишларнинг олди олинди. Эр-хотин ўртасидаги низолар, мол-мулк, уй-жой масалалари маҳаллий ҳокимлик ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳал қилинди. Шунингдек, аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ҳолатларини аниқлаш, профилактика тадбирлари ўтказиш ва

**МАҲАЛЛАДА
САНОАТ ВА ХИЗМАТ**

“КҮЁШ” — НУРЛИ ВА ФАРОВОН МАСКАНГА АЙЛАНДИ

2024 йилдан буён маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бормоқдаман. Бу вақт ичида ҳар бир оила тақдирини, уларнинг турмуш фаровонлигини ҳақида қайғуриш бизнинг энг асосий вазифамиз бўлди.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Олмазор туманидаги “Кўёш” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

2025 йилда Хитойнинг Янглинг юқори технологияли қишлоқ ҳўжалиги ҳудудида ташкил этилган халқаро семинарда иштирок этдик. Семинар давомидида хорижий давлатлар вакиллари билан тажриба алмашиб, Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш борасидаги самарали тажрибаларини ўргандим. Энг муҳими, ушбу билимларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ҳолда маҳалламизда қўллаш устида иш олиб бормоқдаман.

Шу мақсадда маҳалладаги ҳар бир оиланинг камбағаллик ҳолатига тушиш сабаблари чуқур ўрганилади. “Маҳалла еттичилиги” ҳар бир оила учун алоҳида индивидуал ривожланиш режаси ишлаб чиқиб, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Шунингдек, иштиёқи бор фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши, тадбиркорликни йўлга қўйиши, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг касб-хунар ўрганишига шароит яратамиз. Ижтимоий ходим билан биргаликда соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва уй-жой масалаларини қамраб олган ҳолда, ҳар бир оила учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Энг муҳими, ишлаб чиқилган режаларнинг самарадорлигини мунтазам назорат қилиб борилади. Чунки ҳар бир оиланинг фаровонлиги — бутун маҳалланинг тараққиёти демакдир.



Маҳалламизда меҳнатсевар, ташаббускор ва бирдам инсонлар кўп. Шу боис барчамиз биргаликда ҳаракат қилсак, “Кўёш” маҳалласи нафақат номи, балки ҳаёти билан ҳам нурли ва фаровон масканга айланади.

химия ордерларини бериш ишлари амалга оширилди. Оила аъзоларининг маъна-

вий муҳитини соғломлаштиришга қаратилган “Хавфсиз оила” дастури жорий қилинди ва у самарали натижа берди.

**Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.**



ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Хунарли аёллар билан фасл янада файзли

Баҳор нафаси кириб келиши билан маҳалламиз ҳам яна бир бор жонланади. Айниқса, аёлларимизнинг фаолиги, меҳнатсеварлиги ва ташаббускорлиги бу файзли фаслга алоҳида гўзаллик бағишлайди.

Умида СОТВОЛДИЕВА,
Сергели туманидаги
“Юқори Дархон” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Бугунги кунда маҳалламизда 3 017 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Аёлларнинг асосий фаолияти тикувчилик ҳамда ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш билан боғлиқ. Ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган қўллаб-қувватлаш “Аёллар дафтари”га киритилиб, субсидия асосида қўллаб-қувватланмоқда. Натижада кўпчилик ширинликлар тайёрлаш, тикувчилик, майда мунчоқлар тикиш каби йўналишларда фаолият бошлашди.


Маҳалламизнинг яна бир катта ютуғи — худудимизда ташкил этилган Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказидир. Ушбу марказда тикувчилик, қандолатчилик, болалар массажи, косметология ҳамда фитнес каби олти йўналишда аёллар фаолият олиб бормоқда. Марказда барча зарур шарт-шароитлар яратилгани боис аёлларимиз ундан самарали фойдаланиб, ўз хунарини ривожлантириб келмоқда.



Шундай ташаббускор аёллардан бири — Малоҳат Шодиевадир. У субсидия асосида тикув машиналари жамланмасини олиб, ишни ёлғиз ўзи бошлаган эди. Бугун эса ўз меҳнати ва интилиши билан фаолиятини кенгайтириб, 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга муваффақ бўлди. Тикилаётган либосларнинг мунчоқ тикиш жараёнини эса уй бекаларига топширади. Натижада қўлида ишлаётган аёллардан ташқари уйда ўтирган қўллаб-қувватлаш ҳам даромад топиш имконига эга бўлмоқда.



Бугун маҳалламиз аёллари нафақат ўз оиласи, балки жамиятга рағбат учун ҳам сийқидилдан хизмат қилмоқда. Уларнинг меҳнати, ташаббуси ва бирдамлиги маҳалламиз тараққиётининг энг муҳим омиллари билан бири бўлиб қолмоқда.



“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”нинг 2026 йилги 1-мавсумида фуқаролар ташаббуслари 10,2 миллиондан ортиқ овоз тўплади.



Чет элликлар сотиб олган товарлар учун ҚҚСни қайтариш пунктлари Ўзбекистоннинг БАРЧА ХАЛҚАРО АЭРОПОРТЛАРИДА ОЧИЛАДИ.



Ўзбекистонда КАРТОШҚА ЭКИШ УЧУН МАЙДОНЛАР 135 минг гектаргача кенгайтирилади, импорт уруғликлар олиб келинади.

20

КАДРИЯТ

Mahalla №22-23-24 МАХСУС СОН

2026 ЙИЛ 22 МАРТ, ЯКШАНБА

Минг йиллар соғинчи ва севинчи

Наврўзи олам!

Йилбоши — Наврўз байрами қачон пайдо бўлгани ҳақида турли тахминлар юради. Айримлар беш минг йилга боради дейишса, бошқалар уч минг йилни айтади. Аммо шуниси аниқки, бу айёмнинг мазмун-моҳияти халқ оғзаки ижоди билан вобаста бўлиб кетган.



Бу ҳақдаги мифга кўра, қадимда ҳайвонлар йиғилиб машварат қилибди. Улар “Хулкар униб чиқиши ҳамоноқ қиш бошланар экан. Келинлар, уни навбат билан пойлаб ётамиз, унгани қўймаймиз”, дея кенгашиб олибди. Барча жонзотлар бирма-бир навбатчилик қилибди. Вақти билан эчкининг навбати етибди. У анча маҳал Хулкар чиқишини пойлаб ўтириб чарчабди. Сўнг “Бир ўтлаб келай, ҳали-бери кўринмаса керак”, деб кетиб қолибди. Навбатчилиги эсидан чиқибди, бир пайт қараса Хулкарнинг учи кўринаётган эмиш. Эчки югуриб келиб, туёғи билан босибди. Аммо Хулкар юлдузи унинг туёғини ёриб чиқиб кетибди. Шундан кейин эчкининг туёғи айри, шундан кейин киши яна қайта-қайта келади-ган бўлибди, дейилади...



Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори.

Наврўз байрами билан боғлиқ маросимлар жуда қадимга бориб тақалади. Унинг келиб чиқиш даврини одамзот йил фасллари алмашинувини аниқлаб етган замонлар билан белгилаш тўғрроқ бўлади, назаримда.

Биламизки, йилнинг икки мавсумий ўлчами бор — бири кўёш билан ўлчанадиган, иккинчиси ой тақвими. Бундан ташқари, бизда чорва йили ва деҳқон йили ҳисоби ҳам юритилган. Иккиси бир-бирига уйғун келади, аммо ўртасида 10 кунлик фарқ бор. Қачон ёзловга чиқиш керак, қачон тўл олинади, қачон, қандай қирқим қилиш керак — буларнинг бари чорва йили ҳисобида келтирилади.

Деҳқон йилида эса ёзги ва қишки тўқсон (кунлик) давр ва уларнинг ўртасидаги чилла алоҳида аҳамиятга эга. Эътиборлиси, қишки чилладан кейинги 20 кунликнинг ҳам ўз номлари бор: “Аямажиз”, “Ахмон”, “Дахмон”, “Эзим”, “Қурбон”, “Маст”, “Наврўз”. Халқимизда “Аямажиз тўқсондан уч кун илади”, деган гап юради. Яъни тўқсон бирдан тугаб кетмайди. Ундан кейин яна уч кун аёз давом этади. Бу мuddат бир кун икки кун ҳам бўлиши мумкин, лекин чегараси уч кундан ўтмайди.

Қадимда кўйичибой ота деган хисобдон одам янги йилнинг қайси лаҳзада келишини билар экан. Унинг бу хислатини эшитган подшоҳ “Менга шу дамни кўрсат”, дебди. Шунда у ҳўқмдорнинг ханжарини сўраб олиб, олдидаги катта тошга ботирибди. Тиг харсанга ёкка киргандек осонгина кириб кетибди. Шунда донишманд “Ана шу дам Наврўз кирди”, дебди. Бундан бироз ажланган ва аччиқланган шоҳ “Топингни қандай исботлайсан?” деб сўраганда, чол “Бўлмаса, ханжарингизни сугуриб олинг”, деб жавоб берибди. Табиийки, подшоҳ қанча уринмасин, яроқ заррача қилт этмабди. Унинг “Энди буни қандай оламан?” деган сўровига, “Келаси йил шу дам, Наврўз келган пайтда олмасиз”, деган экан хисобдон. Чунки фақат ўша дамдагина табиатдаги барча жонли ва жонсиз нарсалар бўшар, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтар, яъни ўлиб-тирилар экан.

Мифлар одамзотнинг табиат кучлари олдидаги кўркүвидан пайдо бўлган, деган гапга қаршиман. Чунки афсона моҳиятида рамз тили билан айтилган илмий ҳақиқатлар ётади. Айниқса, осмон ёриткичларининг ўрни, тартиби, ҳаракати ҳақидаги космогоник асотирларда. Мисол учун, Сомон йўлининг бир бурчида Қамбар, бошқа бурчида Хулкар юлдузи туради. Ердан кузатаётган кишига Хулкар қишда кўринади, Қамбар юлдузи эса ёзда. Аммо улар ҳеч қачон бир-бири билан учрашмайди. Ёзги ва қишки чилла пайти эса умуман кўзга ташланмайди...

Бундан келиб чиқадики, мифлар кўркүвдан эмас, катта билимдан пайдо бўлади.

Аждодларимиз йилни олти ой қиш, олти ой ёз, деб иккига бўлган. 22 сентябрь — 21 март орасида Ой Хулкар билан тўқнашса, нимадир юз беради: қор, ёмғир ёғади, шамол туради, иссиқ-совуқ бўлади... Шунга кўра, Қамбар тўғал, Хулкар тўғал ўтади, бу ой тақвимига ишора.

Нима учун айнан эчки образи танланган, деган савол туғилади. Гап шундаки, ҳар бир фаслнинг юлдузи бўлгани каби, унинг ўсимлик, ҳайвон тимсоли ҳам бор. Баҳорнинг ўсимлик тимсоли — бойчечак, таоми — сумалак, яъни уруғни кўкартириб, шарбатидан таом қилинади, ҳайвоний тимсоли — эчки. Боиси, серфарзанд бўлади.

Қишнинг ўсимлик белгиси — уруғ, таоми — ёрма, яъни дон эзилиб, эт билан қўшиб пиширилади, маросими — кўпкари, ҳайвоний тимсоли — бўри. Шунинг учун ҳам кўпкарида улоқ чопилади. Яна бир эътиборли жиҳат: қишнинг инсоний тимсоли — йигит, баҳорнинг эса қиз саналади. Қишнинг ранги — оқ, ёзники — алвон.

Кўринадики, буларнинг ҳаммаси тизимли, бир-бирини тўлдирди. Бу дегани, рамзларнинг ҳеч бири тасодиф эмас, аксинча, асрлар давомида олиб борилган кузатувлар, тўплаган билимлар ҳосиласи.

Мифлар халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, ҳатто сезилмайди, бу ҳақда гапирилганда ҳайрон бўласан киши. Дейлик, бир бола туғилганда, оила қурилганда тўй қилинади, ўлим бўлганда ҳам. Тўғри, бу тўй деб номланмайди, аммо тағмаъноси шу. Фасл циклини билдирувчи маросимлар ҳам худди шундай: биринчидан, хотирада қолдириш, унутмаслик учун. Кейин бир фаслнинг сарҳисобини қилиб олиш учун. Йилбоши — Наврўз билан боғлиқ маросимларни йўқотиб бўлмайди.

АНЪАНА



Сумалак сайли — ҳамжиҳатлик ва саховат тантанаси

Бу байрамнинг тарихий илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳдуми Қошғарийнинг “Девону луготит-турк”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”, Абу Бакр Наршайхнинг “Бухоро тарихи” каби асарларда учрайдиган маълумотлар Наврўзнинг уч минг йилдан зиёд тарихга эга эканини кўрсатади.

Сумалакни қовлаш одатида ҳам рамзий маъно бор: инсон қалбидаги яхши истак меҳнат ва сабр билан уйғунлашгандагина барака юзага келади. Шу жиҳатдан қараганда, сумалак сайли оддий таом тайёрлаш маросими эмас, балки ҳамжиҳатлик, саховат ва бағрикенглик маданиятининг амалий ифодасидир.

Тарихий маълумотларда сумалак сайли Наврўз байрамининг ажралмас қисми сифатида қайд этилади. Баъзи манбаларда унинг тарихи ҳам уч минг йиллик аъёнлар билан боғланади. Амир Темур даврига оид айрим хабарларда ҳам Наврўз муносабати билан ўтказилган сайил ва йиғинлар зикр этилади. Бундай тантаналар кир-адирлар, боғлар, шаҳар майдонлари, муқаддас қадамжолар, маҳалла гузарларида ўтказилган.

Уларда халқнинг турли қатламлари қатнашиб, байрам ижтимоий тенглик ва умумий шодлик муҳитини яратган. Тайёр бўлган сумалакни барчага улашиш одати халқимизнинг меҳр-оқибат ва мурувватга асосланган дунёқарашини яққол намоён этади.

Наврўз билан боғлиқ баҳорий сайиллар ҳам халқ ҳаётида чуқур ўрин эгаллаган. Лола сайли, “гули сурух” сайли каби аъёнлар, айниқса, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг тоғли ва адирли ҳудудларида кенг тарқалган.

Бу сайиллар табиат гузаллигига муҳаббат, меҳнат мавсумини шоду хуррамлик билан қарши олиш, инсоннинг борлиқ билан уйғунликка интилишини ифода этади. Гул очилган дала ва қирлар орасида ўтказилган оммавий йиғинлар халқнинг нафосат туйғуси, эстетик диди ва ҳаётсеварлигини тарбиялаган.



Ўзбек халқининг Наврўз ҳақидаги тасаввурини байрам дастурхони алоҳида ўрин тутди. Кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, сумалак каби таомлар нафақат баҳор неъматлари тимсоли, балки халқнинг ҳаёт, барака, шукроналикка бўлган муносабатини ҳам ифода этади. Айниқса, сумалак Наврўзнинг энг таъсирчан ва бирлаштирувчи рамзларидан бири ҳисобланади. Уни тайёрлаш жараёнида маҳалла, қариндош-уруғ, кўни-қўшни бир қозон атрофида жам бўлади, дуо қилади, қўшиқ айтади, эзгу ниятлар қилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Наврўз қаерда қандай нишонланади?

Наврўз дунёнинг кўплаб мамлакатларида расмий ва миллий байрам сифатида кенг нишонланади. 2010 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 21 мартни “Халқаро Наврўз куни” деб эълон қилди ва у инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тан олинди.

Наврўз нишонланадиган асосий давлатлар:

- Ўзбекистон** — Наврўз миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Ушбу кунда халқ сайиллари, концерт дастурлари, миллий уйинлар ташкил этилади, сумалак пиширилади.
 - Тожикистон** — давлат байрами бўлиб, ҳар йили катта тантаналар билан ўтказилади.
 - Қозоғистон** — уч кун давомида байрам қилинади, оммавий сайиллар, аънавий уйинлар ўтказилади.
 - Қирғизистон** — халқ байрами сифатида катта миқёсда нишонланиб, от пойгалари ва миллий спорт турлари ташкил этилади.
 - Туркманистон** — давлат байрами бўлиб, халқ уйинлари ва концертлар билан ўтади.
 - Эрон** — Наврўз энг муҳим миллий байрамлардан бири бўлиб, у ерда 13 кун давом этади. Оилалар бир-бирини табриқлаб, махсус дастурхон безатадилар.
 - Афғонистон** — Наврўз давлат байрами бўлиб, “Деҳқонлар куни” деб ҳам юритилади.
 - Озарбайжон** — расмий байрам бўлиб, бир неча кун дам олиш эълон қилинади, халқ аъёнлари ва миллий таомлар тайёрланади.
 - Туркия** — асосан қурд аҳолиси ва туркий халқлар томонидан нишонланади.
 - Ироқ, Сурия** — айниқса, қурд аҳолиси Наврўзни катта байрам сифатида нишонлайди.
 - Ҳиндистон ва Покистон** — асосан форсий ва исломий бўлган ҳудудларда Наврўз алоҳида тантаналар билан ўтказилади.
 - Хитой** (Шинжонда яшовчи уйғурлар, қозоқлар ва қирғизлар орасида) — Наврўз ўз аъёнлари билан яшаб келмоқда.
- Бундан ташқари, Россия, Грузия, Албания, Болгария, Македония, Босния ва Герцеговина, Татаристон, Бошқирдистон, Кавказ халқлари орасида ҳам Наврўз байрами кенг нишонланади.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мустахкам Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
 Лазиз Мейликов
 Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
 2024 йил 7 майда
 №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шўх кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
 Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
 8 830 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

